С67

М. СОБИРОВ

# ЯНГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
**АКАДЕМИЯ**

**М. СОБИРОВ**

# ЯНГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК

AT
269041
kazi

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»**

**Тошкент 2002**

**67.99(2)8**
**С.54**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

**С 54 Собиров М.**

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши жараёнида иқтисодий жиноятчилик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. - 208 б.

**ББК 67.99(2)8**

**Ушбу монографияда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш шароитида иқтисодий жиноятчилик табиатидаги ўзгаришларга криминологик нуқтаи назардан баҳо бериш ва шу шароитдаги иқтисодий жиноятчилик тушунчасига аниқлик киритиш масалалари кўтарилган. Бунда асосий эътибор янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар замирида юзага келувчи янги турдаги жиноятларнинг хусусиятлари, келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ва юридик фанлар нуқтаи назаридан аҳамиятга молик бўлган бошқа жиҳатлари назарий таҳлил қилиниб, бундай жиноятларга қарши кураш усулларини такомиллаштиришга доир таклифлар илгари сурилган.**

**Монография юридик фанлар ўқитиладиган ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, банк-молия, божхона ва солиқ хизматлари ходимлари, шунингдек, иқтисодий жиноятчилик масалалари борасида изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи ва мутахассисларга мўлжалланган.**

Тақризчилар: юридик фанлар докторлари, профессорлар **З. С. Зарипов, М. Х. Рустамбоев**

**© Ўзбекистон Республикаси ИИВ АКАДЕМИЯСИ, 2001 й.**

# КИРИШ

Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозлик социализмининг иқтисодий концепцияларидан бутунлай воз кечган Ўзбекистон Республикаси аста-секинлик ва изчиллик билан барча турдаги мулк шаклларининг ўзаро тенглиги ҳамда эркин тадбиркорликка кенг йўл бериладиган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. «Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида босиб ўтилган йўлимиз ва жамиятимиз ҳаётида юз берган чуқур ўзгаришларни инобатга олинадиган бўлса, бугунги кунда иқтисодиёт олдида турган йўналиш, мақсад ва вазифалар ҳам тубдан ўзгарди, энг асосийси -унда юз бераётган жараёнлар мазмуни сифат жиҳатидан ўзгарди.

Биз энг қийин босқич -маъмурий буйруқбозлик, марказлашган-режали тизимдан эркин бозор иқтисодиёти асосларини қуришгача бўлган йўлни босиб ўтдик"[1].

Тарихдан маълумки, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш, кўпинча зиддиятларга сабаб бўлади. Президентимиз томонидан илгари сурилган янги ижтимоий муносабатларга ўтишнинг ўзбекона модели, яъни аҳоли қатламларининг кучли ижтимоий ҳимоясини таъминлаган ҳолда босқичма-босқич ўтиш гояси амалда ўз устуворликларини намоён этди. Ислоҳотлар изчиллик билан, аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириб борилаётир. Эркин тадбиркорликни рағбатлантириш, унинг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган кўплаб қонунлар ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилаётир. Янги ижтимоий муносабатларнинг

---

[1] **И.А.Каримов.** Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9.-Т.:«Ўзбекистон», 2001. - 148 б.

афзалликларини омма онгига чуқур сингдириш, кишиларнинг ҳуқуқий маданиятларини шакллантириш йўлида ҳам кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин, бугунга келиб қонунлар моҳиятини барча бирдай англаб етди, дейишга ҳали эрта. Жамиятда ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилаётган бир шароитда баъзи шахсларнинг гоҳ билиб, гоҳ билмасдан жиноят кўчасига кириб қолиши ҳоллари камайгани йўқ. Бундай жиноятлар янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши жараёнида кўпроқ иқтисодий соҳани қамраб олганлиги ҳам табиий[2].

Иқтисодий соҳадаги жиноятчилик жаҳондаги деярли барча ривожланган ва кам ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, нисбатан ёш Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Масаланинг яна бир муҳим ва эътиборга молик томони ҳам борки, бу соҳадаги жиноятчиликнинг кўринишлари, ундан келиб чиқадиган .оқибатлар шу жиноятчилик содир этиладиган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий ва маданий қадриятлари, жойлашиши ва шу каби бошқа ҳолатларга қараб турли хил шаклда зоҳир бўлади.

«Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислоҳотларнинг моҳиятини

---

[2]*Қаранг:* **Литвинов В.И.** Корыстные посягательства на личную собственность и их предупреждение. - Минск.: Университетское., 1989. - С.115-119.; **Аллабергенов А.П.** Понятие хищения путем злоупотребления служебным положением // Уголовно-правовые меры борьбы с преступностью. Т., 1987. С. 3-10.; **Кабулов Р.** Бозор иқтисодиёти шароитида талон-тарож қилишга қарши кураш // Хуқуқ-Право. 1998. № 3. **Кадыров У.К., Миренский Б.А.** Уголовно-правовая характеристика хищений, совершаемых материально ответственными лицами. - Т.: Академия МВД РУз., 1997. - С.23-37.

белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. Қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир.

Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жиноятчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга интилмоқда. Бу ўринда гап ўғирлик, талон-торож, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик қилиш каби жиноятлар устидагина бораётгани йўқ. Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жиноятлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Жиноятчи унсурларнинг янги хўжалик муносабатлари тизимини шакллантириш жараёнида фаол ва хуфёна иштирок этиши жамиятда ахлоқсизлик вазиятини туғдиради. Бу эса мамлакат учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти учун ҳам номакбул жиноий бозор иқтисодиётининг алоҳида тури шаклланишига олиб келади»[3] - деб ёзган эди И.А.Каримов.

Президентимиз томонидан 2001 йили эълон қилинган амнистия тўғрисидаги фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида кўплаб иқтисодий жиноят содир этган, лекин

---

[3] **И.А.Каримов**. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 6. - Т., 1998. - 88-89 б.

зарарни тўлиқ қоплаган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилди. Бундай инсонпарварлик намунаси жаҳондаги барча мамлакатларда ҳам қўлланилавермайди. Бу Фармон ва Қонун инсон омили мамлакатимизда қанчалик юқори ўринга қўйилаётганлигининг исботи бўлди, десак, хато қилмаймиз. Биз демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида эндигина одимлай бошлаганимизга қарамай, жуда кўп натижаларга эришдик. Албатта, бундай шароитда бошқарув ва ҳуқуқий механизмларни шакллантириш соҳасида баъзибир камчилик ва хатоларга йўл қўйилиши, шу билан бир қаторда, ҳали жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги янгича шароитлар учун етарли эмаслиги оқибатида айрим фуқаролар жамият учун унча хавфли бўлмаган, лекин Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноят сифатида эътироф этилган қилмишларни содир этмоқдалар.

Аслида ҳам, бундай жиноий ҳаракатни содир этувчилар, асосан ўтиш даврининг ўзига хос психологиясидан, ёппасига эркинлаштириш жараёнида турмушнинг барча қирраларини тўлиқ назорат этиш имконияти мавжуд эмаслигидан фойдаланиб қолишга интилиш оқибатида жиноят содир этганлар[4]. Бундай шахслар етказилган зарарни қоплаш эвазига жиноий жавобгарликдан озод этилганлари тақдирда, уларнинг ушбу ҳаракатларни қайта содир этмасликларига ишонса бўлади.

---

[4]*Қаранг:* **Кабулов Р., Соттиев И.А.** Жиноятга йўл қўймайлик (уюшган гуруҳлар томонидан банк кредитларини талон-тарож қилишнинг олдини олиш тўғрисида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. № 5. - 71б.; **Абдухаликов М.А.** О некоторых квалифицирующих обстоятельствах вымогательства // Конституция - ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Т., 1996. - 187б.; **Кабулов Р.** Жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш воситалари // Конституция: иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари. Т., 1995.; **Каракетов Ю.М.** Ответственность за разбой по уголовному законодательству УзССР. - Нукус.: Каракалпакстан, 1990. - 164с.; **Кабулов Р.** Мулк ҳуқуқи // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 10.; **Кабулов Р.** Мулкни талон-тарож қилиш нима? // Ҳаёт ва қонун. 1996. № 10-11.**Кабулов Р.**; Ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг фарқи // Қонун номи билан. 1997. № 3.

Тажрибалардан маълумки, озодликдан маҳрум этиш жазоси кўпинча жазони ўтаб келганлар ўртасида аламзадалик кайфиятини юзага келтиради ва унинг қайта жиноят содир этишига туртки бўлади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Президентимиз Фармони ва янги Қонун юксак инсонийлик намунасигина бўлиб қолмай, балки улкан тарбиявий ва профилактик аҳамиятга ҳам моликдир.

Шунинг учун, Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида айтиб ўтганларидек «... жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу - қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашувдир.

Бунинг моҳияти нимада? Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи ўзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирмайди.

...Шу билан бирга, жавобгарлик доирасини янада аниқроқ белгилаш ва унга алоҳида ёндашув ҳисобига жазонинг тарбиявий аҳамиятини ва унинг самарасини ошириш имконини ҳам беради»[5].

---

[5] *Қаранг:* **Каримов И.А.** Адолат - қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясидаги нутқи //«Халқ сўзи», 30 август, 2001.

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига узгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра Жиноят кодекси моддаларидаги ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар миқдори ортди: илгари улар 86 та (18,7%) бўлган бўлса, эндиликда 196 тага (42,8%) етди. Шунга мутаносиб равишда унча оғир бўлмаган жиноятлар 232 та (50,4%) ўрнига 139 та (30,3%), оғир жиноятлар 81 та (17,6%) ўрнига 69 та (15,1%) ва ўта оғир жиноятлар 61 та (13,3%) ўрнига 54 та (11,8%) бўлди. Либераллаштириш иқтисодий жиноятларга оид 18 та моддани қамраб олган.

Тўғри, ҳар қандай демократик жамиятда жиноят учун жазо муқаррарлиги тамойили устувор бўлиши талаб этилади. Ёки Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг огирлиги ва шафқатсизлиги эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечогли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади»[6]. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, иқтисодий жиноятлар учун қонунда жазолар белгиланиши шарт. Лекин, бу жазолар қайси ҳолатларда ва қандай шахслар учун муқаррар қўлланилиши ҳам белгилаб қўйилган бўлмоғи керак. Масалан, бундай жиноятлар битта шахс томонидан такрор содир этилган, шунингдек, рецидивистлар, илгари қамоқ жазосини ўтаб қайтган шахслар ёки уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир

---

[6] *Қаранг:* **Каримов И.А.** Адолат - қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясидаги нутқи //«Халқ сўзи», 30 август, 2001

этилган бўлса, бундан ташқари жиноятчи судга қадар давлатга ёки хусусий шахсларга етказган моддий зиённи қоплай олмаган тақдирда, жиноий жазо қўлланилиши белгилаб қўйилиши, бизнингча мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни қоплашдан ташқари, айтайлик, биринчи марта жиноят содир этаётгани тақдирда -шу зарарнинг ярми, иккинчи марта содир этаётган бўлса -юз фоизи миқдорида жарима ҳам тўлаши, учинчи ва ундан ортиқ марта содир этаётган бўлса, яъни таъсир чораларидан тўғри хулоса чиқармаган тақдирида жиноий жавобгарликка тортилиши қонунда белгилаб қўйилса, бизнингча, адолатли ва ўринли бўлади. Чунки, етказилган зиённи қоплашнинг ўзигина таъсир чораси бўла олмайди ва у жиноятга қайта ундовчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу ўринда, етказилган зарарни жиноят содир этган шахс ўрнига бошқа (шу жумладан чет эллик) ҳомийлар қоплашлари мумкинлигини ҳам қонунийлаштириш керак, деб ўйлаймиз.

Аслини олганда, жамият учун иқтисодий жиноятларнинг, умуман жиноятларнинг содир этилмаслиги муҳим. Аммо, иқтисодий жиноят содир этган шахслар учун берилган енгилликлар кишилар ўртасида жазосизлик кайфиятини уйғотмаслиги лозим. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, иқтисодий жиноятлар учун жиноий-ҳуқуқий меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнида мана шу жиҳатларга кўпроқ эътиборни қаратиш, аҳоли ўртасида қонунларнинг моҳиятини тушунтириш ишларини янада жонлантириш керак бўлади.

Иқтисодий муносабатлар устувор бўладиган жамиятда иқтисодий жиноятчиликка ҳам эътибор кучли бўлиши керак. Иқтисодий жиноятчилик эса ўзгарувчан ва беқарор хусусиятга эга бўлганлиги учун ҳам уни кўпроқ ўрганиш, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларни илмий таҳлил этиш орқали бундай жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш услубларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Иқтисодий асосларнинг ҳуқуқий ҳимояси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ифода этувчи шакл ва йўналишгина эмас, балки шу ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида ўта маданиятли тарзда мужассамлаштирган ҳолатлар йиғиндиси эканлиги боис ҳам юксак аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, иқтисодиёт соҳасидаги ҳар қандай ижтимоий муносабатларнинг бузилиши жамиятга хавф туғдиради ва бунинг оқибатида жиноий қонунларни қўллаш ва бошқа ҳуқуқий механизмларни ишга солишга тўғри келади.

Иқтисодий жиноятлар муаммоларининг илмий ечимларини топишга бўлган талаб ҳозирги шароитдаги реал криминоген ҳолатлардан келиб чиқади. Бугунги кунда иқтисодий жиноятчилик умумий жиноятларнинг 70%га яқинини ташкил этаётир. Агар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Марказидан олинган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2000 йил давомида рўйхатга олинган иқтисодий жиноятларнинг умумий миқдори 39493 та бўлиб, шундан ўғрилик жиноятлари (Ўз.Р. ЖК 169-моддаси) 22313 тани ташкил этган бўлса, 2001 йилнинг биринчи ярмида бу жиноятлар сони 11099 тани ташкил этган, шунингдек, босқинчилик жиноятлари (Ўз.Р. ЖК 164-моддаси) 2000 йилда 667 тани, 2001 йилнинг биринчи ярмида 294 тани, фирибгарлик жиноятлари (Ўз.Р. ЖК 168-моддаси) 2000 йилда 2486 тани, 2001 йил биринчи ярмида эса 1402 тани ташкил этган. Кўриб турганимиздек, бу соҳадаги жиноятчиликда оз бўлса ҳам, пасайиш бор. Лекин, иқтисодий жиноятчиликнинг баъзи турлари маълум бир даврда кўпайиш, бошқа бир даврда эса камайиш хусусиятларига эга. Оқибатда умумий жиноятчилик деярли ўзгармай қолаверади. Албатта, бундай жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда, лекин Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, ўзгалар мулкига тажовуз ва мулкдорларнинг ҳуқуқлари

бузилиши ҳоллари камаймаётган бир шароитда бу масалаларга масъулиятсизларча ёндошиш ярамайди[7]. Бу ҳолатни статистик маълумотлар билан ҳам тасдиқлашимиз мумкин. Масалан, 2001 йилда талон-торож жиноятларининг умумий миқдори камайгани ҳолда, мулкдорларга жуда катта миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлари учдан бир бараварга кўпайган. Бундан ташқари, талон-торож қилиш ва ўзлаштиришнинг янги-янги турлари пайдо бўлмоқда. Жумладан, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш йўли билан, шунингдек компьютер техникаларидан фойдаланган ҳолда банк-кредит соҳаларида содир этилаётган жиноятлар, бундан ташқари, эркин тадбиркорлик фаолиятидаги шу фаолият юзасидан ўрнатилган тартибларни суиистеъмол қилиш, монополизм кўринишларини намоён этиш, рақобатдаги ноҳалоллик, кредиторлар, истеъмолчилар ҳуқуқларини поймол қилиш, солиқларни ўз вақтида тўлашдан бўйин товлаш ва шу кабиларни мисол келтириш мумкин[8].

Бундай кўринишлардаги жиноятлар бундан беш-олти йил илгарилари Республикамиз амалиётида жуда кам учрайдиган жиноятлар сирасига кирарди. Бугунги

---

[7] *Қаранг:* **Каримов И.А.** Адолат - қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясидаги нутқи //«Халқ сўзи», 30 август, 2001.

[8] **Бобожонов А.** Солиқ ва тўловларни қасддан яшириш жиноятлари - солиқ маданиятининг ривожланишига салбий таъсир этувчи омил // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2001. 56-59-б.; **Ортиқов А., Ортиқов Б.** Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий-ҳуқуқий мазмуни // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2001. 54-56-б.

кунда мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнлари жадаллик билан бормоқда ва бундай жараёнлар натижасида ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган, лекин ҳали бизга етиб келмаган жиноят турлари кириб келиши эҳтимоли бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 - моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби даҳлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин[9] », - деб белгилаб қўйилган.

Юқоридаги конституцион ҳолат умумий қоидаларни белгилаб беради, лекин унинг моҳиятини ва амалга ошириш механизмини очиб бермайди. Бу вазифалар эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ишлаб чиқиладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали ҳал этилади ва тартибга солинади[10].

Ҳуқуқнинг қайси чегараларида қонун билан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этишга ҳақи бор-йўқлигини, қайси ҳолатларда бундай

---

[9] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т., Ўзбекистон, 1999. - 13б.

[10] *Қаранг:* **Таджиханов У.Т.** Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи. - Т.: ИИВ Академияси., 1994. - 24б.; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1996. Ўқув қўлланма. - 109б. ; **Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.** Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Шарқ., 2001. - 750б. Конституционное право Республики Узбекистан: Сб. нормат. актов. В 2-х т. / Сост. **А.Х. Саидов.** Т., 1995. - т.1-384, т.2-383с.

ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун қонун олдида жавобгарликка тортилиши мумкинлигини ҳар бир фуқаро билишга ҳақли. Шунинг учун ҳам Жиноят кодекси қайси ҳолатларда жиноий жавобгарлик кучга киришини, иқтисодий соҳалардаги жиноятлар сирасига нималар киришини аниқлаб беради.

1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят кодексида 1959 йилги Жиноят кодексида ўз аксини топмаган кўплаб жиноятлар, айниқса иқтисодий соҳаларда содир этиладиган жамият учун хавфли ҳаракатлар учун қонуний жавобгарликлар кўзда тутилган. Бу янгиликлар назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи юристларнигина эмас, балки эркин тадбиркорлик ва бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг кенг қатламларини ҳам қизиқтириши табиий.

Жиноят кодекси қабул қилинганидан кейин унинг моддаларини шарҳловчи қўлланмалар, шунингдек, жиноят ҳуқуқи, криминология фанлари бўйича турли муаллифлик жамоалари томонидан кўплаб дарсликлар яратилди[11]. Албатта, уларнинг савиясини бир хил дейиш қийин, аммо, умумий жиҳатдан олганда иқтисодиёт соҳаларида содир этиладиган жиноятланинг таркибини аниқлашда саёзроқ

[11] **Нарбутаев Э.Х.** Чезаре Беккариа и современность (пути реформирования системы уголовной юстиции). - Т.: ЗИЁ., 1997. - 101с.; **Исмаилов И.** Оғир жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ҳаёт ва қонун. 1996. 7-сон.; **Нарбутаев Э.Х.** Борьба с преступностью. Закон и практика. - Т.: Мехнат., 1991. - 247с.; Уголовный закон и его эффективность. - Т.: Мехнат., 1991. - 96с.; **Кадыров М.М.** Уголовное право. Особенная часть / Под ред. У. Таджиханова. - Т.: Адолат., 1997. - 507с.; **Якубов А. С.** Предпосылки правовой реформы в Республике Узбекистан. - Т.: Академия., 1994. - 53с.; Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. - Т.: Академия МВД РУ., 1996. - 80с.; Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы. - Т.: Академия., 1996. - 270с.

ндашувлар кўзга ташланади. Тўғри, буни пайдо бўлаётган муаммоларнинг янгилиги, жиноят қонунларининг янги ҳолатлари бўйича амалий материалларнинг деярли йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари бўйича чоп этилган мавжуд адабиётларда иқтисодий жиноятлар сирасига қайси жиноятларни киритиш мумкин, деган саволга ягона жавоб топилмайди[12]. Бундай ҳолат иқтисодий жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутадиган ягона тизимдаги жиноий-ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишга салбий таъсир кўрсатади.

Қонуншунослар билан мунозарага киришишни назарда тутмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига таянган ҳолда биз «Иқтисодиет соҳасидаги жиноятлар» бўлиминигина эмас, балки бошқа бўлимлардаги иқтисодий жиноятчиликка алоқаси бўлган жиноий-ҳуқуқий меъёрларни ҳам таҳлил этишга зарурат бор, деб ҳисоблаймиз. Шу тартибдаги ёндашув, бизнинг фикримизча, иқтисодий жиноятчиликка олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни тўғри аниқлаш ва бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича аниқ ва йўналтирилган чораларни ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Шуларни назарда тутиб, муаллиф Европа мамлакатлари, яқин қўшниларимиз -Ҳамдўстлик давлатлари, Россия Федерациясида содир этилаётган иқтисодий жиноятчиликни ўрганишга кўпроқ эътиборни қаратди. Чунки, бундай жиноятчилик яқин қўшниларимиздан бизнинг ҳудудимизга тез ва деярли тўсиқсиз кириб келиши мумкин. Агарда уларни олдиндан тахминлаб, ривожланиш қонуниятларини

---

[12] *Тўлиқроқ маълумотлар олиш учун қаралсин:* Уголовный кодекс Республики Узбекистан: научно-практический комментарий. - Т., 1996. - С.207-250; **Кабулов Р.** Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика// Автореф.дисс.... д-ра юрид.наук. - Т., 1997.-С.17-41.

ўрганиш орқали олдини олиш чоралари кўрилса қонунлар ва жиноят кодексларига тегишли ўзгаришлар киритиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Илмий-тадқиқотлар соҳасида Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий жиноятчиликнинг ҳозирги аҳволини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, у янгича иқтисодий шароитлар замирида юзага келадиган иқтисодий асосларга путур етказувчи жиноятчилик турларини олдиндан кўра билиш, унга қарши кураш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси ўз Жиноят кодексини қабул қилганидан кейин иқтисодий жиноятчилик соҳасида мамлакат ҳуқуқшунос ва олимлари томонидан кўпгина тадқиқотлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Г.А.Абдумажидов, А.Аллаберганов, К.Р.Абдурасулова, М.Абдухаликов, Б.Ахроров, Б.А.Блиндер, С.Г.Закутский, З.С.Зарипов, В.А.Зотов, И.Исмоилов, Р.К.Кабулов, М.М.Кадиров, Ю.М.Каракетов, Ш.Кобилов, М.Ю.Кержнер, Б.А.Миренский, К.Мирзаджанов, Э.Х.Норбутаев, Ю.С.Пулатов, М.Х.Рустамбоев, У.Таджиханов, Ф.Тахиров, М.Усмоналиев, И.Х.Хакимов, А.С.Якубов[13] ва бошқалар шу соҳадаги баъзи муаммоларга ўз қарашларини билдирганлар.

Бу масала билан шуғулланаётган Россиялик ҳамкасбларимиз ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Г.А.Аванесов, А.А.Аслаханов, Г.Н.Борзенков, М.М.Бабаев, Ю.М. Батурин, Ю.Д.Блувштейн, В.А.Владимиров, С.Е.Вицин, Б.В.Волженкин, Л.Д.Гаухман, Е.Е.Дементьева, А.Э.Жалинский, А.М.Иванов, И.И.Карпец, Г.А.Кригер, М.А.Лопашенко, С.В.Максимов, Г.М.Миньковский, И.В.Шишко, П.С.Яни[14] ва бошқалар шулар жумласидан бўлиб, улар иқтисодий жиноятчилик феноменини ўрганишнинг

---

[13] Тадқиқотчиларнинг ишлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[14] Тадқиқотчиларнинг ишлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

услуби, методологияси, криминологияси ва шу каби бошқа алоҳида олинган соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб бораётирлар. Чет эл олимларидан М.Патэн, Э.Сазерленд, М.Бассиони, Б.Свенссон, К.Тидеман ва бошқалар шу соҳада йирик асарлар яратган олимлар сирасига кирадилар.

Иқтисодий соҳадаги жиноятчилик ўз табиатига кўра ўзгарувчан ва шароитга тез мослашувчан бўлганлиги учун ҳам уни доимий равишда кузатиш ҳамда чуқур ўрганиш талаб этилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу соҳада ўрганилиши ва тадқиқ қилиниши керак бўлган аломатлар жуда ҳам кўп. Мисол учун, иқтисодиёт тараққиётининг маълум босқичларига кўра иқтисодий жиноятчилик динамикаси, шундай шароитдаги жиноятчиликка олиб келувчи сабаблар, омиллар, жиноятчи психологиясида содир бўлиши эҳтимол қилинадиган ўзгаришлар ва уларнинг олдини олиш бўйича қўлланилиши керак бўлган тадбирлар ва ҳоказо.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиши жараёни кечаётган бир пайтда иқтисодий жиноятчиликнинг вужудга келган ҳамда пайдо бўлишини кутиш мумкин бўлган турлари ва уларга қарши курашни такомиллаштиришнинг услубларини ўз ичига олган ушбу монография бу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларимиз ўз илмий-ҳуқуқий билимларини ошириш истагида бўлган талабаларимиз, шунингдек кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

# I БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА УНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ЮЗАГА КЕЛУВЧИ ЯНГИ КЎРИНИШЛАРИ

## §1. «Иқтисодий жиноятчилик» тушунчаси

«Иқтисодий жиноятчилик» тушунчаси амалда илмий манбаларда кенг қўлланилганлиги билан, унинг умумий тарзда қабул қилинган аниқ жиноий-ҳуқуқий ва криминологик таърифи ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат иқтисодий жиноятчилик ўз табиатига кўра ўзгарувчан ва мураккаб бўлганлиги учун уни доимий равишда ўрганиш талаб этилиши ва шу жиҳатлари туфайли унга қатъий таъриф бериш имкони мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бу ҳолат иқтисодий жиноятчиликка қарши қонунчиликни мукаммаллаштиришда бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Шу жиҳатларига кўра тадқиқотчи М.Мамардашвили уни «жадалликнинг қўзғалмас нуқтаси» («фиксированная точка интенсивности») деб атаган[15].

Иқтисодий жиноятчилик муаммолари бу феномен пайдо бўлган илк даврларданоқ тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Бу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар унинг мулкка тажовуз билан боглиқ турларини ўрганишдан бошланган. Масалан, бу соҳанинг кўзга кўринган Франциялик тадқиқотчиларидан бири М.Патэн 1861 йилдаёқ ўзининг «Бизнес соҳасидаги жиноят ҳуқуқи ва жиноят қонунларининг умумий қисми» деб номланган ишида, қисман қуйидаги

---

[15] Мамардашвили М. Картезианские размышления. - М., 1993. - С. 32.


265041

масалаларни оперативлик билан ечиш зарурати пайдо бўлганлигини санаб ўтади:

-иқтисодий жиноятлар, шу жумладан тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлар тушунчасини белгилаш;

-иқтисодий, шу жумладан солиқ соҳасини жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга келтириш;

-тадбиркорлар, шу жумладан солиқ тўловчиларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясини таъминлаш;

-тадбиркорлар, шу жумладан солиқ тўловчиларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш.

Ўша пайтлардаёқ етакчи мутахассислар иқтисодий жиноятчилик муаммоларига ечилиши эртами-кечми, албатта шарт бўладиган келажакнинг катта ижтимоий муаммолари сифатида қараганлар. Иқтисодий жиноятлар тадқиқотида биринчи бор корпорациялар жиноятчилигини системали равишда ўрганган криминолог Э.Сазерланднинг тадқиқотлари муҳим йўналиш сифатида майдонга келди. У яратган криминологик концепция бу долзарб муаммони тушуниш услубларини танлашда жуда катта маънавий таъсир кўрсатди. У ўз концепциясида содир этиладиган энг хавфли жиноятлар субъекти - бизнес соҳасида юқори ижтимоий мавқени эгаллаб турувчи шахслар эканлиги ва улар жиноятларни касбий фаолият доирасида, ўзларининг ва бошқа юридик шахсларнинг манфаатлари йўлида содир этишлари ҳолатига асосий эътиборни қаратди. У ўзининг бу концепцияси орқали илмий атамалар сирасига машҳур корпорациялар жиноятчилигини характерловчи «оқ ёқаликлар жиноятчилиги» терминини киритди.

Э.Сазерланд концепциясини ривожлантириш жараёнида ва унинг янги тенденцияларини аниқлашда жиноят амалиётида бу тушунчанинг икки хил йўналишдаги кенгайтирувчи талқини юзага келди.

Биринчидан, иқтисодий жиноят субъектлари кенгайди. Аста-секинлик билан бу тоифага корпорацияларнинг юқори лавозимли раҳбарларидан ташқари, бошқа хизматчилар ҳам киритила

бошланди[16]. Кейинчалик эса, субъектлар бўйича умуман чеклашлар қўлланилмай қўйилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиноятлар сирасига кирувчи жиноятлар рўйхати анча кенгайди. Кейинроқ бу жиноятлар тоифасига солиқдан бўйин товлаш, компьютер билан боғлиқ жиноятлар ва шунга ўхшаш давлат иқтисодиётига, унинг алоҳида бўғинларига, тадбиркорлик фаолиятига, шунингдек фуқароларнинг алоҳида гуруҳлари манфаатларига зарар етказувчи ҳаракатлар ҳам киритилди. Бу рўйхатдаги жиноятлар таркиби 20-30тагача етди.

Бизнинг давримизга келиб, иқтисодий жиноятчилик ўзининг қатъий таърифига эга бўлдими? Йўқ, албатта.

Кўпчилик рус олимларининг фикрини ифода этар экан, Н.Ф.Кузнецова иқтисодий жиноятлар мулкка тажовуз ва тадбиркорлик соҳасидаги жиноятлардан ташкил топади, деб ҳисоблайди[17].

Яна бир Россиялик олим Г.К.Мишин эса, иқтисодий жиноятчиликни ижтимоий ҳаётдаги яшаш учун курашнинг бир кўриниши, у иқтисодий манфаатлар тўқнашувидан пайдо бўлади, бу тоифага хўжалик жиноятлари билан бирга барча мулкка қарши қаратилган жиноятлар киради, деган фикрни илгари суради[18].

В.В.Лунеевнинг фикрига кўра эса, бозор иқтисоди ҳукм сураётган мамлакатларда иқтисодий жиноятларнинг асосини корпорациялар томонидан давлат иқтисодига, бошқа корпорацияларга, истеъмолчиларга, шунингдек, корпорациялар хизматчилари томонидан эса шу корпорацияларга

---

[16] *Тўлиқ маълумот учун қаралсин:* **Ванъ-Канъ**. Экономическіе факторы преступности. М., 1915. -С.27-34.

[17] *Қаранг:* **Кузнецова Н.Ф.** Кодификация норм о хозяйственных преступлениях // Вестник Московского университета. Сер.11. Право, 1993. № 4. - С.12.

[18] *Қаранг:* **Мишин Г.К.** Проблема экономической преступности (опыт междисциплинарного изучения). - М., 1994. - С.33-34.

қарши амалга ошириладиган жиноий ҳаракатлар ташкил этади[19].

Е.Е.Дементьева эса, тушунчага аниқлик киритиш йўлидаги АҚШ ва Германия криминологлари таклиф этган қарашларни умумлаштириб, шундай хулоса чиқаради: «иқтисодий жиноятчилик -бу умумий тарзда олганда давлат иқтисоди, шунингдек хусусий тадбиркорлик ва фуқароларнинг айрим гуруҳлари манфаатларига тажовуз қилишга қаратилган, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар томонидан қонуний иқтисодий фаолият ниқоби остида доимий равишда амалга ошириладиган ноқонуний фаолиятдир»[20]. У, чет эл криминологик адабиётларини чуқур таҳлил этиш натижасида иқтисодий жиноятчиликнинг қуйидаги белгиларини ажратади:

1. Иқтисодий жиноятчиликнинг ғаразли мақсадда амалга оширилиши. Бунда жиноятчи ўз манфаатларини кўзлаб эквивалентлик принципларини бузган ҳолда иқтисодий ресурсларни ўзлаштириб олади. Иқтисодий жиноятчиликка таъриф беришда бу нарса асосий белги ҳисобланади. Ушбу ҳолатда жиноий ҳаракат ўз манфаатини кўзлаш билан бир қаторда иккинчи бир шахс ёки ташкилот манфаатини кўзлаб содир этилган бўлиши ҳам мумкин.

2. Иқтисодий жиноятчиликнинг касбий (профессионал) фаолият доирасида содир этилиши.

3. Субъектларнинг ўзаро ва давлат билан моддий бойликларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиб олиш, тақсимлаш ва алмашиш бўйича тузиладиган шартнома ва мажбуриятлари билан боғлиқлиги.

4. Жабрланишнинг жамоа (коллектив) шаклдалиги, жиноят табиати (характери)нинг жамиятдан яширинлиги, жабрланувчи билан жиноятчи орасидаги масофанинг узоқлиги. Бунда тажовуз объекти

---

[19] *Қаранг:* **Лунеев В.В.** Преступность XX века. - М., 1997. - С. 257.

[20] *Қаранг:* **Дементьева Е.Е.** Экономическая преступность и борьба с ней в странах с развитой рыночной экономикой (на материалах США и Германии). - М., 1992. - С. 12-13.

сифатида бутун иқтисодиёт, унинг алоҳида тармоқлари, хусусий тадбиркорлик ва фуқаролар гуруҳи тушунилади.

5. Жабрланувчининг анонимлиги. Бу белги виктимлаштириш жараёнининг кўпинча жабрланувчининг ўзидан яширин амалга оширилиши ҳолатларини назарда тутади.

6. Иқтисодий жиноятчиликда иккита субъектнинг -ташкилот номидан иш юритувчи ва унинг манфаатларини ифода этувчи юридик (корпорациялар жиноятчилиги) ва жисмоний (касбий фаолият доирасидаги жиноят содир этувчи) шахснинг мавжуд бўлиши.

7. Давлат, хусусий тадбиркор ва фуқароларга етказиладиган зиён миқдорининг юқори даражадалиги.

8. Кўплик (множественность) шаклдалиги.

9. Иқтисодий жиноятчилик оқибати сифатида моддий бойликларнинг қайта тақсимланиши содир бўлиши.

10. Узоқ давом этувчи, доимий шаклда эканлиги.

Иқтисодиёт соҳаларида содир этилган иқтисодий жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи унинг криминологик тавсифини белгилаш учун асос қилиб олинади. «Иқтисодий жиноятлар - миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Бундай жиноятлар содир этиш билан давлатга, жамоатга, жамоат бирлашмаларига ёки айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади»[21]. Бундан хулоса шуки, иқтисодий жиноятлар сирасига кирувчи жиноят гуруҳларини аниқлашда, уларнинг жамловчи белгилари сифатида

---

[21] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар. Т., 1997. - 203 б.

бутун жамият ва фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган иқтисодий манфаатларига талон-тарож қилиш ёки талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек хўжалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиш ва иқтисодиёт асосларига зиён етказишни тушуниш мумкин.

Кўпгина криминолог олимларнинг узоқ йиллар давомида олиб борган тадқотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий жиноятларнинг деярли барча кўринишлари ўзаро боғлиқликда бўлиб, унинг бир туридаги ўзгариш иккинчисига ҳам таъсир этади. Масалан, талон-тарож ҳолатларининг ўсиши, ўз навбатида иқтисодиёт асосларига қарши, шунингдек хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади ва ҳоказо[22].

Тажрибалардан маълумки, иқтисодий жиноятчилик барча даврларда ҳам уюшган жиноятчилик билан чамбарчас богланган ҳолда содир бўлади. Илгарилари уюшган гуруҳлар фақаттина жиноий йўналишларда ёки «хуфиёна» иқтисодиёт соҳаларидагина жиноий фаолият юрғазишган бўлса, эндиликда улар қонуний

---

[22] *Қаранг:* Криминология / Под ред. **В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова.** - М.: Юрист., 1997. - 512с.; Криминология и профилактика преступлений / Под ред. **А.И. Алексеева.** М., 1989.; Криминология. 2 ое издание / Под ред. **В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова.** М., 1999. - ; Криминология. Учебник. - М.: Юридическая литература., 1988. - 383с.; **Аванесов Г.А.** Криминология и социальная профилактика. М., 1980. -526с.; **Аванесов Г.А.** Криминология. М., 1984. - 498с.; **Кузнецов А.П., Изосимов С.В., Бокова И.Н.** Преступления в сфере экономической деятельности: проблемы технико-юридического конструирования отдельных уголовно-правовых норм// В сб.: Проблемы юридической техники. Н.Новгород, 2000. С.586-606.; **Кузнецова Н.Ф.** Кодификация норм о хозяйственных преступлениях // Вестник Московского университета. Сер. 11: Право. 1993. - С 43-49.; Проблемы борьбы с перступлениями в сфере экономики: Межвуз. сб. научн. тр. - Киев.: КВШ МВД СССР., 1990. - 181с. и др.

иқтисодиётнинг ичкарисигача кириб келдилар. Бундай ҳолатлар тижорат, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, айниқса кўпроқ намоён бўлади[23].

Кўриб турганимиздек, иқтисодий жиноятчилик тушунчасига турли хил ёндошувлар, турли хил қарашлар мавжуд. Лекин, бу соҳада олиб борилган ва олиб борилаётган тадқиқотлар ҳали иқтисодий жиноятчиликнинг асл табиатини белгилаб бера оладиган ягона қонуниятни аниқлаб бера олганича йўқ.

Илгариги тадқиқотлардаги умумий хулосалардан бири -бу иқтисодий жиноятчилик «иқтисодий фаолият доирасида содир этилиши» тушунчаси бўлиб, деярли барча тадқиқотчилар жиноят субъекти бевосита ўз касбий фаолияти доирасида ҳаракат қилади, деган хулосага келадилар. Бу фикр, бундан ўн-ўн беш йиллар олдин, ҳақиқатан ҳам иқтисодий жиноятчиликнинг табиатига мос хусусиятлардан саналарди. Лекин, бугунги кунга келиб компьютер технологияларининг, шу жумладан интернет-технологияларнинг юқори даражада ва тезликда ривожланиши, унинг бизнес ва бошқа иқтисодий фаолият соҳаларига фаол кириб келиши, яъни тобора кенгайиб бораётган интернет-технологиялардан қимматбаҳо қоғозлар бозорини

---

[23] *Қаранг:* **Бойкова И.Н., Гвоздев А.И.** Проблемы борьбы с преступностью в сфере экономики. Минск, 1991. - 316с.; **Кабулов Р.** Разграничение кражи и мошенничества // Именем закона. 1997. № 3.; **Куринов Б.А.** Научные основы квалификации преступлений. - М.: Изд. МГУ., 1984. - 181с.; **Кабулов Р.** Разграничение хищения транспортного средства от угона // Конституция - ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. - Т.: Адолат., 1996. - 187б.; **Волков Б.С.** Мотивы преступления. Казань.: изд. Казанского университета., 1982. - 152с.; **Кабулов Р.** Совершенствование уголовного законодательства за хищение имущества // Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. Т., 1994.; Талон-тарож содир этиш усулига кўра шаклларга ажратиш // Қонун ҳимоясида. 1996. № 11-12.; **Шайбазян Л.Г.** Собственность - объект угона транспортного средства // Мустақиллик ва Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролар жамиятини шакллантириш муаммолари. - Лекция - Т.: Академия., 1996. - 97 - 26с.

ташкил қилишда фойдаланиш, электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва шу каби молия-иқтисод, банк ҳамда бизнес каби иқтисодий соҳаларда компьютерлаштирилган тизимлардан фойдаланиш жиноий фаолликнинг янги, ўзига хос турларини, иқтисодий ва касбий фаолият билан боғлиқ бўлмаган кўринишларини ҳам вужудга келтирди[24]. Эндиликда юқори технологиялардан фаол фойдаланаётган, касбидан қатъи назар, ҳар қандай шахсга жиноят субъекти сифатида қараш мумкин бўлиб қолди. Шу ўринда «жиноят субъекти» тушунчасига бир оз кенгроқ тўхталишга тўғри келади.

Жиноятлар доимо аниқ бир жисмоний шахс томонидан содир этилади. Шунинг учун ҳам жиноят содир этган шахсга нисбатан жиноят таркибининг мажбурий элементи саналадиган «жиноят субъекти» атамаси қўлланилади. Жиноят субъекти мавжуд бўлмаса, демак жиноят таркиби ҳам, жиноятнинг ўзи ҳам содир этилмаган ҳисобланади.

Амалдаги жиноий қонунчилигимизда «жиноят субъекти» тушунчаси қўлланилмайди, лекин баъзи

---

[24] *Қаранг:* **Лопашенко Н.А.** Неправомерные действия при банкротстве.// Законность. 1999. №4. С. 14-19.; **Лунеев В.В.** Преступность XX века. М., 1997. - 297с.; **Дементьева Е.Е.** Экономическая преступность и борьба с ней в странах с развитой рыночной экономикой (на материалах США и Германии). - М.: ИНИОН., 1992. - 51с.; **Лунеев В.В.** Тенденции преступности: мировые, региональные, российские // Государство и право. 1993. №5. - С. ; **Тосунян Г.А.** Банковское дело и банковское законодательство в России: опыт, проблемы, перспективы. М., 1995. - 215с.; **Зарипов З.С.** Криминологическая характеристика и профилактика корыстных преступлений. - Т.:, 1993.; Криминологическая характеристика и профилактика организованной преступности. Т., 1995. - лекция 26л.; **Нестеров А., Вакурин А.В.** Криминализация экономики и проблемы безопасности // Вопросы экономики. 1995. № 1. - С 17-19.; **Мазур С.Ф.** Уголовно-правовая борьба с экономическими преступлениями в области негосударственного предпринимательства. М., 1995. - 88с.; **Рустамбаев М.Х.** Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. - Нукус.: Каракалпакстан., 1992. - 303с.

моддаларда унинг «айбдор», «судланувчи», «жиноят содир этган шахс» каби синонимлари қўлланилади. Умумий тарзда олганда, жиноят содир этган шахснинг ўзи - бу жиноят субъектидир. Тор, махсус маънода қараладиган бўлса, жиноят субъекти - бу била туриб ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноий ҳаракати учун жиноят қонунларида кўзда тутилган жазоларни ўташга қодир бўлган жисмоний шахс тушунилади[25].

Жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўла олиши тўғрисидаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари мазмунидан келиб чиқади. Масалан, 11-12 ва 17 -моддаларда белгилаб қўйилишича, жиноят субъекти сифатида жиноий жавобгарликка Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тортилиши мумкин. Мумкин бўлган жиноят субъекти доирасининг жисмоний шахс билан қонуний чекланиши давлат идоралари, корхоналари ва муассасалари ва жамоат бирлашмалари, яъни юридик шахсларнинг жиноят субъекти бўла олмаслигини англатади.

Хозирги замон жиноий-ҳуқуқий бошқарув жаҳон тажрибасида жиноят субъекти тушунчасига кенгроқ маънода қарала бошланди. Жиноят объекти доирасини кенгайтириш, яъни бу доирага жисмоний шахсдан ташқари, юридик шахсларни ҳам киритиш зарурати

---

[25] *Қаранг:* **Устименко В.В.** Специальный субъект преступления. - Харьков.: Вища школа., 1989. - 103с.; **Гаухман Л.Д.** Объект преступления. М.: Академия МВД РФ., 1992. - 123с.; **Дагель П.С., Котов Д.П.** Субъективная сторона преступления и ее установление. - Воронеж.: Изд. Воронежского университета, 1974. - 243с. **Коржанский Н.И.** Объект и предмет уголовно-правовой охраны. - М.: Академия МВД СССР, 1980. - 248с.; **Карпушин М.П., Курляндский В.И.** Уголовная ответственность и состав преступления. - М.: Юридическая литература, 1974. - 231с.; **Коган В.М.** Социальный механизм уголовно-правового воздействия. - М.: Наука, 1983. - 183с.; Конституционное право Республики Узбекистан: Сб. нормат. актов. В 2-х т. / Сост. **А.Х. Саидов.** Т., 1995. - т.1-384, т.2-383с.

жаҳон амалиётига йирик корпорацияларнинг фаоллиги кучайиб, улар томонидан бозорни монополизациялаш авж олган, бунинг оқибатида баъзида истеъмолчиларнинг ҳамда жамиятнинг манфаатларига зид ҳаракатлар содир этилаётган бир пайтда пайдо бўлди. Ҳалол рақобатни, истеъмолчиларнинг манфаатларини, иқтисодиёт муҳофазасини, атроф-муҳитни, соғлиқни ва шу каби ҳаётий фаолиятнинг зарур соҳаларини ҳимоялашга йўналтирилган маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий чоралар ўз кутилган самараларини бермагандан сўнг, баъзи давлатлар (Франция, АҚШ, Англия, Япония, Финляндия) юридик шахс жавобгарлигини қонунлаштиришга мажбур бўлдилар[26].

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, юқорида айтиб ўтилган иқтисодий муаммолар Ўзбекистоннинг ҳам бугунги кундаги ва истиқболидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ ривожланишида юзага келиши эҳтимолдан узоқ эмас ва шу нуқтаи-назардан олганда, бизнингча, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳам кўриб чиқиш зарурати юзага келади.

Иқтисодий жиноятчилик муаммоларига ҳозирги шароит нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак ва иқтисодий жиноятчиликнинг беқарорлик хусусиятини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг фикримизча, ундаги умумий тенденцияларни ажратиб олиб, иқтисодий жиноятчилик тушунчасига аниқлик киритиш мақсадида татбиқ этиш мумкин. Булар нималарда кўринади?

Иқтисодий жиноятчиликнинг объекти, энг аввало моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, яъни предметини пул-товар ва моддий бойликлар ташкил этадиган мулкий соҳалардаги ижтимоий муносабатлар шаклида намоён бўлади. Унинг субъекти

---

[26] *Тўлароқ маълумот учун қаралсин:* **Якубов А.С.** Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении - Т., 1996 - С-5-26.

эса шу бойликларни ноқонуний тарзда ўзлаштирувчи жисмоний (ёки бизнинг таклифимизча, юридик шахс)дир. Ҳар қандай жамиятда ва иқтисодий ривожланишнинг барча босқичида объект ҳам, субъект ҳам ўзгармасдан қолаверади. Бизнингча, иқтисодий жиноятчиликка худди шу нуқтаи назардан баҳо бериш тўғрироқ бўлса керак.

Шундай қилиб, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс томонидан ўз шахсий фойдасини кўзлаб амалга ошириладиган ва жамият ҳамда фуқароларнинг қонуний иқтисодий манфаатларига путур етказиш билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликка иқтисодий жиноят сифатида баҳо бериш мумкин.

Мамлакатимизда ва МДҲ давлатларининг барчасида содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг асосан кўпчилиги бозор муносабатларига ўтиш давридаги хўжалик юритиш ҳуқуқий механизмларининг бўшлиги ва амалий тажрибанинг етишмаслигидан келиб чиқаётганлиги маълум. Бу ҳолатнинг туб моҳиятига етиш учун, биз аввало бозор иқтисодининг ўзи нима, деган саволга жавоб топишимиз лозим.

Бозор иқтисоди деганда, аввало ҳар хил мулкчилик турларининг ранг-баранглиги ва тенг ҳуқуқлилигига ҳамда аҳолини моддий бойлик ва хизматлар билан таъминлашдаги жисмоний шахсларнинг эркин тадбиркорлиги ва шу соҳадаги рақобатига асосланган иқтисодий тизим мажмуи тушунилади. Бозор - бу давлат томонидан белгиланган режаларни бажариш мажбуриятини олмасдан, тадбиркорнинг объектив иқтисодий манфаатини кўзлайдиган хўжалик алоқаларидан иборатдир. Бу ҳолда иқтисодий муносабатлар бевосита ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва истеъмолчи ўртасида амалда бўлади. Бозор шароитида хўжалик юритишдаги шериклар мустақил танланади. Бундай шароитда шериклик, асосан фойдани тенг бўлиб олишга асосланади. Фойдани эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдангина эмас, балки ўз

молини ёки таклиф этадиган хизмат турини талабга қараб, ортиқча фойда эвазига сотишдан ҳам олиш мумкин.

Бозор ўзининг пул-товар муносабатларига асосланган иқтисодий механизмига эга бўлиши муҳим ва шарт. Бу механизмнинг ҳаракатлантирувчиларини кўпгина тадқиқотчилар 11-18 элементдан иборат, деб талқин қиладилар. Аслида эса, бу элементларни 3та йирик турга ажратиш мумкин[27]:

1. Ишлаб чиқариш воситалари бозори.
2. Пуллик хизмат кўрсатиш воситалари истеъмоли.
3. Қимматбаҳо қоғозлар ва ишчи кучи бозори.

Бозор ички ва ташқи кўринишда бўлиши мумкин. Бозор ёпиқ ҳолда бўлиши мумкин эмас. У ташқи иқтисодий алоқалар билан чамбарчас боғланган бўлиб, бу унинг ривожланишидаги энг асосий омиллардан ва бозор иқтисодининг табиатини белгиловчи сифатлардан биридир.

Ҳозирги даврда, барча МДҲ давлатларидаги каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам бозор иқтисоди ўзининг бошланғич давринигина бошдан кечирмоқда ва унинг келажагини белгилаш қийин. Бозор иқтисодига турлича давлатлар турлича йўллар билан ўтганлиги тарихдан маълум. Бунда, албатта аҳоли турли қатламларининг ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи, билим даражаси, қолаверса, миллий ва маданий қадриятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин, иқтисодиётнинг биз юқорида келтирган 3 хил элементининг ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, шу даврда юзага келиши муқаррар бўлган иқтисодий жиноятларни криминология нуқтаи-назаридан таҳлил этишимиз мумкин. Бу таҳлил, энг аввало бозорнинг табиати, унинг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳамда хўжалик юритиш механизми шаклларига асосланган бўлмоғи даркор.

---

[27] *Қаранг:* **Петров Э.И., Марченко Р.Н., Баринова Л.В.** Криминологическая характеристика и предупреждения экономических преступлений. М., 1995. - С 3.

Бозорнинг тузилиши ва механизми бозор иқтисоди принципларига асосланади. Бу принципларни чуқурроқ қараб чиқайлик.

Буларнинг ичида ҳар хил тузилмалар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритишдаги мустақиллиги ҳал қилувчи принциплардан саналади. Бусиз иқтисодий субъектларнинг ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва молия соҳасидаги фаолият натижалари юзасидан аниқ масъулиятларини белгилаш мумкин эмас. Давлат бундай шароитда ишлаб чиқаришда қатнашувчиларнинг мустақиллигини таъминлашда кафолатловчи вазифасини ўтайди, холос. Бозор иқтисодига ўтишнинг энг асосий кўринишлари ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш ёки узоқ муддатта ижарага бериш кабилардир. Мулкчиликнинг турли хил кўринишларини шакллантиришда, хусусийлаштириш жуда ҳам катта аҳамиятга эга.

Бозорни ҳаракатга келтирувчи кучларнинг мустаҳкамлигини барқарор молия ва пул тизимларигина таъминлай олади. Бу шарт бажарилмаса, инфляция ва бюджет тақчиллиги юзага келиши муқаррар.

Бозор механизми принципларига талаб ва таклифга кўра баҳоларнинг ўзгариб туриши ҳам киради. Эркин баҳолар тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмларини ҳаракатга солади. Талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, яъни хизмат ва ишлаб чиқаришни унга мослаштириш баҳолар даражасининг белгиловчи омилидир.

Бозор муносабатларининг ривожланишида, бизнинг фикримизча, иқтисодий субъектларнинг эркинлиги ва тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилиши муҳимдир. Бу ҳол аҳоли қатламлари орасидан узоқни кўра оладиган, ташаббускор, таваккал қилишдан чўчимайдиган, жасур ишлаб чиқарувчи ва савдогарларнинг ажралиб чиқишига кўмаклашади. Лекин жиноятчилар оламининг бу эркинликлардан

имкон қадар ўз ғаразли мақсадларида фойдаланишга интилиши эҳтимолини ҳам, бизнингча, жамият ёддан чиқармаслиги лозим.

Хўш, қонунларни четлаб ўтувчилар ўз «тадбиркорлик»ларини қандай йўсинда амалга оширадилар? Ўзбекистон шароитида, бизнинг олиб борган таҳлилий тадқиқотларимизга кўра, истеъмол бозоридаги қонунбузарликларнинг энг характерлилари қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

а) мулкни хусусийлаштириш билан боғлиқ жиноятлар;

б) савдо ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноятлар;

в) хўжалик юритиш соҳасидаги жиноятлар;

г) солиқ соҳасидаги жиноятлар;

д) мулкка тажовуз билан боғлиқ жиноятлар

е) чет эл инвестициялари билан боглиқ жиноятлар.

Бозор қонуниятларига асосан, давлатнинг бозор тузилмалари хўжалик юритишида бевосида иштирок этишдан воз кечиши талаб этилади. Лекин бу нарса унинг иқтисодиётни бошқаришдан ҳам воз кечиши керак, дегани эмас. Ваҳоланки, бошқарувсиз иқтисоднинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Тўғри, давлат бозор хўжалик фаолиятига аралашмаслиги билан иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи моддий бойликлар ҳамда пул заҳираларининг сақланиши устидан ўз назоратини маълум даражада сусайтиради. Худди мана шундан фойдаланган айрим «ишбилармон»лар катта миқдордаги пул маблағларини сохта банк ҳужжатлари ёрдамида ўзлаштириш, уларни хорижий банкларга жойлаштириш учун ҳаракат қиладилар[28].

Давлатнинг бозор хўжалик фаолиятига аралашмаслиги билан айни бир пайтда хусусий мулк эгасининг ўз фаолияти учун тўлиқ шахсий жавобгарлиги юзага келади ва бозор иқтисоди, бозор

---

[28] *Қаранг:* **Сидоров В., Гладких В.** Рынок и преступность: реалии и прогноз // Хозяйство и право. 1991. № 4. - С 131.

маданиятини шакллантиришда у энг асосий омиллардан ҳисобланади. Бу ҳолда давлат мулкчиликнинг барча шакллари учун тенглик ва ҳуқуқий таъминланганликни ташкил этишни ўз зиммасига олади. Бунда, бизнингча, давлат томонидан мулкчиликнинг турли кўринишлари ўртасида рақобатни юзага келтириш, уларнинг ўзаро тенгликка асосланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини меъёрий ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш муҳимдир. Чунки, рақобат - бу яшаш учун кураш, демакдир. Кимнингки моли бошқаларникидан сифатлироқ, арзонроқ бўлса, унинг савдоси ҳам, табиийки оладиган даромади ҳам яхшироқ бўлади. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулайроқ, осонроқ шароитни излайди. Шундай бир вазиятда рақобатчилар орасидан нопок йўллар билан бозорни забт этишга интилувчи сохта «тадбиркор»лар чиқиши эҳтимоли ҳам ошиб боради. Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида эса бу ҳолатларни ўз вақтида кўра билиб, тегишли ҳуқуқий механизмларни ишга солишдек мураккаб вазифа юзага келади.

Иқтисодий жиноятларнинг энг характерли хусусияти шундаки, бунда жиноятчи, маълум маънода ижтимоий ва иқтисодий муҳитни ўрганиб ва назорат қила бориб, ундан ўзининг жиноий мақсадларида фойдаланиш учун энг мақбул ҳолатларни излаб топади. Булар эса, табиий равишда амалдаги қонунлар ва қонун ҳужжатларининг номукаммаллигидан, шу билан бирга, жиноятчилик оламининг шароитга тез мослашиб кета олиши туфайли юзага келади[29].

Янгича иқтисодий муносабатларнинг кишилар ҳаётига кириб келиши баробарида шу муносабатлар замиридаги жиноятчиликнинг янги кўринишлари ҳам

---

[29] Қаранг: **Яковлев А.М.** Экономическая преступность: закон и жизнь. М., 1990. - С. 9.

пайдо бўла бориши кишилик жамияти тарихидан маълум. Лекин, бу нарса турлича мамлакатда, унинг ривожи, ўтмиш ва замонавий маданияти, ўтиш давридаги мавжуд сиёсий-иқтисодий муҳитнинг ҳолатига кўра, турли хил кўринишларда зоҳир бўлади[30].

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида кечган 10 йил мобайнида кузатилган ва яқин келажакда юз беришини кутиш мумкин бўлган янги иқтисодий жиноятларнинг энг характерлилари, бизнингча қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

а) молия-кредит соҳасида;

б) қимматбаҳо қогозлар бозорида;

в) импорт-экспорт муомалаларида;

г) солиқ ва божхона тизимларида;

д) ишлаб чиқариш ва савдо соҳасида;

е) янги компьютер технологиялари соҳасида;

ё) электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш ва бошқа соҳаларда.

Шунинг учун бу соҳаларда содир этилиши мумкин бўлган жамият учун хавфли иқтисодий характердаги жиноятчиликни, бизнинг фикримизча, олдиндан тахминлаб, уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, қонунларга тегишли ўзгаришларни киритиб бориш талаб этилади.

## §2. Иқтисодий жиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси ва баъзи МДҲ давлатлари қонунчилигида акс этиши

Ўзбекистон Республикаси МДҲ давлатлари ичида биринчи бўлиб ўз Жиноят Кодексини қабул қилиб, 1995 йил 1 апрелдан уни кучга киритди. Ҳозирда амалда бўлган қонунчилигимизга асосан, иқтисодий жиноятлар тўрт гуруҳга бўлинади[31]:

---

[30] Қаранг: **Имамов Э.З., Яковлев М.А.** Социально-правовые аспекты экономической преступности // Проблемы Дальнего Востока. 1989. № 2. - С. 99.

[31] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т., 2001. - 384б.

1) ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг X боби);

2) ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XI боби);

3) иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XII боби);

4) хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII боби).

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларига босқинчилик (164-модда); товламачилик (165-модда); талончилик (166-модда); ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (167-модда); фирибгарлик (168-модда); ўғрилик (169-модда) жиноятлари киради.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятларга алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш (170-модда); жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (171-модда); мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш (172-модда); мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш (173-модда); ахборотлаштириш қоидаларини бузиш (174-модда) жиноятлари киради.

Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар қуйидагилардан иборат Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (175-модда); қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (176-модда); валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш (177-модда); чет эл валютасини яшириш (178-модда); сохта тадбиркорлик (179-модда); сохта банкротлик (180-модда); банкротликни яшириш (181-модда); божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш (182-модда); монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш (183-модда); солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш (184-модда); қимматбаҳо металлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш (185-модда).

Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар туркумига қуйидагилар киради: сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш (186-модда); харидор ёки буюртмачиларни алдаш (187-модда); савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш (188-модда); савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш (189-модда); фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш (190-модда); қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш (191-модда); рақобатчини обрўсизлантириш (192-модда).

Энди МДҲдаги айрим давлатларининг Жиноят кодексларига назар ташлаймиз.

Россия Федерациясининг 1997 йил 1 январдан кучга кирган янги Жиноят кодексининг 22-боби «Иқтисодий фаолият соқасидаги жиноятлар» деб номланади. Унда 1999 йил 1 февраль ҳолатига кўра, қуйидаги жиноят турлари белгиланган:

қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш (169-модда), ер билан боғлиқ ноқонуний битимни рўйхатга олиш (170-модда), ноқонуний тадбиркорлик (171-модда), ноқонуний банк фаолияти (172-модда), ёлғон тадбиркорлик (173-модда), ноқонуний йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мулкларни қонунийлаштириш (ювиш) (174-модда), ноқонуний йўл билан топилган мулкни била туриб сотиб олиш ёки сотиш (175-модда), ноқонуний кредит олиш (176-модда), кредитор қарзларни қайтаришдан қўпол равишда бўйин товлаш (177-модда), монопол ҳаракат ва рақобатни чеклаш (178-модда), битим тузишга ёки уни тузищдан воз кечишга мажбур этиш (179-модда), товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш (180-модда), давлат пробир белгиларини тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузиш (181-модда), била туриб ёлғон реклама бериш (182-модда), тижорат ва банк сирлари ҳисобланган маълумотларни ноқонуний равишда олиш (183-модда), тижорат мақсадларида ўзига оғдириб (сотиб) олиш, профессионал спорт мусобақалари ва томоша тижорат танловлари қатнашчилари ва ташкилотчиларини ўзига оғдириб (сотиб) олиш (184-модда), қимматбаҳо

қоғозларни (эмиссия) чиқаришда суиистеъмолликка йўл қўйиш (185-модда), сохта пул ёки қимматбаҳо қоғозларни ясаш, сақлаш ва сотиш (186-модда), сохта кредит ёки ҳисоб-китоб карточкалари ва бошқа тўлов воситаларини ясаш ва сотиш (187-модда), контрабанда (188-модда), оммавий қирғин қуроллари, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани яратишда ишлатиладиган технология, илмий-техник маълумот, хизмат, хомашё ва ускуналарни экспорт қилиш (189-модда), чет давлатлардан Россия Федерациясига Россия Фёдерацияси халқларига тегишли бадиий, тарихий ва археологик қимматга эга бўлган предметларни қайтармаслик (190-модда), нодир металлар, табиий қимматбаҳо тошлар ва дур билан ноқонуний муомала (191-модда), давлатга қимматбаҳо металл ва тошларни топшириш қоидаларини бузиш (192-модда), чет давлатдан валютадаги маблағларни қайтармаслик (193-модда), ташкилот ва жисмоний шахслардан йиғиладиган божхона тўловларидан бўйин товлаш (194-модда), банкротлик чоғида ноқонуний ҳаракат (195-модда), била туриб амалга оширилган банкротлик (196-модда), сохта банкротлик (197-модда), жисмоний шахснинг солиқ ёки бюджетдан ташқари фондларга суғурта пайларини тўлашдан бўйин товлаши (198-модда), ташкилотларнинг солиқ ёки бюджетдан ташқари фондларга суғурта пайларини тўлашдан бўйин товлаши (199-модда), истеъмолчини алдаш (200-модда).

Қозоғистон Республикасининг янги Жиноят кодекси 1997 йил 16 июлда қабул қилинган бўлиб, 1998 йил 1 январдан кучга киритилди. Унинг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» боби 39 моддадан иборат бўлиб, унда бошқа давлатлар Жиноят кодексларида акс этмаган қуйидаги жиноят турлари мавжуд: расмий савдо ва аукционлар ўтказишда ўрнатилган тартибларни қўпол равишда бузиш (197-модда); қимматбаҳо қоғозлар эгалари реестрига била туриб сохта маълумотлар киритиш (203-модда); қимматбаҳо қоғозлар операциялари тўғрисида атайлабдан нотўғри маълумотлар бериш (204-модда); қимматбаҳо қоғозлар

операцияларини ўтказиш қоидаларини бузиш (205-модда); сохта акциз йиғимлари маркаларини ясаш ва ундан фойдаланиш (208-модда); бухгалтерлик ҳисоби қоидаларини бузиш (218-модда); банк операциялари тўғрисида атайлабдан нотўғри маълумотлар бериш (219-модда); банкнинг пул маблағларидан ноқонуний фойдаланиш (220-модда); ноқонуний мукофот олиш (224 модда).

Бу кодексдаги банкнинг пул маблагларидан ноқонуний фойдаланиш моддаси уч турдаги ҳаракатни ўз ичига олади:

1) банкнинг шахсий маблағлари банк ходимлари томонидан фойдаланилиши ва (ёки) бу маблағларни била туриб қайтариб олинмайдиган кредитлар беришга йўналтириш ёки била туриб банк учун бефойда битимлар тузиш;

2) банк мижозлари ёки бошқа шахсларга асосланмаган банк кафолатлари ёки имтиёзларни бериш;

3) банк ходимлари томонидан мижозларнинг банк счетлари бўйича пул, шу жумладан валюта маблағларини била туриб нотўғри ўтказиш ёки била туриб ўз вақтида ўтказмаслик. Бу ҳолатларнинг барчасида фуқаро, ташкилот ёки давлатга етказилган катта миқдордаги зарар жиноий жазонинг асосий шарти қилиб белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзига хос томони шундаки, ундаги ҳар бир модданинг ўзида кўп (жуда кўп) миқдордаги зарар, даромад тушунчаларига расмий изоҳ берилган.

Шу бобга компьютерлар билан боғлиқ жиноятлар (227-модда) ҳам киритилган бўлиб, унда қонун билан ҳимояланувчи компьютер информацияларидан ноқонуний фойдаланиш, ЭҲМ ёки дастурланган машина ташувчиларига зиён етказувчи дастурларни ишлаб чиқиш, фойдаланиш ёки тарқатиш учун жиноий жазо белгиланган.

Қирғизистон Республикасининг Жиноят кодекси

1997 йил 1 октябрда қабул қилинган бўлиб, асосан Россия Федерацияси Жиноят кодексида баён этилган иқтисодий жиноятлар тизимини ўзида акс эттиради. Шу билан бир қаторда, унда бир қатор янги жиноятлар ҳам кўзда тутилган: бухгалтерлик ҳисоби қоидаларини бузиш (187-модда); расмий савдо ва аукционлар ўтказишда ўрнатилган тартибларни қўпол равишда бузиш (189-модда); метрология қоидаларини бузиш (196-модда); сохта акциз маркаларини ясаш, сақлаш ва сотиш (199-модда); акциз йиғимларига тортилиши шарт бўлган маҳсулотларни акциз маркаларисиз ишлаб чиқариш, сақлаш ва импорт қилиш (200-модда); спирт ва таркибида спирт бўлган ичимликларни лицензиясиз ишлаб чиқариш ва сотиш (201-модда); спирт ва таркибида спирт бўлган сифатсиз ичимликларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш (203-модда); моддий бойликларни чет элдан қайтармаслик (205-модда); солиқ хизматларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш (214-модда); ноқонуний молиявий имтиёзлар бериш ёки олиш (215-модда).

Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси, солиқдан бўйин товлаганлик учун нафақат фуқароларнинг (211-модда), балки хўжалик субъектининг мансабдор шахслари жавобгарлигини ҳам (213-модда), шунингдек, хусусий тадбиркор жавобгарлигини ҳам алоҳида кўзда тутади (212-модда).

Шуниси диққатга сазоворки, Жиноят кодекси 194-моддасининг эслатмасига асосан, тижорат ёки банк сирларини ошкор этганлик ёки ундан ноқонуний фойдаланганлик учун зиён кўрган тижорат ташкилоти ёки хусусий тадбиркор ариза берган тақдирдагина, жиноий таъқиб амалга оширилади.

Беларусь Республикасининг 1960 йилдаги Жиноят кодексига ҳам жуда кўп ўзгаришлар киритилди. Унинг «Бошқа турдаги давлат жиноятлари» деб номланадиган боби қимматбаҳо қоғозларни ноқонуний тайёрлаш (эмиссия) ($84^1$-модда), қимматбаҳо қоғозлар эмиссияни сохталаштириш ($84^2$-модда), валюта операцияларини

амалга ошириш бўйича ўрнатилган қоидаларни бузиш ($85^{1}$-модда), Беларусь Республикаси ҳудудидан ташқарида ноқонуний ҳисоб рақамлари очиш ($85^{2}$-модда) каби моддалар билан тўлатилди.

«Хўжалик жиноятлари» бобининг ўрнига «Тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланувчи боб киритилди. Бу боб қуйидаги моддаларни ўз ичига олади: истеъмолчига сифатсиз, нотўлиқ ёки ностандарт маҳсулотни бериш ёки жўнатиб юбориш (149-модда); таркибида радионуклидлар билан зарарланиш даражаси йўл қўйиладиган миқдордан юқори бўлган маҳсулотларни сотиш ($149^{2}$-модда); сохта тадбиркорлик ($150^{1}$-модда); кредит ёки дотацияни ўзлаштириш ($150^{2}$-модда); сохта банкротлик ($150^{3}$-модда); гаразли банкротлик ($150^{4}$-модда); кредиторга етказилган зарарни қоплашни барбод қилиш ($150^{5}$-модда); олибсотарлик (спекуляция) -$150^{6}$-модда; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартибларини бузиш (151-модда); антимонопол қонунларни бузиш ($151^{3}$-модда); монопол баҳоларни ўрнатиш ва ушлаб туриш ($151^{4}$-модда); нопок рақобат ($151^{1}$-модда); товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш (152-модда); рақобатчининг ишчанлик обрўсидан ноқонуний фойдаланиш ($152^{1}$-модда); рақобатчининг ишчанлик обрўсини тўкиш (дискредитация) -$152^{2}$-модда; маҳсулот (товар, иш, хизмат) тўғрисида ёлғон маълумот тарқатиш ($152^{3}$-модда); расмий савдони барбод қилиш ($152^{4}$-модда); тижорат мақсадларида ўзига оғдириб (сотиб) олиш ($152^{5}$-модда); харидор ва буюртмачини алдаш (153-модда); сифатсиз, нотўлиқ ёки ностандарт маҳсулотни савдога чиқариш (154-модда); уй шароитида тайёрланган ўткир спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш мақсадида сақлаш ёки сотиш (155-модда); спиртли ичимликлар савдоси қоидаларини бузиш (156-модда); аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажарганлик учун фуқаролардан ноқонуний мукофот ундириш ($156^{1}$-модда); савдо қоидаларини бузиш ($156^{2}$-модда); сохта почта тўловлари белгилари ва йўл билетларини тайёрлаш (157-модда);

хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тақиқланган турлари билан шуғулланиш (160-модда); фойда ва даромадларни яшириш, камайтириб кўрсатиш ($160^1$-модда).

МДҲ давлатлари ичида Беларусь Республикасида биринчи бўлиб, тижорат мақсадларида ўзига оғдириб (сотиб) олишнинг жиноят таркибини қонуний (1993 йил 13 июнда) белгилаб берди. Унга асосан, хўжалик субъекти хизматчиси томонидан, гарчанд у мансабдор шахс бўлмаса ҳам, бажараётган иши доирасида хусусий корхона эгаси манфаатларига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни моддий бойлик ундириш ёки мулк тариқасидаги хизматдан фойдаланиш эвазига шу бойликни берувчи ёки хизмат кўрсатувчи фойдасига амалга оширса, бу ҳаракат (ҳаракатсизлик) тижорат мақсадларида ўзига оғдириб (сотиб) олиш деб тушунилади. Бу ерда шуни ҳам назарда тутиш лозимки, Беларусь кодексига кўра, мансабдор шахс сифатида муассаса, ташкилот ёки корхонада, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилий-фармойиш бериш ёки маъмурий-хўжалик мажбуриятларини ижро этиш билан боғлиқ мансабларни эгаллаб турган шахслар тушунилади (ЖКнинг 166-моддасига эслатма).

Жиноят кодексининг «расмий савдони барбод қилиш»га нисбатан белгиланган жиноят таркиби ҳам диққатга молик. Унга кўра, бундай жиноят сифатида «ғаразли мақсадларда мулкдорнинг мулки ёки бошқа хўжалик субъектига расмий савдони барбод қилиш орқали зарар етказиб, сотиб олувчининг фойдасига ҳал қилиш ҳаракати» тушунилади.

1997 йил 17 майда Беларусь Президенти «Беларусь Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Унга асосан, Жиноят кодекси $151^6$ («Битим тузиш ёки мажбуриятларни бажаришга мажбур қилиш») ва $152^6$ («Жиноий даромадларни қонунийлаштириш») моддалари билан тўлдирилди.

Беларусь тадқотчиларининг фикрларича, «Тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланувчи бу бобда кўзда тутилган жиноятлар бевосита Беларусь Республикаси хўжалик манфаатларига тажовуз қилувчи жиноятлар бўлиб, унинг баъзи тармоқларининг тўғри ривожланиши ва амалда бўлишига тўсқинлик қилади. Улар икки гуруҳга бўлинади:

1) умумий хўжалик юритиш шароитларига тажовуз билан боғлиқ жиноятлар; 2) хўжалик фаолиятининг баъзи соҳаларида содир этиладиган жиноятлар.

Халқ хўжалигининг қайси соҳасида содир этилганлигига қараб, жиноятлар яна кичик гуруҳларга ажратилади:

а) монопол фаолиятига тўсқинлик қилувчи тартибларга тажовуз қилиш;

б) ҳалол рақобатни амалга ошириш бўйича ўрнатилган тартибларга тажовуз қилиш;

в) хўжалик юритишнинг бошқа умумий шароитларига тажовуз қилиш.

Ўз навбатида, хўжалик фаолиятининг баъзи соҳаларида содир этиладиган жиноятлар яна олтита гуруҳчаларга бўлинади:

-истеъмолчи манфаатларига тажовуз;

-молия-бюджет, пул-кредит ва валюта тизимларининг мўътадил фаолиятига тажовуз;

-тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича ўрнатилган тартибларга тажовуз;

-солиқ тўловлари бўйича ўрнатилган тартибларга тажовуз;

-табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича ўрнатилган тартибларга тажовуз;

-агросаноат комплекси манфаатларига тажовуз[32].

---

[32] *Қаранг:* Уголовное право Республики Беларусь. Особенная часть: Учебное и практическое пособие / Под общ. ред. **А. И. Лукашова.**- Минск. 1997.- С.197.; **Захаренко В.Е.** Уголовное право Республики Беларусь. Особенная часть (Научно-практический комментарий). Учебное пособие. Минск, 1997.- С.127-129.

Маълумки, 1996 йил 17 февралда бўлиб ўтган МДҲ давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг еттинчи сессиясида Жиноят кодекси Андозаси қабул қилинган бўлиб, унда МДҲ давлатларининг Жиноят кодексларини бир-бирларига мумкин қадар яқинлаштириш мақсади кўзда тутилган эди[33].

Бу Андозанинг 29 боби «Тадбиркорлик ва ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибларига қарши қаратилган жиноятлар» деб номланади ва у қуйидаги жиноятларни кўзда тутган 30 та моддани ўз ичига олади:

қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик;
ноқонуний тадбиркорлик;
ноқонуний банк фаолияти;
ёлғон тадбиркорлик;
ноқонуний йўл билан топилган даромадларни қонунийлаштириш;
ноқонуний кредит олиш;
кредитор қарзларни қайтарищдан бўйин товлаш;
банкротлик чоғида ноқонуний ҳаракат;
ғаразли банкротлик;
сохта банкротлик;
бухгалтерлик ҳисоби қоидаларини қўпол равишда бузиш;
монопол ҳаракат ва рақобатни чеклаш;
расмий савдо ва аукционлар ўтказиш қоидаларини қўпол равишда бузиш;
товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш;
била туриб ёлғон реклама бериш;
тижорат ва банк сирлари ҳисобланған маълумотларни ноқонуний равишда олиш;
тижорат мақсадларида ўзига оғдириб (сотиб) олиш;
профессионал спорт мусобақалари ва томоша

---

[33] *Қаранг:* Приложение к «Информационному бюллетеню» МПА государств участников СНГ. 1996. № 10; Модельный Уголовный кодекс для государств участников СНГ // Правоведение. 1996. № 1. С. 92-150.

тижорат танловлари қатнашчилари ва ташкилотчиларини ўзига огдириб (сотиб) олиш;

сохта пул ёки қимматбаҳо қогозларни ясаш, сақлаш ва сотиш;

сохта кредит карточкалари ва бошқа тўлов воситаларини ясаш ва сотиш;

қимматбаҳо қогозларни (эмиссия) чиқаришда суиистеъмолликка йўл қўйиш;

валюта қимматликлари бўйича ноқонуний битим;

давлатга қимматбаҳо металл ва тошларни топшириш қоидаларини бузиш;

иқтисодий контрабанда;

божхона тўловларидан бўйин товлаш;

ташкилотларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлаши;

фуқаронинг солиқ тўлашдан бўйин товлаши;

истеъмолчини алдаш;

тижорат ва бошқа ташкилот хизматчисининг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши;

аудитор, ҳакам, нотариус ёки адвокатнинг ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш;

хусусий қўриқлаш ва детектив хизматлари хизматчиларининг ўз ваколатлари доирасидан чиқиши.

Кўриб ўтганимиздек, мустақил давлатлар жиноят кодекслари, асосан, нисбатан бир-бирига яқин бўлгани ҳолда, иқтисодий жиноятчиликка турлича муносабатлар мавжуд. Масалан, контрабанда Андозада иқтисодий жиноятлар сирасига киритилган. Россия Федерацияси Жиноят кодексида бу жиноят кўзда тутилган, Қозоғистон Жиноят кодексида эса объект хусусиятига қараб, иккига ажратилган: муомаладаги предметлар ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар контрабандаси жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини бузиш жиноятлари сирасига киритилган (250-модда), қолган барча товар ва предметлар контрабандаси иқтисодий контрабанда деб юритилади (209-модда) ва иқтисодиёт соҳасидаги

жиноятлар туркумига киритилади. Бундан ташқари, шу жиноятта бошқа кўплаб давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам иқтисодий жиноятлар сирасига киритилган эмас.

Республикамиз Жиноят кодексида жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш (ювиш), ноқонуний кредит олиш, ўзгалар товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш, ёлғон реклама, қимматбаҳо қоғозларни чиқаришда суиистеъмолликларга йўл қўйиш, компьютер билан боғлиқ жиноятлар, «хуфия иқтисодиёт» каби жамият учун хавфлилик даражаси ортиб бораётган жиноятлар иқтисодий жиноятлар сирасига киритилган эмас.

Ҳозирги даврда тез кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнлари турли хил жиноятларнинг транснационал тус олишига ҳам замин бўлади. Масалан, бугунги кунда жаҳонда ноқонуний хуфия бозорларнинг ривожланиб бораётганлиги аён бўлиб бораётир. Бундай бозорлар ривожланиши билан бир қаторда уларнинг шахснинг олий ҳуқуқлари бўлган яшаш ҳуқуқи, эрки, озодлиги, шаънига нисбатан тажовузи ҳам кучайиб бораётганлиги уларнинг жамият учун тобора хавфли тус олаётганини билдиради. Бу муаммони ҳам қонуншуносларимиз теран ўрганиб, тегишли қонунларни ўз вақтида ишлаб чиқишлари, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият доирасида содир этиладиган хавфли ҳаракатлар, хусусан, технологиялар, илмий-техникавий ишланма ва маълумотлар, аҳоли саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар экспорт-импорти соҳасида ҳам тегишли жиноий меъёрларни белгилаш, бизнингча, фойдадан холи бўлмайди.

## §3. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида вужудга келган янги турдаги иқтисодий жиноятлар

Давлат ва иқтисод мавжуд экан, иқтисодий жиноятчилик ҳам мавжуд бўлади. Унинг сабабларига криминология нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, «кишиликнинг ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузуми учун хос бўлган салбий ижтимоий ҳолатлар тизими, унинг жиноятчиликни келтириб чиқарадиган ўз ҳосиласи"[34] мавжуд ва уни четлаб ўтиш мумкин эмас. Уни вақтинча тўхтатиш, чеклаш мумкин, лекин бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чунки, жамият иқтисодиёти ривожининг у ёки бу босқичида вужудга келадиган шароит тақозосига кўра унинг янги ва янги турлари пайдо бўлаверади. Илгарилари жиноятчилик - бу капитализмга хос иллат, инсон онги ўсиб, юксак даражага етиши билан уни келтириб чиқарувчи сабаблар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деган большевикча хом хаёл мавжуд эди ва йиллар давомида у хом хаёллигича қолиб кетди. Бундан ташқари, илгари жиноят объекти, асосан давлат мулки, яъни социалистик мулк бўлган бўлса, эндиликда давлат мулки ҳам, юридик ва жисмоний шахслар мулклари ҳам жиноят объекти саналадиган бўлди.

Янги иқтисодий муносабатлар - бозор иқтисодига ўтишнинг дастлабки жараёнларида, табиийки, бу соҳадаги тажрибанинг камлиги, қонунларнинг номукаммаллиги жиноятчиликнинг коррупция билан боғлиқ уюшган турини келтириб чиқаради.

«Тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи мустақил давлатлардаги воқелик коррупция ва жиноятчилик хавфсизликка соладиган таҳдидини яққол тасаввур этиш имконини бермоқда.

Биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган,

---

[34] *Каранг:* Криминология. М., 1988. - 115-б.

янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан «хуфёна» иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруг-аймоқларнинг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади. Бундан ташқари, янги иқтисодий муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупция ўз ҳатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имкониятига эга»[35].

Коррупция ўзининг юқори даражада уюшганлиги, ўз жиноий ҳаракатлари изини жуда ҳам усталик билан ёпиб кета олиши билан ҳам характерлидир. Чунки, у айнан шундай жиноий ҳаракатларнинг олдини олиши керак бўлган, уни назорат этувчи амалдорлар ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг мансабдор ходимларини турли йўллар билан ўз сафига жалб этади, бундай тузилмалар ўз аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан характерлидир.

Коррупция ривожланган давлатларда бозор муносабатларига ўтиш даврида бир неча ўнлаб йиллар ҳукмронлик қилганлиги тарихдан маълум. Бизнинг шароитимизда коррупциянинг жамиятта етказадиган иқтисодий ва маънавий зарарларини ўз вақтида англаб етган Республика раҳбарияти, шахсан Президент И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда унинг авж олиб кетишига чек қўйилди. Коррупцияга қарши қонунлар ишлаб чиқилиб, ўша даврда Ички ишлар Вазирлиги,

---

[35]**И.А.Каримов**. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1998 - 484-486 б.

Прокуратура ва Миллий хавфсизлик хизматлари тасарруфларида Коррупция ва рэкетга қарши курашувчи бошқармалар ташкил этилди.

Яна бир турдаги жиноятлар мамлакатнинг ташқи бозорга чиқиши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Бундай шароитда, мамлакатнинг ҳали умумжаҳон ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари билан алоқалари яхши ривож топмаганлигидан фойдаланган жиноятчилар ишбилармонлик, тижоратчилик, маданий ва иқтисодий ёрдам ниқоби остида ҳаракат олиб бориб товламачилик, қаллоблик, фирибгарлик йўли билан давлат ва хусусий шахсларга тегишли бўлган моддий бойликларни, қимматбаҳо буюмлар, рангли металлар, бебаҳо санъат асарларини четга контрабанда усули билан ташиб кетишга ҳаракат қиладилар.

Айрим чет эл савдо-саноат доиралари ҳам мамлакат хомашё ресурсларини, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни жаҳон бозори баҳоларидан анча кам баҳоларда сотиб олиш, четдан келадиган кўпинча сифати паст маҳсулотларни эса ўта юқори баҳоларда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан жаҳондаги етакчи савдо, банк ва ҳуқуқий идоралар билан мумкин қадар яқиндан алоқани йўлга қўйиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 мартда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши, мамлакатда чет эл инвесторларига бериладиган кафолатлар қонун билан мустаҳкамланганлиги хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишларини оширди ва уларнинг ичида ишончли ва ҳалол инвесторларнинг кўпайишига олиб келди. Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳонда катта обрў ва нуфузга эга бўлган «Daewoo", «Samsung", «Mersedes Benz", «British American tobako" ва шунга ўхшаган ўнлаб йирик компаниялар ўз корхоналарини очиб, мамлакатимиз иқтисодининг юксалишига ҳисса қўшмоқдалар.

Бизнинг давримизга келиб ҳаётдаги кўпгина соҳаларнинг шиддат билан ривож олиб кетишида компьютер технологияларининг ўрни ва аҳамияти юксак бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Компьютерларнинг банк, биржа тизимларига кириб келиши саноқли дақиқаларда дунёнинг у бурчагида туриб бу бурчагидаги шериги билан ҳисоб-китобни амалга ошириш имконини беради. Аммо, бу имкониятлар ундан жиноий мақсадларда фойдаланувчиларни ҳам юзага келтирди. Булар сирасига компьютер вирусларини ишлаб чиқиб, бутун-бутун тизимларни қасддан ишдан чиқариш, махфий саналган ва мудофаа мақсадларидаги объектларнинг компьютер тизимларига суқилиб кириш (хакерлик) орқали информациялардан ноқонуний фойдаланиш, унинг ишончлилигига путур етказиш, банк компьютер ҳисоб-китоб тизимларига кириб олиб, ўз ҳисобларига катта миқдордаги маблағларни ўтказиш, компьютер техникалари ёрдамида қалбаки пул ва қимматли қоғоз(акция, вексел)ларни тайёрлаш кабилар киради. Ўтган давр мобайнида Республикамизда компьютерлар билан боғлиқ жиноятлар кўп содир этилмаган. Лекин, бу нарса хотиржамлик кайфиятига берилишга асос бўла олмайди. Чунки, мамлакатимизда ҳам жамият ҳаётини жадаллик билан компьютерлаштиришга қаратилган чоралар кўрилаётир ва шундай шароитда юқоридаги жиноятларнинг бизда ҳам содир этилмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Ҳозирги кунда кўп йиллар давомида компьютер вирусларини ишлаб чиқиб тарқатган Америка фуқароси қўлга олинган, Россиялик компьютер «ишқибози" бўлса, Америка банкларидан бирининг компьютер ҳисоб-китоб тизимига кириб олиб, ўз ҳисобига ўн икки миллион доллар маблағни ўтказишга муваффақ бўлган. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, компьютер технологиялари билан боғлиқ жиноят ҳуқуқлари мажмуини ишлаб чиқиш пайти аллақачон етиб келганлиги маълум бўлади. Бу хусусда кейинги бобларда батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Бозор иқтисоди шароитида иқтисодий муносабатларнинг барқарор бўлмаслиги, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларнинг бўшлиги иқтисодий жиноятларнинг юзага келиши учун замин яратади. Демакки, иқтисодий муносабатлар билан иқтисодий жиноятчилик ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий муносабатлар замиридаги иқтисодий жиноятчилик детерминантлари - диспропорция (нотенглик) ва айрим четга чиқишлар нафақат иқтисодий жиноятчиликка замин ҳозирлайди, балки айни пайтда унга қарши кураш йўллари ва услубларини олдиндан белгилашни ҳам тақозо этади. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш йўллари бозор иқтисоди қонуниятларидан келиб чиқса, унинг услублари бошқарув ва назоратни тўғри ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Расмий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, кейинги йиллар давомида Республикамизда ҳам иқтисодий жиноятларнинг камаймаётганлиги кўзга ташланади: 1996 йилда уларнинг ҳисобга олинган сони 7676 та бўлса, 1997 йилда - 9728 тани, 1998 йилда - 12830 тани, 1999 йилга келиб эса 13035 тани, 2000 йил давомида рўйхатга олинган иқтисодий жиноятларнинг умумий миқдори 39493 тани, 2001 йилнинг биринчи ярмида бу жиноятлар сони 11099 тани ташкил этган[36]. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, буларнинг асосий қисми янгича кўринишдаги жиноятлар ҳисобига ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Чунки, кўриб ўтганимиздек, иқтисодий жиноятчилик ўзгарувчан ва вазиятга тез мослашиб кетиш қобилиятига эга. Шунинг учун ҳам бу соҳада, бизнингча, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини чуқур ўрганиб чиқиб, шу асосда иқтисодиётнинг маълум босқичларида юзага келиши тахмин этилган жиноят турларига қарши қонун ҳужжатларини олдиндан тайёрлаб бориш керак бўлади.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этишда ўз-ўзини бошқариш идоралари,

---

[36] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Маркази архивининг 1996-2001 йиллар маълумотлари.

маҳаллалар жамоатчилиги ва бошқа жамоат ташкилотларига баъзибир ваколатларни бериб қўйиш орқали уларни жалб этиш, ички ишлар идоралари участка вакилларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш ҳам ижобий натижалар беради, деб ўйлаймиз.

## §4. Иқтисодий жиноятларга туртки берувчи гиёҳванд моддаларнинг савдоси билан боғлиқ жиноятчилик

Ташқи иқтисодий ва маданий алоқалар, туризмнинг ривожланиши, шу билан бир қаторда мамлакатимиз транзит йўлларнинг марказида жойлашганлиги, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон каби гиёҳванд моддалар етиштириш учун қулай шароитларга эга бўлган давлатлар билан чегарадошлигимиз бу ерда гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи **наркобизнес** фаолияти ривожланиши учун шароит туғдиради. Бундай бизнес билан шуғулланувчилар ўз фаолиятларида жиноятчиликнинг деярли барча турларидан фойдаланадилар ва шунинг учун хавфлилик даражаси жуда ҳам юқори ҳисобланади[37].

---

[37] *Қаранг:* Доклад Международного комитета по контролю над наркотиками за 1998 год. Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 1999. - 315с.; **Ахмедов Г.А., Кадыров М.М.** Наркомания. Преступность. Ответственность. - Т.: Узбекистан., 1989. - 112с.; **Боголюбова Т.А.** Наркотизм и наркобизнес: стратегия борьбы // Научная информация по вопросам борьбы с преступностью. 1991. №_130. С. 34-36.; **Габиани А.А.** На краю пропасти: наркомания и наркоманы. М.: Мысль., 1990. - 220с.; **Икрамова М.Г.** Уголовно-правовая борьба с наркоманией. - Т.: Фан., 1982. - 110с.; **Мирошниченко Н.А., Музыка А.А.** Уголовно-правовая борьба с наркоманией. - Киев.: Выща школа., 1988. - 207с.; **Сергеев А.Н.** К вопросу об отмене ответственности за немедицинское потребление наркотиков // Актуальные проблемы контроля за незаконным оборотом наркотиков. Межвузовский сб. научных статей. М., 1996. - С.39-42.; **Кадыров М.М.** Уголовно-правовая борьба с незаконным возделыванием наркотикосодержащих культур. - Т.: Мехнат., 1991. - 148с.; Проблемы уголовно-правовой борьбы с незаконным оборотом наркотических средств. - Т.: Ўзбекистон., 1993. - 322с

«Жиноятчиликдек мураккаб ҳодисани таҳлил қилар эканмиз, ушбу муаммонинг бошқа томонини ҳам назарда тутмоғимиз керак. Бу муаммонинг мазмунини битта жумла билан ифодалаш мумкин -жиноятчилар дунёси чегара билмайди.

Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамалакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолият соҳаси барчага маълум: у нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади.

Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш. Ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, «оқ ажал»нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда.

...Биз, Ўзбекистон жамоатчилиги, Марказий Осиё минтақаси ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда, халқаро жиноятчи уюшмалар учун «ширин луқма» эканлигини яхши тушунамиз. Бу минтақа жаҳон коммуникациялари туташган жой бўлиб, ундан наркотик моддалар билан савдо қилувчи корчалонлар фойдаланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди»[38].

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши бутун дунёда кескин кураш олиб борилаётганлигига қарамай, у билан боғлиқ жиноятлар камайгани йўқ. Гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш бугунги кунда жиноий бизнеснинг энг авж олиб ривожланиш тенденциясига эга бўлган турларидан бўлиб, ўз кўламларига кўра юқори ривожланган транснационал индустрияга айланиб бормоқда.

---

[38] **И.А.Каримов**. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.// Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., «Ўзбекистон», 1998 - 490-492 бетлар.

БМТ экспертларининг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар бозорининг йиллик айланма маблағлари тахминан 400 миллиард америка доллари миқдорида бўлиб, бу бутун жаҳон савдо айланма маблағларининг 8%га яқинини ташкил этади. 1994 йилнинг ўзидаёқ гиёҳванд моддалар бозорининг йиллик айланма маблагглари қора металлар, автомобил жаҳон бозорининг айланма маблағлари миқдоридан ошиб кетган ва тўқимачилик саноати даражасига етган.

Гиёҳванд моддалар индустриясининг пул маблағлари, асосан бу моддалар савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлардан тушади. Кока ва кўкнори етиштирадиган деҳқонлар, гарчанд бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқонларга нисбатан анча кўп ҳақ олганлари билан, аслида унинг савдодаги нархининг арзимаган қисмигагина эга бўладилар.

Жанубий Америка, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий-Шарқий Осиё, асосан гиёҳванд моддаларни анъанавий етиштирувчи минтақалар ҳисобланади. Масалан, Перу давлатида кока плантациялари 100-300 минг гектарни ташкил этиб, йилига 300-1000 тоннагача, Боливияда 200-300, Колумбияда 40-160 тоннагача кокаингидрохлорид ишлаб чиқарилади. Бу давлатлар гиёҳванд моддалар савдосидан йилига 1,9 миллиард доллар миқдорида даромад оладилар. Гиёҳванд моддалар савдосида 1,8 миллион киши иштирок этади ва бу мамлакатларда 300 минг гектардан ортиқ ер гиёҳванд моддалар етиштирилувчи плантациялар билан банд бўлади[39]

БМТнинг гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича мутахассисларининг фикрига кўра, Афғонистон кейинги йилларда опиум етиштирувчи йирик мамлакатлардан бирига айланиб қолди. Бу ерда 1991 йилнинг ўзидагина 2400 тонна хомашё етиштирилган.

---

[39] *Қаранг:* **Жучкова Г.Е.** Война с наркомафией в Колумбии // Латинская Америка, 1990, № 2. - С. 78.

Бу миқдордаги опиумдан 200 тонна тозаланган героин олиш мумкин[40].

Россиялик ички ишлар ходимларининг фикрича, охирги 10 йиллик давомида бу мамлакатда гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчи шахслар миқдори икки баравардан ошиб кетган. 1988 -1993 йиллар давомидагина ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан бу ерда гиёҳванд ва асабга қаттиқ таъсир этувчи моддалар билан боғлиқ 219 000 қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилган. Шу йиллар давомида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятчилик 4 бараварга кўпайган.

Ўтказилган ижтимоий сўровларга кўра, бугунги кунда Россия фуқароларидан 1,5 миллион киши гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишар экан. Шулардан 70%и ёшлардан иборат[41].

Гиёҳвандликнинг мамлакат иқтисодига етказадиган зарари жуда ҳам катта. Улардан айримларини санаб ўтамиз: биринчидан, гиёҳванд моддалар истеъмоли, ўз навбатида кун сайин баҳоси кўтарилиб борадиган гиёҳванд моддани сотиб олиш йўлида жиноятчиликнинг ўсишига, энг ёмони эса, наслнинг бузилишига олиб келади. Иккинчидан, гиёҳванд моддаларни етиштирувчилар ҳосилдор ер майдонларини гиёҳванд ўсимликлар билан банд этадилар бу ўсимликлардан олинган тайёр маҳсулотларни гиёҳвандларга ноқонуний, хуфёна пуллаш йўли билан ҳеч қаерда ҳисобга олинмайдиган юқори даромадга эга бўладилар. Табиийки, бу пуллар пул айланиш тизимида кўзда тутилмаганлиги ва муомаладан олиб қўйилиши оқибатида пул қадрсизланишининг тезлашишига олиб келади. Учинчидан, энг ёмони эса, гиёҳвандлик воситалари

---

[40] *Қаранг*: **Боголюбова Т.А.** Наркотизм и наркобизнес: стратегия борьбы // Научная информация по вопросам борьбы с преступностью. М., 1991, № 130. С. - 48.

[41] **Сергеев А.Н.** К вопросу об отмене ответственности за немедицинское потребление наркотиков. //Актуальные проблемы контроля за незаконным оборотом наркотиков, М., 1996. - С.-.3.

билан савдо қилувчилар, асосан ёшларни йўлдан уришга, уларни гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ўргатиб, шу йўл билан ўз маҳсулотларига бўлган талабни оширишга интиладилар. Гиёҳвандлик botқоғига ботганлар эса бўшашган, меҳнатга лаёқатсиз, гиёҳванд модданинг биргина улушига эга бўлиш учун бор мол-мулкини беришга, керак бўлса, жиноят содир этишга, ҳатто ўз яқинларини ўлдиришга ҳам тайёр кимсаларга айлана борадилар. Мамлакатимизда рўйхатга олинган гиёҳвандларнинг сони 20 мингдан ошиқ бўлиб, улар, асосан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган фуқаролар эканлиги жуда ҳам ачинарлидир.

Гиёҳвандликнинг жамият ва фуқароларга етказадиган ҳам моддий, ҳам маънавий зиёнини яхши англаб етган Республика раҳбарияти ва ҳукумати 1995 йилнинг февралидаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (1988 йилда ташкил топган) гиёҳванд ҳамда асабга кучли таъсир этувчи моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатишга қарши давлатлараро кучларни бирлаштириш Конвенциясига қўшилган эди. Бу Конвенция унга аъзо бўлган давлатларни гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний сақлашни тақиқлаш (33-модда), гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишга қарши барча имкони бўлган чораларни ишга солиш (38-модда), гиёҳвандликка чалинган шахсларни аниқлаш, уларни мажбурий даволаш, тарбиялаш, гиёҳвандлик ҳамда асабга кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол мақсадларида қонунсиз сотиб олганлик ва сақлаганлик учун жазо чораларини қўллаш (3-модда) мажбуриятини юклайди. Бундан ташқари, барча Ҳамдўстлик Давлатлари, Чехия Республикаси, Германия, Туркия, Покистон ва шу каби қатор давлатлар билан гиёҳвандликка қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисида давлатлараро Битимлар, шу давлатлар ҳуқуқий идоралари ўртасида эса шартномалар имзоланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида Гиёҳванд моддалар устидан назорат олиб борувчи ва таҳлил ишлари билан шуғулланувчи Миллий Марказ тузилган.

Гиёҳвандликка қарши курашга Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар Вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси каби давлат тузилмаларидан ташқари бошқа кўплаб жамоат ташкилотлари, маданий муассасалар ҳам жалб этилган.

2000 йил 19-20 октябр кунлари Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш: гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашга интеграциялашган ёндашув» мавзуидаги Халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуманда бугунги кунда бутун ер юзи давлатларини ташвишга солаётган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризм каби жирканч жиноятчиликка қарши Марказий Осиё давлатларида олиб бориладиган кураш, ушбу соҳада Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ), БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат ва жиноятчиликнинг олдини олиш Бошқармаси каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилиб, бу соҳадаги умумий йўналишлар белгилаб олинди.

Бу анжуман натижалари асосида «Ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни такомиллаштириш», «Маълумотларни йиғиш ва тадқиқотлар натижаларини алмашиш», «Превентив чораларни кучайтириш», «Назорат чораларини кучайтириш ва мустаҳкамлаш», «Одил судлов, қонун устуворлиги ва самарали бошқарув тизимларини мустаҳкамлаш», «Навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган қадамлар» бўлимларини ўз ичига олган йўналишлар ишлаб чиқилди.

Ундаги «Одил судлов, қонун устуворлиги ва самарали бошқарув тизимларини мустаҳкамлаш» бўлими, жумладан қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

а) юқори самарадорликка эришиш учун қонунчилик, ҳуқуқий меъёрлар ва механизмларни қайта кўриб чиқиш, керак бўлган тақдирда янгилаб,

БМТ конвенциялари, протоколлари, меъёр ва стандартлари, шунингдек ЕХҲТ доирасидаги мажбуриятлар талабларига мос ҳолга келтириш;

б) жамият фаол иштирок эта оладиган барқарор иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш;

в) қонуннинг, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот идораларининг оператив фаолиятига тегишли қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, суд ва прокуратуранинг мустақиллигини ва жиддийлигини, малакалилигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

г) гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, уюшган жиноятчилик ва терроризм масалалари билан шуғулланувчи прокурор ва судьяларнинг махсус гуруҳларини ташкил қилиш;

д) бошқарув тизимларининг, жумладан транспарентлик ва коррупция ҳамда жиноий маблағларни ўзлаштиришга қарши самарали ривожланиш механизмларини ишга солиш.

Бу анжуман, мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан анча олдин бошланган ташаббуслар самараси бўлди, десак, хато қилмаган бўламиз. «Европа Иттифоқи комиссияси раиси жаноб Ж.Сантер билан марказий Осиё давлатлари ҳамда Европа тузилмаларининг наркотик моддалар тарқатилишига қарши биргаликдаги ҳаракатлари ва бу мақсадларда ТАСИС дастури доирасидаги лойиҳалардан фойдаланиш зарурлиги хусусида эришилган битимларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз Европа Иттифоқининг наркотик моддаларни тайёрлаш ҳамда ўз мамлакатлари орқали олиб ўтилишининг олдини олишда Марказий Осиё мамлакатларига ёрдам бериш ҳақида шу йил 14 декабрь куни Дублинда қабул қилинган қарорни юксак баҳолаймиз»[42].

---

[42] **И.А.Каримов**. Демократик ўзгаришлар - жамиятимиз янгиланиши асоси. Т. 5. - Т., 1997. - 298 б.

Маълумки, жаҳонда етиштириладиган ва саноат асосида ишлаб чиқариладиган гиёҳванд моддаларнинг қарийб тўртдан уч қисми Афғонистон давлати ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда йигирма йилдан ортиқ даврдан буён давом этиб келаётган фуқаролар уруши, қонуний давлат ҳокимиятининг йўқлиги назоратсизлик муҳитини вужудга келтирган бўлиб, амалда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришдан бошқа деярли ҳеч қандай маҳсулот ишлаб чиқарилмайди. Мамлакатимиз ҳудудидан Афғонистондан Тожикистон ва Сурхондарё вилоятининг чегарага туташ ҳудудлари орқали гиёҳванд моддаларнинг Қозоғистонга ва ундан кейин Европа давлатларига ўтказиб кетишга уринишлар ниҳоятда кўп содир этилади. Мўмай даромадни кўзлаган наркобизнес намояндалари гиёҳванд моддаларни ташиб кетишда ноанъанавий йўллардан ҳам фойдаланадилар. Бунда, Афғонистон ва Тожикистондаги уруш ҳаракатлари пайтида тобутларда, дипломатик бандерол, пакет ва ҳатто самолётларнинг «қора яшик»ларида жўнатилган бўлса, кейинчалик қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари орасида контейнерларда жўнатиш авж олди.

1998 йил давомида 501 нафар чет эл фуқароси малакатимиз ҳудуди орқали гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтиб кетишда қўлга олиниб, жиноий жазога тортилган. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва МХХ маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак (қуйидаги жадвал), биргина 1999 йил давомида республикамиз ҳуқуқ-тартибот идоралари 4208 килограмм (1998 йилда -3214 килограмм), 2001 йилда эса -742 килограмм гиёҳвандлик моддаларини қўлга олдилар. Бу жадваллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, охирги йилларда гиёҳванд моддаларнинг умумий миқдори камайгани ҳолда, кучли гиёҳванд моддалар ҳисобланадиган героин ва опий моддалари истеъмоли кучайган. Масалан, 1995 йилда қўлга олинган героин моддаси 10 килограммни ташкил эган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 30 баравардан ҳам ошиб, 324 килограммга, 2001 йилда эса 362 килограммга етган.

*1-жадвал*

**1995 -2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва МХХ томонидан гиёҳванд моддаларнинг қўлга олиниши бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

| | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами қўлга олинган гиёҳванд модда, кг | 2868 | 7823 | 3300 | 3265 | 4208 | 1706 | 742 |
| Шу жумладан: героин | 10 | 19 | 71 | 253 | 324 | 235 | 362 |
| опий | 879 | 1866 | 2400 | 1930 | 3292 | 925 | 107 |
| кўкнори | 735 | 394 | 118 | 54 | 61 | 15 | 163 |
| Гашиш ва марихуана | 1237 | 5544 | 710 | 1028 | 528 | 272 | 921 |
| Бошқа турдаги гиёҳванд моддалар | 7 | | 1 | | 3 | | 7 |

Ҳозирда бутун дунёни ташвишга солиб турган гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашга бироз тўхталамиз. Тўғри, гиёҳванд моддаларнинг бизда ҳозирча жаҳон бозоридаги нархидан анча пастлиги, ҳуқуқ-тартибот, Миллий хавфсизлик ва Божхона хизматларининг биргаликдаги саъи-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда гиёҳванд ва асабга кучли таъсир кўрсатувчи моддаларни саноат даражасида ишлаб чиқарилиши ёки катта миқдорда тарқатилиши фактлари қайд этилмаган. Лекин бу нарса ҳушёрликни сусайтиришга, хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон каби гиёҳвандлик воситалари ва моддалари етиштириш учун қулай шароитларга эга бўлган давлатлар билан чегарадошлиги шу давлатлардан мамлакатимиз ҳудуди

орқали гиёҳванд моддаларнинг транзит ҳолда ташиб кетилиши эҳтимолини кучайтиради. Бундай шароитда мамлакат ҳудудига олиб кирилган, лекин баъзи сабаблар билан олиб чиқиб кетишнинг имкони бўлмаган гиёҳвандлик ва асабга кучли таъсир кўрсатувчи моддалар ва воситаларнинг малакат ичкарисида тарқалишига шароит яратади. Бундан ташқари, ҳар хил диний, экстремистик ва шу каби руҳдаги, ўз олдига давлат ичида носоғлом муҳитни вужудга келтириш, террорчилик ҳаракатларини олиб бориш орқали давлат бошқарувини қўлга олишни мақсад қилиб қўйган ғаразгўй гуруҳлар ёшларни гиёҳвандликка ўргатиш орқали уларни ўз сафларига жалб этишга уринадилар. Кейинги воқеалар шуни кўрсатмоқдаки, чегара ҳудудларида уруш-тўполонлар бўлаётган бир пайтда чегарадан катта миқдорлардаги наркотик моддаларни мамалакатимиз ҳудудига ташлашга уринишлар бўлган. Демак, бу хуружларнинг асли ташкилотчиси ва ҳомийси ҳам наркобизнес «соҳиблари» эканлиги шубҳасиз. Уларни халқимизнинг фаровон ва тинч ҳаёт кечиришлари эмас, балки мамлакатимиз ҳудудлари орқали гиёҳванд моддаларни Европа давлатларига олиб ўтиб мўмай даромад олиш кўпроқ қизиқтириши аён.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот ва махсус хизматлари ҳамкорликда гиёҳвандлик ва унинг оқибатларини тугатиш юзасидан кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Булар натижасида мамлакатимиз ҳудудида таркибида гиёҳванд моддалар мавжуд бўлган ўсимликлар майдонларининг кескин камайишига, шунингдек, ИИВ ҳисобида турувчи гиёҳванд моддаларни суиистеъмол этувчи вояга етмаганлар сонининг пасайишига эришилган бўлса ҳам, қўлга олинаётган гиёҳванд моддалар миқдори, айниқса унинг хавфлилик даражаси юқори бўлган синтетик турлари миқдори ошиб бораётганлиги ташвишлидир.

БМТнинг гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши устидан назорат олиб борувчи қўмитаси маълумотларига қараганда, жаҳонда содир этилаётган жиноий ҳаракатларнинг қарийб 74 фоизи гиёҳванд моддалар истеъмоли ёки унинг савдоси билан боғлиқ экан. Бундан ташқари, гиёҳванд моддаларни суиистемол қилиш натижасида минглаб ёш-ёш йигит-қизлар айни навқирон ёшида ҳаётдан кўз юммоқдалар.

Халқаро терроризм, диний экстремизм бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш, қўпорувчилик ҳаракатлари билан жамиятга моддий ва маънавий зарар етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, бугунги кунда уларни қурол-яроғ, кийим-бош ва маблағ билан таъмин этаётган наркобизнеснинг инсоният бошига келтираётган кулфатлари эса уларникидан ҳам зиёдроқдир.

Бугунги кунда наркобизнеснинг кўламлари кенгайганлиги, у ўз фаолиятини профессионал даражада, доимий равишда ва юқори даражадаги ноқонуний даромад олишни кўзлаган фаолият юритишини назарда тутиб, уни ижтимоий хавфи юқори бўлган (порнобизнес, ёлланма қотиллик, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, одамлар савдоси каби жиноятлар билан бир қаторда) иқтисодий жиноятлар тоифасига киритиш таклифлари ҳам билдирилмоқда[43].

Республикамизда гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашнинг қайси усулларидан фойдаланиш мумкин?

Бизнингча, бу соҳадаги бош йўналиш - гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятчиликни илмий асосда ўрганишга жиддий эътиборни қаратиш, бу турдаги жиноятчиликка криминологик нуқтаи-назардан баҳо бериш, шу жумладан жиноятчи шахсига криминологик тавсиф бериш, бундай жиноятчиликка қарши курашнинг самарали услублари ва воситаларини белгилашда чет эл тажрибаларидан кенг фойдаланиш керак, деб ҳисоблаймиз.

---

[43] *Қаранг:* **Лопашенко Н.А.** Глава 22 уголовного кодекса нуждается в совершенствовании//Государство и право. 2000 № 12. - С. 21-22.

Иккинчи йўналиш, бизнингча -бу гиёҳвандлик моддалари истеъмолига қарши қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, унга қарши ташвиқот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, бу соҳада вақтли матбуот, оммавий нашрлар, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланиш. Бундай тадбирларни омма кўп тўпланадиган томоша масканларида, мактаблар, чойхона ва сайилгоҳларда кўпроқ ташкил этиш орқали жамоатчилик фикрини уйғотиш.

Учинчи йўналиш -бу, бизнинг фикримизча, барча вилоятларда, айниқса гиёҳвандлик кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда аноним наркология хизматларини юқори даражада ташкил қилиш керак.

Тўртинчи йўналиш -бу гиёҳванд моддаларни аниқлаш воситаларини ва услубларини такомиллаштириш, кинология хизматини кучайтириш, ҳар бир вилоятда хизмат итлари питомниклари ташкил қилишга эришиш.

Бешинчи, муҳим йўналишлардан бири эса, бизнингча -бу гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, унинг савдоси, транзит равишда чегаралардан ноқонуний ўтказилиши, яъни наркотиклар контрабандаси юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришдан иборат.

## §5. «Хуфёна иқтисод», ноқонуний бозорлар ва уларнинг характеристикаси

Хуфёна иқтисод муаммолари 30-йиллардаёқ тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этган эди. 70-йиллар охирларига келиб эса, бу соҳада жиддий изланишлар натижалари, жумладан илк бор АҚШлик тадқиқотчи П.Гутманн томонидан «Яширин иқтисод» асари эълон қилиниб, унинг кўламлари ва аҳамиятига эътибор қаратиш лозимлиги асослаб берилди.

1983 йили Белефельд шаҳрида илк бор хуфёна иқтисод масалаларига багишланган халқаро

конференция ўтказилиб, унда бу муаммога бағишланган 40дан ортиқ маърузалар қилинди.

1991 йили Женевада Европа статистикларининг яширин ва ноқонуний иқтисодиётга бағишланган конференцияси ўтказилди. Унинг материаллари асосида бозор муносабатларида иш юритаётган мамлакатлар учун хуфёна иқтисодиёт статистикасини юритиш бўйича махсус қўлланмалар чоп этилди, бу масала бўйича шундан кейин доимий равишда бу ҳолатга баҳо бериш ва мониторинг бўйича, ҳатто МДҲ давлатлари учун алоҳида конференциялар ўтказилиб борилмоқда (масалан, 1992, 1993 йилларда).

1996 йил май ойида БМТнинг Европа Иқтисодий Кенгаши (Евростат)га бошқа масалалар қаторида хуфёна иқтисодиёт кўламларига баҳо бериш бўйича масала киритилди. Евростатда яширин иқтисод масалалари бўйича ишчи гуруҳ иш бошлади.

Ўзбекистонда бу жиноий ҳолатнинг юзага келиши ва ривожланиши тўғрисида И.А.Каримов шундай деган эди: «Жиноий ёки кўп ҳолларда «хуфёна» деб аталаётган иқтисодиёт воқелик сифатида қуйидагича шароитда ўсди ва ривожланди: у ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунларни қўпол равишда бузиб, ўзига хон -ўзига бек бўлиб олган эди. Чунки унга энг яқин рақобатчи бўлган давлатнинг иқтисодий тузилмалари қотиб қолган қолган кўрсатмалар ва тақиқлар билан чеклаб қўйилган эди. Совет даврида бу ҳодиса ҳаддан ташқари кучайди, хунук ҳолга келди ва Ўзбекистонга мерос бўлиб қолди.

Жамиятда жиноий «хуфёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик

ва коррупция жамиятта келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир»[44].

Ҳозирги пайтда хуфёна иқтисодиёт тўғрисида умум қабул қилган универсал тушунча мавжуд эмас. Бу ҳолатта ёндашишдаги қарашларнинг турли-туманлиги, тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган изланишларнинг методологияси ва методикаси, қўйилган назарий ва амалий муаммоларни ечиш характерларининг хилма-хиллигидан келиб чиқади.

Муаммога назарий жиҳатдан ёндашувда хуфёна иқтисод иқтисодий муносабатларнинг мураккаб тизимини акс эттирувчи иқтисодий категория сифатида қаралади.

Операционал ёндашувлар эса кўпроқ чет эллик тадқиқотчиларга хос бўлиб, бунда хуфёна иқтисод ўз ўлчамларига кўра ҳаракатида тушунилади ва бу ёндашув амалий, статистик масалаларни ечишда, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритишда кенг қўлланилади.

Масалага методологик муносабатда иқтисодий, ижтимоий, кибернетик ва ҳуқуқий ёндашувлар мавжуд.

Иқтисодий ёндашувда хуфёна иқтисоднинг иқтисодий сиёсат самарадорлигига, иқтисодий ресурсларнинг тақсимланиши ва ишлатилиши, унга баҳо бериш ва кўламларини аниқлаш бўйича ишончли услубларни ишлаб чиқишга таъсири ўрганилади. Иқтисодий ёндашув масаланинг глобал, макро ва микро даражаларини, шунингдек, институционал жиҳатларини ўрганиши билан бошқаларидан кескин фарқ қилади.

Глобал даражада халқаро хуфявий муносабатлар (масалан, наркобизнес, жиноий йўл билан топилган даромадларни «ювиш») қараб чиқилади.

---

[44] **И.А.Каримов**. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.// Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., 1998. - 484-485 б.

Макродаражада хуфёна иқтисодий фаолиятнинг иқтисодиёт тузилиши, ички ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва истеъмол қилиш, бандлик, инфляция, иқтисодий ўсиш ва бошқа макроиқтисодий жараёнлар таҳлил этилади.

Микродаражада хуфёна иқтисод субъектларининг ўзини тутиши ва улар томонидан чиқариладиган қарорлар, баъзи ноқонуний бозорлар характерлари ўрганилади.

Институционал даражадаги тадқиқотлар хуфёна иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий институтлари, яъни унинг ахлоқининг расмий ва норасмий қоидалари тизими, санкция механизми, уларнинг ривожланиш қонуниятлари таҳлилини диққат марказида тутади.

Ижтимоий ёндашувда хуфёна иқтисод хуфёна институтлар тизимида тутган ўрнига кўра бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари ва субъектнинг маълум ҳолатлардаги ўзини тутиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Кибернетик ёндашувда хуфёна иқтисод ўз-ўзини тартибга солувчи ва бошқарувчи тизим сифатида қаралади, хуфёна иқтисодни бошқариш ва тахминлаш, унинг ривожланиш қонуниятлари ва расмий сектор билан алоқаси бўйича иқтисодий-математик моделлар яратилади.

Ҳуқуқий ёндашувда хуфёна иқтисодга жиноий ҳатти-ҳаракатнинг алоҳида соҳаси сифатида қаралади. Бунда асосий эътибор иқтисодий фаолиятнинг жамият учун хавфли шаклларини тадқиқ қилишга ва унга қарши ҳуқуқий воситалар (криминологик ва жиноий-ҳуқуқий назорат) билан кураш олиб боришга қаратилади.

Хуфёна иқтисод ўзининг солиқ, бюджет, макроиқтисод, пул-кредит тизимлари, иқтисодий тузилмалар, инвестиция жараёнлари, истеъмол, меҳнат тақсимоти, ҳалол рақобат ва бошқа иқтисодий соҳаларга салбий таъсири билан жамият учун хавфли тус ола боради.

Хуфёна иқтисодни ўрганишдаги расмий-ҳуқуқий ёндашувларда ҳам хилма-хил қарашлар мавжуд. Бунда унинг характерини белгиловчи асосий ҳолатлар сифатида унинг расмий ёки давлат рўйхатидан ўтмаслиги, давлат назоратидан четдалиги, ноқонуний характерда эканлиги олинади.

Масалан, Д.Макаров[45] ва В.М.Есиповлар[46] хуфёна иқтисодий фаолиятнинг асосий диққатга сазовор жиҳати - унинг назоратсизлиги эканлигига эътиборни қаратадилар. Уларнинг фикрича, очиқ назорат услублари орқали бу иқтисодиёт тўғрисидаги маълумотларни олиш амалда мумкин эмас. Тадқиқотчилар В.О.Исправников ва В.В.Куликовлар[47] иқтисодиётнинг хуфёна иқтисод деб саналиши учун унинг расмий ёки давлат рўйхатидан ўтмаслиги, ноқонуний характерда эканлиги олинади.

Хуфёна иқтисодиётга криминологик ёндашувларда асосий белги сифатида унинг иқтисодиётга етказувчи зарари (хавфи) асос қилиб олинади

К.Улыбин хуфёна иқтисодий муносабатларни ажратиб олишда унинг деструктивлиги, жамият ва жамият аъзоларига етказадиган зиёни, меҳнатсиз топилган даромадларни ўзлаштириш каби сифатларини олади[48]. Лекин, унинг қарашлари айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунки, ҳозирги даврга келиб, меҳнатсиз топилган даромадлар тушунчаси ўз қимматини йўқотди. Бундан ташқари, у хуфёна иқтисод таркибига бозор ва давлат идораларининг хатолари оқибатида пайдо бўладиган фойда келтирмайдиган баъзибир қонуний иқтисодий муносабатларни ҳам қўшишни таклиф қилади. Бу эса хуфёна иқтисоднинг ҳаддан ташқари кенгайиб кетишига олиб келади.

---

[45] *Қаранг.:* **Макаров Д.** Экономические и правовые аспекты теневой экономики в России//Вопросы экономики. - 1998. № 3. - С.17-18.

[46] *Қаранг:* **Есипов В.М.** Теневая экономика. - М., 1997. - С. 33-34.

[47] *Қаранг:* **Исправников В.О. , Куликов В.В.** Теневая экономика: иной путь и третья сила. - М., 1977. - С. 21-23.

[48] *Қаранг:* **Улыбин К.** Теневая экономика. - М., 1991. - С. 96-103.

А.Вакурин ва А.В.Нестеровларнинг ишларида[49] ҳам юқоридагича ёндашув мавжуд, лекин уларнинг қарашларидаги фарқли томони - хуфёна иқтисод таркибига қонун ҳужжатларида содир этилганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган ва қонунбузарлик деб тан олинмаган иқтисодий фаолият доирасидаги айрим четланишларнигина киритиш кифоя, деб ҳисоблайдилар.

Масалага комплекс тарздаги ёндашувлар ҳам мавжуд бўлиб, бунда унинг асосини юқорида келтирилган жиҳатларни бутунлигича олиб ўрганиш ташкил қилади.

Масалан, А.Н.Шохин хуфёна иқтисод белгилари сифатида иқтисодий муносабатлардаги ҳисоб-китобларнинг юритилмаслиги, регламентсизлик ва ноқонунийлик ҳолатларини олади[50].

Т.И.Корягина[51] эса хуфёна иқтисод сирасига статистикада ҳисобга олинмайдиган, қонун билан тақиқланган иқтисодий фаолиятни, шунингдек баъзибир иқтисодий жиноятлар, яъни қўшиб ёзишлар, пул олиш ёки бериш билан боғлиқ олибсотарлик битимлари ва фирибгарликларни киритади.

Хуфёна иқтисодни классификациялашда ҳам унга турли хил асослар нуқтаи-назаридан қаралади.

Масалан, хуфёна иқтисодий фаолият характерига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқарувчи, яъни ўз ишлаб чиқарган маҳсулоти билан миллий ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳисса қўшадиган.

2. Қайта тақсимловчи, яъни иқтисодий бойликларни ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган, лекин даромад ва мулкларни қайта тақсимлашда қатнашадиган.

---

[49] *Қаранг:* **Нестеров А., Вакурин А.В.** Криминализация экономики и проблемы безопасности.// Вопросы экономики. - 1995, № 1. - С.17-18.

[50] *Қаранг:* **Шохин А.Н.** Социальные проблемы перестройки. - М., 1989. - С. 53-54.

[51] *Қаранг:* **Корягина Т.И.** Теневая экономика в СССР. //Вопросы экономики. - 1990. № 3.-С. 26.

Хуфёна иқтисоднинг қонуний иқтисодиётга муносабати нуқтаи-назаридан уни ички ва параллел иқтисодга ажратадилар.

Ички иқтисод деганда, қонуний иқтисодиётдаги қатнашчилари расмий статусга эга бўлган хуфёна муносабатлар тушунилади. Бу қараш Д.Макаровга[52] тегишли бўлиб, уни бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хуфёна иқтисод сифатида иқтисодиётнинг ҳисоб юритиладиган қисмида иштирок этувчи агентлар томонидан ҳисоб юритилмайдиган фаолият билан шуғулланилишини тушуниш мумкин.

Параллел иқтисод -бу унда қатнашувчилар расмий статусга эга бўлмаган хуфёна муносабатлардир. В.Гинзбург (Ginsburgh. V.) ва бошқаларнинг[53] фикрларига кўра, у алоҳида сектор бўлиб, унинг ишлаб чиқариш усули ҳам ўзига хос ва унда ишчи кучларининг бир қисми расмийлаштирилмаган ҳолда иш билан банд бўлади.

Ишлаб чиқариш циклларига кўра, хуфёна иқтисодни қуйидагиларга ажратишади:

- хуфёна ишлаб чиқариш;
- хуфёна тақсимлаш (даромадларни тақсимлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг яширинлиги, иқтисодий жиноятлар).
- хуфёна айирбошлаш (ноқонуний равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш, истеъмол бозоридаги қонунбузарликлар, ноқонуний қўлга киритилган бойликларни сотиш);
- хуфёна истеъмол (ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ноқонуний истеъмол қилиш, деструктив, ноижтимоий эҳтиёжларни қондириш).

Хуфёна иқтисодиётга таъриф беришда кўпчилик тадқиқотчилар унинг таркибига ушбу ишлаб чиқариш

---

[52] *Қаранг:* **Макаров Д.** Экономические и правовые аспекты теневой экономики в России // Вопросы экономики. - 1998, № 3. - С. 19-21.
[53] *Қаранг:* **Ginsburgh. V., Michel. P. and Padoa Shioppa. F.** (1985) Macroeconomicpolicy in the presence of an irregular sector. In: The economics of the Shadow Economy. Ed. By W. Gaerther, and Wenig.

циклидаги барча иқтисодий фаолият жараёнларини киритадилар.

Шундай қилиб, хуфёна, жиноий иқтисодиёт уюшган жиноятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамият учун хавфлилик даражаси ўсиб бораётган жиноий фаолиятлар сирасига киради.

Бу феноменни биринчи бўлиб Россиялик тадқиқотчи А.А.Крылов ўрганишни бошлаб, «жиноий иқтисод» терминини қўллаган ва унга қуйидагича таъриф берган эди: «Жиноий иқтисод - бу моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш ҳамда хизмат турларини кўрсатиш билан боғлиқ ноқонуний ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва моддий-ашёвий жараёнларнинг мураккаб тизимидир»[54]. Бундан ташқари, у жиноий иқтисодни ғаразли уюшган жиноятчиликнинг зўрлик ишлатилмайдиган шакли сифатида таърифлайди.

А.Нестеров ва А.Вакуринлар эса унга тубандагича таъриф берадилар: «...жиноий иқтисод - бу ўзига хос иқтисодий уклад, хўжалик юритиш усули бўлиб, у сон жиҳатидан унча катта бўлмаган гуруҳларнинг жиноий фаолият натижасида ва қонунларнинг бўш жиҳатларидан фойдаланиб олинадиган катта миқдордаги даромадларга эгалик қилишга йўналтирилган манфаатларига хизмат қилади»[55].

Хуфёна иқтисодиётни ўрганиш жараёнида биз шу нарсага амин бўлдикки, унинг асосий белгилари - бу, албатта ноқонуний, давлат назоратидан яширин фаолият юрғазилиши ва энг асосийси - жамият ва фуқаролар манфаатлари учун хавфлилигидир.

Бугунги кундаги ноқонуний бозорлар сирасига, гиёҳванд моддалар савдосидан ташқари, қурол-яроғ бозори, автомобил транспорти бозори, маданий

---

[54] **Крылов А.А.** Социально-экономические основы деятельности милиции в обществе рыночного типа.// автореферат дис.... д.э.н. - М., - 1993. - С. 36.

[55] **Нестеров А., Вакурин А.** Криминализация экономики и проблемы безопасности.// Вопросы экономики. - 1995, № 1. - С. 22.

бойликлар бозори, молия бозори, меҳнат бозори, трансплантантлар бозори, уюшган фоҳишалик бозори, одамлар ва ёввойи ҳайвонлар савдоси бозори, ноқонуний ўйинлар бозори ва шунга ўхшаш жамият учун хавфли оқибатларга олиб келувчи хуфёна тарздаги савдо-сотиқ билан шуғулланувчи бозорлар мажмуи ривожланиш босқичига кўтарилишда да... этаётир. Лекин бундай фаолиятларга ҳали ҳуқуқий жиҳатдан етарли баҳо берилмаяпти. Қонун чиқарувчи идоралар ҳам бу хавфли ҳолатларга қарши чора кўришда сусткашликка йўл қўяётирлар. Бу бозорлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни қисман қуйида кўриб чиқамиз.

Қурол-яроғ бозори ҳозирги шароитда ўзининг сердаромадлиги жиҳатидан фақат гиёҳванд моддалар индустриясидангина кейинда туради, холос. Қурол-яроғларнинг қора бозордаги савдоси яширин характерда бўлиб, бундай савдо, одатда махфий амалга оширилади, ундан олинадиган пул маблағлари эса, ҳар хил йўллар билан қонунийлаштирилади.

Қурол-яроғларнинг ноқонуний бозорининг ривожланишига, айрим минтақаларда кейинги йилларда авж олиб кетган сиёсий беқарорлик ва у билан боглиқ қуролли можаролар сабаб бўлмоқда. Болқон ярим ороли, Карпат, Кавказ, Шарқий ва Шимолий Африка, Шимолий Осиё минтақаларидаги этник, диний ва миллатчилик кайфиятидаги жанжалларнинг очиқ уруш даражасигача кўтарилиши оқибатида қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига талаб кучайиб кетди. Шарқий Европанинг янги демократик мамлакатларида кўплаб қурол-яроғ омборларининг давлат назоратидан чиқиб кетиши натижасида бу ерда 1992 йилнинг биринчи ярмидаёқ ўқотар қуролларнинг қайд қилинган ўғирланиши ҳолатлари 30 фоизга ўсган.

«Яширинча қурол сотиш. Бу «бизнес» ҳам минтақавий можаролар ва маҳаллий урушларнинг тўс-тўполонидан фойдаланиб қолувчиларга катта даромад келтирмоқда. Бундай корчалонлар учун қуролли

қарама-қаршиликни давом эттириш ва кескинликни сақлаб туриш қурол-яроғларнинг яширин бозорини кенгайтириш учун энг яхши шарт-шароит эканлигини яна бир бор таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак.

Яширинча курол сотиш халқаро терроризм деб аталмиш жиноий ҳодиса билан бирга юради, баъзан уни келтириб ҳам чиқаради. Ўзгалар қонини тўкиш ҳисобига мўмай даромад олишни истовчилар батамом йўқ бўлиб кетадиган замонлар келишига ҳали анча борга ўхшайди. Бу тоифага кирувчи «бизнесчилар» учун қон ва нопок сиёсат қоришган пул дунёнинг турли бурчакларида халқаро қотилларни ёллаш ва синаб кўриш мумкин бўладиган можароларни рағбатлантириш борасида энг қулай восита эканлигини гапирмаса ҳам бўлади»[56].

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хуфёна, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, бир томондан уни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг иқтисодий негизларига зарар етказадиган бўлса, иккинчидан, дунёнинг кўпгина минтақаларида ўзаро уруш-жанжалларнинг, қуролли тўқнашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлиб, умумий сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келади, шунингдек, бундай бозорлар террористик ташкилотларнинг қуролланиб олишига ва минтақалардаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солишига кўмаклашади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, гиёҳванд моддалар савдоси билан ноқонуний қурол-яроғ савдоси кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, аксар ҳолларда этник гуруҳлар томонидан гиёҳванд моддалар савдосидан тушган маблағларнинг қурол-яроғлар сотиб олишга йўналтирилиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Автомобил транспортининг ноқонуний бозори сифатида ҳозирги кунда ўғирланган автомобилларнинг

---

[56] **И.А.Каримов**. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т., 1998. - 491 б.

юқори даромад келтирувчи ва тез ривожланиб кетаётган жаҳон бозори юзага келди.

Европа мамлакатларида 1989 йилдан 1993 йилгача бўлган давр мобайнида автомобил ўғирликлари қарийб уч бараварга кўпайган. 1993 йил давомида бу ерда тахминан 2 миллион дона автомобил ўғирланган ва кейинчалик улардан ярмигина топилиб, ўз қонуний эгаларига қайтарилган. Ўғирланган автомобилларнинг 40 фоиздан ортиғи доимий қидирувда бўлиб, айнан шу автомобиллар чет давлатларга ўтказиб кетилганлигини тахмин қилиш мумкин. Бундай ўғирликлар Германия давлатида Шарқий Европа давлатларига чегараларнинг очилиши билан юқори даражада ривожланиб кетган. Бу ерда, асосан қиммат турадиган автомобилларни ўғирлаш анъанаси мавжуд. Қизиғи шундаки, бундай ўғирликларнинг маълум қисми «келишилган ўғирлик»лар сирасига киради, яъни машина эгаси уни ўз қўли билан ўғриларга бериб юбориб, суғурта пули ундириш илинжида гўё автомобилини ўғирлаб кетишганлиги тўғрисида хабар беради.

Америка Қўшма Штатларидаги машина ўғриларига нисбатан жиноий таъқибнинг мавжуд эмаслиги бу фаолиятни арзимаган таваккалчилик эвазига юқори даромад олиш манбаига айлантирди. Бу ерда ўғирланган автомобилларнинг қарийб ҳар бештадан тўрттаси баҳоси 15 минг доллардан юқори бўлган автомобиллардир. Бундай автомобиллар, асосан Польша ва Словакия давлатлари орқали Шарқий Европага етказиб берилади. Польшадан автомобиллар Балтика давлатлари, Украина, Россия, Кавказ ва Қозоғистон давлатларига ўтказиб келинса, Словакия орқали Шимолий Европага олиб ўтилади. Кейинги пайтларда Словакиянинг ўзида ҳам автомобил ўғирликлари кўпайган ва 1993 йилда 96 минг донага етган бўлиб, булар асосан қимматбаҳо автомобиллар сирасига киради.

Статистика маълумотларига кўра, Россия Федерациясида бир кеча-кундузда 360тагача машина

ўғирликлари содир этилар экан. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу автомобилларнинг 60 фоизи сотиш, 22 фоизи агрегат ва деталларини бўлаклаб сотиш, 18 фоизи эса шахсан фойдаланиш мақсадларида ўғирланган. Бундай ўғирликларни содир этувчи жиноий гуруҳлар, асосан 20-30 яшар шахслардан ташкил топган бўлиб, баъзи ҳолларда ўсмирлар ҳам жалб этилган.

Машина ўғирликларининг кўпчилик қисми турар-жой бинолари олдидаги машиналарни қўйиш майдончаларида, савдо шахобчалари атрофларида, ҳар хил офис ва муассасалар ҳовлисида содир этилади. Бундай ўғирлик содир этувчи гуруҳлар таркибига жуда усталик билан кузов ва шасси рақамларини ўзгартирадиган, машинага сохта ҳужжатларни тўғрилайдиган шахслар ҳам киради.

Уюшган жиноятчилик элементларининг диққатини кейинги пайтларда тез ривожланиб бораётган бадиий буюмлар ва археологик предметлар бозори ўзига жалб қилди. Аниқланишича, ҳар йили жаҳон бозорларида сотиш мақсадларида 4,5 миллиард долларлик санъат асрлари ўғирланади. Ҳозирги кунда 45 минг дона санъат асари қидирув рўйхатида турибди.

БМТ Бош котиби докладида келтирилишича, уюшган жиноят гуруҳлари қўлга киритишга интиладиган икки хил асосий категориядаги предметлар мавжуд.

Биринчи категория предметлари -булар Ғарбий Европа давлатлари музей, черков, галерея ва хусусий коллекцияларидаги бадиий буюмлар ва қимматбаҳо қадимий буюмлар ҳисобланади. Кейинги пайтларда чегараларнинг очилиши муносабати билан бу ҳолат Марказий ва Шарқий Европа, шунингдек илгари СССР таркибига кирган давлатларда ҳам кузатилмоқда.

Иккинчи категория предметлари -булар мақбаралар, қўҳна саройлар қолдиқлари ва қадимий одамлар қўнимгоҳларидаги археологик қазишлар натижасида топиладиган, шунингдек Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар

музейларида сақланаётган маданий қимматга эга бўлган бадиий предметлардир.

Агар биринчи категория предметлари, асосан ғарб мамлакатлари хусусий коллекцияларини тўлдирадиган бўлса, иккинчи категория предметлари, ундан ташқари, ҳатто баъзибир музейлар томонидан ҳам сотиб олинади. БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари комиссияси томонидан бу предметларни ўз тарихий ватанларига қайтариш бўйича ҳаракатлари кўпинча зое кетади, чунки сотиб олувчилар уларнинг қаердан олиб келинганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлмайдилар.

Италияда ҳар йили 15 - 18 минг мартагача маданий бойликларни ўғирлаш ҳолатлари содир этилади ва бунда 15 - 20 мингтача предмет олиб чиқиб кетилади. Уларнинг 50 фоизи хусусий коллекциялардан, 35 фоизи черков ва шунга ўхшаш жамоат жойлари, банк, ўқув юртлари ва бошқалардан, 10 фоизи давлат ва 3 фоизи шахсий музейлардан ўғирланади. Кўпинча қимматбаҳо буюмлар, 20 фоиз ҳолатларда қадимий буюмлар, 15 фоизида картиналар, 13 фоизида иконалар ва черков буюмлари, 10 фоизида археологик топилмалар, 7 фоизида нумизматик ашёлар, 5 фоизида ҳайкал ва китоблар ўғирлиги содир этилади[57].

Бу турдаги жиноятларнинг латентлик даражаси жуда ҳам юқори, бунинг сабаблари аксарият ҳолларда қуйидагича бўлиши мумкин:

- бадиий бойликлар ноқонуний фаолият орқали қўлга киритилган;
- ўғирланган буюм эгасига қўрқитиш билан тазйиқ ўтказилган;
- баъзан, эгаси ўз буюми тўғрисида ҳеч қандай маълумот беролмаслиги сабабли уни қидиришнинг имконияти бўлмайди.

Охирги ўн йилликда Россия маданий бойликларини Марказий ва Ғарбий Европа давлатлари, АҚШга ташиб

---

[57] *Қаранг:* **Мацкевич И.М.** Криминальная экономика // Предприниматель. 1995, № 1-2. - С. 34-35.

кетиш авж олди. Бунинг сабаби, Россиянинг ички бозорларида бундай буюмларнинг жаҳон бозорига нисбатан бир неча ўн бараварлаб арзонлигидир. Бундай буюмларни ноқонуний йўл билан ташиб кетишнинг кўп қисми чет элларга доимий яшаш учун кетаётган фуқаролар томонидан содир этилади. Ғарбий Европа давлатлари (Германия, Австрия, Италия, Франция) давлатларидаги оператив ва тергов идоралари томонидан аниқланишича, бу ерда Россияга ихтисослашган 40дан ортиқ уюшган контрабандистлар гуруҳлари фаолият кўрсатишар экан. Уларнинг аъзолари, асосан илгариги Совет Иттифоқи давлатларидан кетган шахслар бўлиб, Россияда қолган таниш-билиш, шериклари орқали ўз жиноий фаолиятларини амалга оширадилар. Ноқонуний йўл билан олиб келинган бойликларни Ғарбда сотиш учун кўплаб махсус магазинлар, уларнинг баҳосини аниқлаш, экспертиза қилиш ва керакли ҳужжатларни тўлдириш учун тажрибали санъатшунос мутахассиларни жалб этган яширин фирмалар фаолият кўрсатади[58].

Ноқонуний молия бозори ҳам ўз тузилишига кўра, қонуний молия бозорига кўра мураккаброқ бўлиб, у ноқонуний валюта бозори ва яширин банк тизимларидан ташкил топади.

Валютанинг «қора бозори», асосан, бундай фаолиятнинг биржалардан ташқарида амалга оширилишининг чекланиши, валютанинг ўрнатилган расмий қиймати билан ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқнинг катталиги, валютани сотиш ва сотиб олиш

---

[58] **Макаров Д.** Экономические и правовые аспекты теневой экономики в России // Вопросы экономики. 1998. № 3. - С.21-24.; **Мацкевич И.М.** Криминальная экономика // Предприниматель. 1995. № 1-2. - С. 31-32.; **Решетов Ю.А.** Борьба с международными преступлениями против мира и безопасности. - М.: Международные отношения, 1983. - 223с.; **Рогов И.И.** Экономика и преступность. - Алма-Ата.: Казахстан., 1991. - 158с.; **Улыбин К.** Теневая экономика. М., 1991. - 186с.

учун тўланадиган солиқнинг юқорилиги сабабли вужудга келади.

Яширин банк тизимларига келсак, бугунги кунда унинг дунё бўйича жуда кучли, тармоқланган, давлат назоратидан ташқарида ҳеч бир банк амалларини бажармасдан молиявий фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлган тизими вужудга келди. Бундай тизимларнинг банкирлари, асосан судхўрлар тоифасига мансуб қадимий оилалар ёки кланлар аъзолари, шунингдек катта миқдордаги нақд пулга ёки иш юзасидан яхши алоқаларга эга бўлган шахслардир. Бундай банкларда, асосан жиноий йўл билан топилган бойликлар бўйича молиявий амаллар бажарилади.

Бугунги кунда ноқонуний меҳнат бозори деярли дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд бўлиб, у хуфёна `иқтисод кўламларининг кенгайиб бораётганлигидан дарак беради. Россияда бундай бозорлар 90 йиллар бошларида вужудга кела бошлади. Ҳозирда унинг хизматидан мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг кўпчилиги фойдаланмоқда. Бу кўрсаткич ҳозирда 25-30 миллион кишини, яъни катта ёшдаги аҳолининг қарийб 30 фоизини ташкил этиши аниқланган.

Маълумотларга кўра бундай бозорда тўланган иш ҳақининг ўзи 1993 йилда 9,1 триллион рубль (мамлакат ялпи маҳсулотининг 5%и миқдорида), 1994 йили 52 триллион рубль (мамлакат ялпи маҳсулотининг 9%и миқдорида), 1995 йилда 170 триллион рубль (мамлакат ялпи маҳсулотининг 5%и миқдорида), 1996 йилда эса бу кўрсаткич 250 триллион рублга етиб, мамлакат ялпи маҳсулотининг 11%и миқдорини ташкил этган. Хуфёна бандликнинг кенг тарқалган турлари -кўчада савдо қилиш, аҳолига қурилиш, таъмирлаш, бичиш-тикиш бўйича хизмат кўрсатиш; хусусий хизматлар - фаррошлик, овқат пишириш; репититорлик, хусусий дарс бериш, шунингдек брокерлик ва воситачилик кабилардир. Бу фаолиятларнинг барчаси, одатда патентсиз, шартномасиз ва солиқ идораларининг назоратидан яширин амалга оширилади. Ижтимоий

сўровларга кўра, ноқонуний секторда банд бўлган аҳоли 40 миллион кишига яқин бўлиб, унинг 0,8 миллионини ўқувчилар, 0,6 миллионини нафақа олувчилар, 1,4 миллионини уй юмушидагилар ва 1,2 миллионини ишсизлар ташкил қилади[59].

Ноқонуний бандлик сектори кўплаб ижтимоий муаммоларни, хусусан, бунда ижтимоий кафолотларнинг, меҳнат шароитлари назоратининг йўқлигини, шу билан бир қаторда иқтисодий муаммоларни, яъни бундай фаолиятдан олинган даромадларнинг солиқ тўлашдан яшириб қолиниши оқибатида давлат кўп миқдордаги маблағдан маҳрум бўлишини ҳам келтириб чиқаради.

Кейинги пайтларда киши органларининг кўчириб ўтказилишига бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши ноқонуний трансплантантлар бозорининг шаклланишига сабаб бўлаётир. Чунки, бугунги кунда ҳеч бир мамлакат расмий равишда бундай эҳтиёжни қондириш имкониятига эга эмас. Масалан, Ирландияда диализ ёрдамида даволанаётган беморларнинг 85 фоизига бир йил давомида трансплантация операциялари амалга оширилса, бу кўрсаткич АҚШда 25 фоизни, Японияда 10 фоизнигина ташкил этади. Статистика маълумотларига кўра, АҚШда 1991 йилнинг июнь ойига келиб 24 минг киши аъзоларни кўчириб ўтказиш билан боғлиқ операцияларга муҳтож бўлган бўлса, Австралияда 2000 киши буйрак кўчириш бўйича операцияларни кутаётган, ҳолбуки бу ерда бундай операциялар бир йилда 400 нафар беморгагина амалга оширилар экан. Бундай операцияларни кутишнинг ўртача даври уч йилни ташкил этади.

Шундай шароитда, жиноий ташкилотлар бундай сердаромад соҳага ўзларини уришлари табиий. Ҳозирги шароитда техника тараққиёти кўчириб ўтказишга мўлжалланган киши организмларининг узоқ муддат сақланишини ва ташиб юрилишини

---

[59] *Қаранг:* **Сидоров В., Гладких С.** Рынок и преступность: реалии и прогноз // Хозяйство и право. 1991, № 4. - С 131-132.

таъминлаши, унинг «қора бозор»даги аҳамиятини янада оширади. Киши организмларини сотиш, асосан қашшоқлар, уйсизлар, кўпинча болалар ҳиссасига тўғри келади.

Уюшган фоҳишалик ҳам жиноий ташкилотлар назоратидаги фаолият турларига мансуб. Бу турдаги фаолиятнинг ривожланиб бораётганлиги унинг умумжаҳон масштабидаги алоқаларининг кенгаяётганлиги, бу фаолиятга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириш орқали мажбур этиш практикаси мавжудлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ёш қизлар, баъзида йигитлар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга, бир минтақадан иккинчи минтақага, Африка, Осиё, Европа ва Лотин Америкасини боғловчи кучли ташкил қилинган каналлар орқали етказиб берилади. Булар, асосан алдов йўли билан чет элларда ишлашга таклиф этилганлар ёки ўғирланганлар ҳисобидан амалга оширилади. Кейинчалик улар зўрлик йўли билан итоат эттирилади. Бундай кишилар чет тилини билмасликлари, ҳужжатларининг жиноятчилар томонидан олиб қўйилиши ёки умуман йўқ қилиб ташланиши, уни зўрлаб олиб келинган давлатда алоқалари йўқлиги сабабли уларнинг қочиб кетиш имконияти деярли мавжуд бўлмайди.

Кейинги пайтларда одамлар ва ёввойи ҳайвонлар билан савдо-сотиқ олиб борадиган жиноий гуруҳлар фаолияти фаоллашиб бормоқда.

Одамлар савдоси, асосан ноқонуний иммигрантлар, фоҳишалар, ёлланма ишчи кучлари, шу жумладан ривожланаётган давлатлардан олиб келинадиган уй хизматчилари, катта пуллар эвазига ноқонуний бола қилиб олиш кабилардан ташкил топади.

Экспертларнинг фикрига кўра, ноқонуний бола қилиб олиш катта даромад келтирадиган бизнесга айланиб бораётир. Масалан, Жанубий ва Марказий Америкадан келтирилган болалар учун 20000 долларгача ҳақ тўланади. Гватемалада ҳар йили сохта оналар томонидан тахминан 30та болаларни сотиш ҳолатлари қайд этилади.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий базанинг мавжудлиги билан, уни камайтиришга эришиб бўлмаяпти, чунки бу ерда кишиларнинг ўзларида мавжуд бўлган нисбатан яхши шароитларга эга бўлган мамлакатларда яшаш истаги одамлар савдосининг авж олишига, бу соҳадаги жиноий гуруҳларнинг фаолиятига туртки бўлиб хизмат қилаётир.

Бугунги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган ҳолатлардан бири -бу ёввойи ҳайвонлар савдоси бўлиб, бундай фаолият атроф-муҳит мутаносиблигининг бузилишига олиб келаётир. 1973 йилда барча давлатлар иштирокидаги йўқолиб кетиш хавфи бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан савдо қилиш ҳақидаги Конвенция ишлаб чиқилгани билан, баъзи саноат корхоналарининг овлаш тақиқланган баъзи ёввойи ҳайвонларга бўлган эҳтиёжи туфайли бундай ҳайвонлар савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг фаолиятига йўл очилган.

Ноқонуний ўйинлар бизнеси ҳам бундай ўйинлар тақиқланган ёки унга қатъий чеклашлар мавжуд бўлган давлатларда кескин авж олиб кетди. Унинг авж олиб кетишига, шунингдек солиқ ставкаларининг юқори даражадалиги ҳам сабаб бўлади. АҚШда ўйинлар бизнеси шундай муассасаларни ташкил этиш орқали амалга оширилса, Россияда бу бизнес фақат қимор ўйинларини ташкил қилиш орқали амалга оширилади. Бу бизнесга, шунингдек, отчопарлардан ташқарида отлар учун, спорт ўйинлари натижалари учун, фондли биржалардаги баҳоларнинг натижалари ва бошқалар учун пуллик баҳс бойлаш ҳолатлари ҳам киради.

## §6. Ташқи иқтисодий алоқалар замиридаги иқтисодий жиноятчилик

90-йиллар бошларига келиб МДҲ давлатларининг ҳам жаҳон меҳнат тақсимоти тизимига интеграциялашув жараёни бошланди. Шу муносабат

билан ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш, шу жумладан, ташқи савдо алоқаларини давлат монополиясидан чиқариш эҳтиёжи юзага келди. Натижада ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ва бу соҳада қонунийликни таъмин этишга йўналтирилган янги божхона, валюта ва экспортни назорат қилувчи тизимлар вужудга келтирилди. Ўтган давр мобайнида экспорт ва импорт ҳажми анча кенгайди, булар баробарида бу соҳада содир этилган жиноятлар ҳам анча ўсди.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги жиноятчиликнинг сабаблари, асосан бир қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадаллик билан эркинлаштирилганлиги;
- ички баҳолар билан ташқи -жаҳон бозори баҳолари ўртасидаги фарқнинг катталиги. Мисол қилиб оладиган бўлсак, МДҲ давлатларида энергия ташувчиларнинг баҳолари дунё бозоридаги баҳолардан анча арзон бўлса, истеъмол буюмларининг баҳоси, аксинча анча қиммат. Мана шу фарқ, яъни ташқи иқтисодий олди-сотдиларнинг юқори даромадлилиги бу соҳадаги ҳар хил қонунбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига шароит туғдиради;
- солиқ ставкаларининг юқори даражадалиги контрабанданинг келиб чиқишига сабаб бўлади;
- валюта операциялари ва экспорт бўйича назоратнинг ҳали етарли ва самарали эмаслиги бу соҳадаги кўплаб қонунбузарликларга сабаб бўлади;
- божхона хизматларининг техник воситалар билан ва малакали кадрлар билан етарли даражада таъмин этилмаганлиги, божхона ва валюта бўйича амалдаги қонунчиликнинг номукаммаллиги ҳам бу соҳада жиноят олами учун имкониятларни кенгайтиради.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг жиноий тус олишида уюшган жиноий гуруҳларнинг фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Бу гуруҳларнинг ҳаракатлари, асосан

давлатнинг назоратидан ташқарида даромадларни чиқариб олиш, даромадлар миқдорини солиқдан яшириш, валюта тушумларини чет эл банкларига жойлаб, ундан шахсий мақсадларда фойдаланишга қаратилган бўлади. Бу гуруҳлар ўз жиноий ҳаракатларини ҳужжатларни қалбакилаштиришдан тортиб, бир кунлик фирмаларни рўйхатдан ўтказишу, божхона хизматлари ходимларига куч ишлатиш билан қўрқитиб, тазйиқ ўтказиш ёки оғдириб олишгача бўлган турли-туман услублар орқали амалга оширадилар.

Энди ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги айрим хавфли ва кенг тарқалган жиноят турларини кўриб чиқсак. Булардан энг кўп тарқалгани -контрабандадир.

Контрабанда сўзи итальянча contrabando (яъни contra -қарши ва bando -давлат фармони) сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу турли хил товар ва бойликларни божхона назоратидан яширинча равишда давлат чегараларидан олиб ўтишни англатади. Кўплаб мамлакатларда жиноятчиликнинг бу тури энг хавфли жиноий фаолиятлардан саналади. Контрабанда ўз табиатига кўра гиёҳванд моддаларни тарқатиш, террорчилик, қотиллик, йўқолиб кетаётган ноёб ҳайвонларни қириш каби жирканч жиноятлар содир этилишининг сабабчиси, яъни уларнинг асосий буюртмачиси бўлади.

Экспорт операцияларини амалга оширишдаги контрабанда предметларини рангли ва ноёб металлар, ёғоч, стратегик хомашё, биологик маҳсулотлар ташкил қилади. Бундай «экспорт», одатда божхона постларини четлаб ўтиш ёки божхона ҳужжатларини сохталаштириш орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда бундай мақсадларда ҳарбий ҳаво кучлари, ҳарбий денгиз флоти ва пиёда қўшинларнинг транспорт воситалари, махсус аэродромлари ва денгиз базаларидан ҳам фойдаланилиши аниқланган.

Ноқонуний ташиб кетиш божхона ички транзити шаклида ҳам амалга оширилиб, бу ҳолат Россия Федерациясининг саноати ривожланган ҳудудларида

Кузатилган. Контрабанданинг ушбу тури, айниқса унинг Шимолий-Ғарбий ҳудудига, хусусан Калининград областига хосдир. Маълумки, бу область Европа мамлакатлари билан чегарадошлиги, транзит йўлларининг қулайлиги туфайли савдо-саноат соҳасида юқори эркинлик статусини олган. Шунинг учун бу ҳудудга контрабандачиларнинг қизиқишлари бежиз эмас.

Фикрларимизнинг далили сифатида Россия Федерацияси ички ишлар вазирлиги томонидан 1994-1995 йилларда ўтказилган «Транзит» операциясини келтиришимиз мумкин: унинг давомида Калининград областидаги фирма ва ташкилотларга юз миллиардлаб рубллик турли хил моддий бойликларни жўнатган 6 мингдан ошиқ рус ва чет эл хўжалик субъектлари текширувдан ўтказилган. Натижада текширувнинг дастлабки босқичидаёқ контрабанда, талон-тарожлик, порахўрлик ва шу кабиларнинг 1,3мингдан ортиқ факти аниқланган, бу суиистеъмоллардан кўрилган зарарнинг ўзи 210 миллиард рублдан ошиқ бўлиб, булар 100дан ошиқ уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга ошириб келаётганлиги фош этилган. Қўзғатилган жиноий ишлар натижасида жиноятчилардан 60 миллиард рубллик мол-мулк рўйхатга олинган. Жиноятчилар ўз мақсадларини амалга оширишда реквизитларидан фойдаланган 50 дан ортиқ амалдаги ва 25 та сохта фирмалар аниқланиб, унинг натижасида яна 40 миллиард рубллик моддий бойликлар ташиб кетилишининг олди олинган[60].

Бундан ташқари, хомашё ҳамда материалларни чет элга қайта ишлаш ёки вақтинча сақлаш баҳонасида олиб чиқиб кетиш ва ноқонуний равишда сотиб юбориш, чет эл фирмалари билан тузилган қонуний битимлар (бунда аслида олинадиган товар миқдори камайтириб кўрсатилган бўлади) асосида ортиқча моддий бойликларни олиб чиқиб кетиш, чет эл

---

[60] **Ларьков А., Кесарева Т.** Факторный анализ экономической преступности // Уголовное право. 1998, №3. - С.133.

сифатида аслида хомашё материалларини ташиб кетиш каби контрабанда услублари ҳам аниқланган. Охирги пайтларда унинг «биологик» тури ҳам авж олиб, қушлар ва ҳайвонларнинг йўқолиб кетаётган ва ноёб ҳисобланган турларини чегаралардан олиб чиқиб кетишга уринишлар кўпайган. Интерполнинг ҳисоб-китобларига кўра, контрабанданинг бу тури жаҳондаги ўз кўламларига кўра, гиёҳванд моддалари савдосидан кейин иккинчи ўринда туради. Контрабанданинг қадимий ва маданий ёдгорликлар сирасига кирувчи предметлар, рангли ва ноёб металлар, стратегик аҳамиятга молик бўлган хомашёларга бўлган қизиқиши ҳам юқори даражада.

Импорт операцияларини бажариш чоғидаги контрабандада чет эл автомобилларини олиб келиш алоҳида ўрин тутади. Бу бизнес уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Бу хусусда юқорида ноқонуний бозорлар тўғрисида сўз юритганимизда тўхталиб ўтган эдик. Бундан ташқари, бу соҳада контрабанданинг спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан боғлиқ турлари ҳам кенг тарқалган.

Бугунги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган яна бир муаммо -бу жиноий йўл билан топилган пулларни «ювиш», яъни қонунийлаштиришга қарши кураш муаммолари бўлиб, бундай жиноятчилик ҳам ташқи иқтисодий алоқалар замирида амалга оширилиши билан характерланади.

Пулларни «ювиш» (money laundering) термини биринчи бор 80-йилларда АҚШда қўлланилган бўлиб, бу наркобизнес даромадларига нисбатан ишлатилган ва ноқонуний пулнинг қонуний пулга айланиш жараёнини акс эттирган. Бу тушунчани аниқлаштириш йўлида жуда кўплаб таклифлар киритилган. 1984 йили АҚШ уюшган жиноятчилик бўйича Президент комиссияси уни қуйидагича ифода этган: «Пулларни ювиш -бу ўз ортига даромадларни ноқонуний олиш ёки ноқонуний фойдаланиш, кейинчалик уни худди қонуний даромадга ўхшатиб ниқоблашни яшириб олган

жараёндир».

Халқаро ҳуқуқда биринчи бор жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш»)га 1988 йил 19 декабрда БМТнинг гиёҳванд ва асабга кучли таъсир кўрсатувчи моддалар тўғрисидаги Вена конвенциясида таъриф берилган бўлиб, бу таъриф кейинчалик кўплаб Ғарб давлатлари қонунчилигига фаол таъсир кўрсатди.

Бу конвенциянинг 3 моддасига асосан, жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») деганда, қуйидагилар тушунилади:

- «мулк қонунбузарлик ёки қонунбузарликлар ёки шундай қонунбузарлик ёки қонунбузарликларда қатнашиш эвазига қўлга киритилганлигини била туриб, мулкнинг ноқонуний манбаини яшириш ёки шундай қонунбузарлик ёки қонунбузарликларни содир этган шахсга ўз ҳаракати учун жиноий жазодан қутилиб қолиш учун кўмаклашиш мақсадида амалга ошириладиган конверсия ёки мулкни бошқа кишига бериш;
- мулк қонунбузарлик ёки қонунбузарликлар ёки шундай қонунбузарлик ёки қонунбузарликларда қатнашиш эвазига қўлга киритилганлигини била туриб, мулкнинг асл характери, қаердалиги, олиниш манбаи, фойдаланиш услуби, мулкнинг ҳақиқий қонуний эгаси ва кимга тегишлилиги эканлигини яшириш;
- мулк қонунбузарлик ёки қонунбузарликлар ёки шундай қонунбузарлик ёки қонунбузарликларда қатнашиш эвазига қўлга киритилганлигини била туриб, уни сотиб олиш, фойдаланиш ёки эгалик қилиш;
- юқорида қайд этилган қонунбузарлик ёки қонунбузарликларни содир этишда қатнашиш ёки шундай қонунбузарлик ёки қонунбузарликларда қатнашиш мақсадида жиноий тил бириктириш, унда иштирок этиш, ҳамкорлик қилиш, шунингдек, уларни амалга оширишга кўмаклашиш, ундаш, бирга бўлиш ёки уни амалга ошириш юзасидан маслаҳат бериш».

1988 йилги Вена Конвенцияси жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») сифатида гиёҳванд ва асабга кучли таъсир кўрсатувчи моддаларнинг ноқонуний айланишидан топилган

маблағларни тан олди. Лекин, уюшган жиноятчиликнинг авж олиб кетиши бу турдаги жиноятчиликнинг бошқа соҳаларни ҳам қамраб олишига олиб келди. Бундай даромадларнинг бир қисми қонуний иқтисодиётни инвестициялашга ҳам йўналтирила бошлади.

Европа Кенгашининг 1990 йил 8 ноябрдаги «Жиноий даромадларни ювишни аниқлаш, тортиб олиш ва мусодара этиш тўғрисида»ги 141 сонли Конвенцияси жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») сирасига фақатгина наркобизнесдан келадиган даромадларнигина эмас, балки ҳар қандай жиноий фаолият натижасида олинадиган даромадларни ҳам киритди. Бу Конвенциянинг 6 моддасида жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») сифатида қараладиган қонунбузарликларнинг рўйхати келтирилган.

Баъзи мамлакатлар қонунчилигида қонунийлаштириладиган воситаларнинг манбаи бўлиб хизмат қиладиган фаолиятлар рўйхатини белгилаш анъанаси мавжуд бўлиб, бундай фаолиятлар, умумлаштириб олганда, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) жиноят қонунларида кўзда тутилган ҳар қандай жиноий фаолият;

б) уюшган жиноятчиликка хос бўлган жиноятлар;

в) қонунбузарликнинг ҳар қандай кўриниши;

г) гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳар қандай қонунбузарлик ёки жиноятлар.

1990 йилдаги Страсбург Конвенцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноий даромадларни ювиш муаммолари бўйича Махсус молия комиссияси томонидан тайёрланган тавсияларга кўра, пул маблағлари ва бошқа турдаги мулкларни ювиш -бу шундай жараёнки, унинг давомида ноқонуний фаолият, яъни ҳар хил қонунбузарликлар натижасида топилган маблағлар молия-кредит тизимлари (банклар, бошқа молиявий институтлар)га жойлаштирилади ёки

улар орқали турли йўллар билан ўтказилади, ёки бу маблағларга (уларнинг ўрнига) бошқа мулк сотиб олинади, ёки бошқа йўллар билан бу маблағлар иқтисодий фаолият соҳасида ишлатилиб, унинг эгасига даромадларни гўё қонунийдек кўрсатиш, бу ҳаракатларни содир этишда ташкилотчи бўлган ва (ёки) даромад олган шахснинг кимлигини, шунингдек, бу маблағлар манбаларининг ноқонунийлигини яшириш учун «тозаланган» ҳолда қайтиб келади.

Шундай қилиб, жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») тушунчасини умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифода этсак, бизнингча ўринли бўлади: жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») деганда, ноқонунийлигини олдиндан била туриб, ҳар хил қонунбузарлик ёки жиноятлар эвазига қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа турдаги мулк шаклидаги даромадларга эгалик қилиш, уларни сарфлаш ва улардан фойдаланишни тушуниш мумкин.

Жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») бўйича амалга ошириладиган фаолият, асосан қуйидаги мақсадларни кўзда тутади:

1. Ноқонуний манбалардан олинган даромадларнинг келиб чиқиши ва изини яшириш;

2. Даромадларни гўёки қонунийдек кўрсатишга ҳаракат қилиш, яъни уларга «қонуний» тус бериш;

3. Даромад олган ва (ёки) бу жиноий ҳаракатларни содир этишда ташкилотчи бўлган шахсларнинг кимлигини яшириш;

4. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш;

5. Ноқонуний манбалардан олинган пул маблағларидан оператив ва қулай тарзда фойдаланиш имкониятларини яратиш. Бу маблағларни хавфсиз ва бамайлихотир ишлатишга шароит туғдириш;

6. Ноқонуний манбалардан олинган пул маблағларидан қонуний тижоратни инвестициялашда хавфсиз фойдаланиш учун шароит яратиш.

Жиноятчи олдида бу мақсадларни мувофиқлаштириш вазифаси ҳам кундаланг бўлиб туради. Чунки, бу вазифаларни бажаришда ҳар доим

ҳам самарали натижаларга эришишнинг имконияти йўқ. Айтайлик, жиноятчи ювилган маблағларни шундай узоқ масофага жойлаши мумкинки, амалда ундан фойдаланиш унга кўпгина ноқулайлик ва муаммоларни келтириб чиқариши ва аксинча, бу маблағлардан осон фойдаланиш учун яқинда жойлаштириш эса унинг енгил йўллар билан топилганлигини яшириш имкониятларини сусайтириб, қамоққа олиниши учун асос бўлиб хизмат қилиши эҳтимолини ҳам келтириб чиқаради.

Ноқонуний йўл билан топилган маблағларнинг ҳаракати, кўпинча қонуний йўл билан топилган даромадларнинг ҳаракатига ўхшаш бўлади. Бу маблағлар, унинг эгасининг режалари ва мақсадларига кўра, ҳар хил йўллар билан сарфланиши мумкин. Баъзида улар аста-секинлик билан истеъмол қилишга сарф этилса, баъзида кимгадир тегишли тижоратга қайтиб келиши ҳам мумкин.

Бундай нопок йўллар билан топилган пуллар, табиийки, давлат хазинасига келиб тушмайди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, чет эллар тажрибасига кўра, бундай маблағлар асосан, номигагина тузилган, аслида ҳеч қандай фаолият юритмайдиган катта-кичик корхоналар орқали «ювилиб», қонунийлаштирилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бизнинг фикримизча, бу соҳадаги жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг пайини қирқиш, назоратни янада кучайтириш мақсадида банк, молия, ҳуқуқ-тартибот, божхона ва солиқ идораларининг баъзибир ваколатларини кенгайтириш, шунингдек мажбурият ва масъулиятларини ошириш вақти аллақачон етган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан топилган даромадларни ноқонуний ўзлаштирганлик учун жавобгарлик тўғрисида» ги Қонунини қабул қилишнинг зарурати пайдо бўлган, деб ҳисоблаймиз.

Бу Қонун, бизнинг мулоҳазаларимизга кўра, ўз ичига олиши мумкин бўлган моддаларни 1 -иловада келтирганмиз.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши халқаро

тамойилларга, демократия ва қонун устуворлиги принципларига мос келиши, шу билан биргаликда айниқса, ҳозирда бутун дунё божхоналарининг ҳамкорлиги тобора кенгаяётган бир даврда ўта фойдали бўлиши шубҳасиз.

## §7. Интернет-технологиялар соҳасидаги иқтисодий жиноятчилик

Бугунги кунда Интернет тизимининг беқиёс имкониятларидан дунёдаги миллионлаб кишилар фойдаланаётганлиги сир эмас. Лекин кейинги пайтларда бу соҳада ҳам суиистемолчилик ҳолатлари кўпая бошлади. Интернет-технологияларнинг иқтисодий фаолиятда ҳам кенг қўллланила бошланганлиги унинг истеъмолчи, тижоратчи, давлат ва жамият хавфсизлигига жиддий хавф туғдириши мумкинлиги эҳтимолини келтириб чиқараётир.

Халқаро савдо палатаси экспертларининг хулосасига кўра, Интернет орқали амалга ошириладиган жиноятлар миқдори ундан фойдаланувчилар миқдорига пропорционал равишда ўсиб бормоқда. Булардан банкларда бугунги кунда электрон ҳисоб-китобларнинг йўлга қўйилиши муносабати билан жиноий йўл билан топилган даромадларга қарши ишлатиладиган тизимларнинг ишдан чиқарилиши ҳодисалари кўп содир этилаётгани ташвишли бўлиб қолаётир[61]. Бунга Интернет тармоқларидан фойдаланувчилар орасидаги масофанинг жуда ҳам олислиги, жиноятчи ўз шахсини яшириш имкониятларининг кенглиги сабаб бўлиши

---

[61] *Қаранг:* **Батурин Ю.М.** Проблемы компьютерного права. М., 1991. - 271с.; **Гудков П.Б.** Компьютерные преступления в сфере экономики // Актуальные проблемы борьбы с коррупцией и организованной преступностью в сфере экономики. М., 1995. - 203с.; **Батурин Ю.М.** Право и политика в компьютерном курсе. М., 1987. - 109с.; Методология и методика прогнозирования в сфере борьбы с преступностью. М., 1989. - 167с.; **Селиванов Н.** Проблемы борьбы с компьютерной преступностью // Законность. 1993. № 8. - С.11-14.

мумкин.

Интернет тармоқларидан иқтисодий жиноятларни содир этишнинг бир қатор муҳим жиҳатларига тавсиф беришга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Глобал тармоқда жиноят ва суиистеъмолликларни амалга ошириш услублари ва турларининг ўзига хослиги унинг алоҳида хусусиятларини белгилайди. Бу услуб ва турлар интернет-технологияларнинг номукаммал жиҳатларини топиб, компьютерга ёриб кириш ёки киришга рухсат бўлган тизимларга тўғридан-тўғри кириш орқали жиноий фаолиятни амалга оширишга йўналтирилган.

Компьютер билан боғлиқ жиноятлар уни содир этишда компьютердан фойдаланиш услубларига кўра таснифланади. Он-лайн режимида содир этиладиган жиноятлар учта категорияга бўлинади:

1. Агар жиноятчининг мақсади маълумотларни ўғирлаш ёки ўзини қизиқтирган дастурга зарар етказишдан иборат бўлса, у ҳолда компьютернинг нормал *иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий* муносабат жиноят объекти бўлиб хизмат қилади.

2. Агар жиноятчи томонидан тизимнинг ҳимоясини ёриб кириш (атака) ёки электрон воситалар ёрдамида фирибгарлик содир этиш мўлжалланган бўлса, у ҳолда компьютер жиноят воситаси бўлиб хизмат қилади.

3. Компьютер эслаб қолиш ускунаси сифатида фойдаланилади.

Айрим жиноятларни содир этишда бу учала усулдан бараварига фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди.

1. Компьютернинг нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабат жиноят объекти сифатида. Бу гуруҳ жиноятларига компьютерга унда сақланаётган кириш тақиқланган маълумотларга эгалик қилиш (маълумотларни талон-тарож қилиш), тизимдан текин фойдаланиш (хизматларни ўғирлаш) ёки унга зиён етказиш мақсадида ёриб («синдириб») кириш учун уюштириладиган турли-туман ҳужумлар киради.

Бунда жиноятчи компьютер тизимига тўғридан-

тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам, Интернет орқали узоқлаштирилган кириш ҳуқуқидан фойдаланиб ҳимояланган тизимга суқилиб кириши, тизимдаги ишланаётган ёки сақланаётган маълумотларга эгалик қилиш ёки уларга таъсир ўтказиш учун махсус дастурларни жойлаштириши, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Ҳозирги даврда жиноий гуруҳлар томонидан корпоратив ва шахсий маълумотлар базаларига рухсатсиз кириш учун Интернетдан янада фаолроқ фойдаланилмоқда. Интернетнинг ривожланиши корпорацияларнинг тижорат сирлари ҳисобланган маълумотлар сотиладиган ноқонуний бозорнинг вужудга келишига шароит туғдирди. Бундай бозорда таклиф этиладиган маълумотлар янги илмий-техник ишланмалар, компанияларнинг ўз маҳсулотлари маркетинги ва тузилажак битимлари тўғрисидаги ва шу каби рақобатчиларни қизиқтириши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ташкил қилади. Банк ҳисоб-китоб реквизитлари ва кредит карточкаларининг тартиб рақамлари ҳам иқтисодий муҳим маълумотлар сифатида талон-тарож предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

1994 йили очилиб, жиноий иш қўзғатилган Россия фуқароси, дастурчи Владимир Левиннинг фаолияти кўпгина шов-шувларга сабаб бўлган эди. У дунёда катта нуфузга эга бўлган йирик Сити банк мижозлари бўлган банк ва корпорацияларнинг ҳисоб-китоб тизимларига бир неча ўн марталаб ноқонуний кириш эвазига уларнинг 12 миллион долларлик маблағларини ўзлаштириб олган. Кейинчалик бу иш бўйича тергов натижасида маълум бўлишича, В.Левиннинг бир гуруҳ уюшган жиноятчилар билан иш олиб борганлиги, бу гуруҳ таркибига битта Петербургнинг ўзидангина 20 киши, яна Англия, АҚШ ва Исроил давлатларининг бир нечта фуқаролари кирганлиги маълум бўлган.

2. Компьютер жиноят воситаси сифатида. Ноқонуний фаолиятни амалга ошириш учун компьютердан фойдаланиш икки хил усулда амалга оширилиши мумкин:

а) анъанавий шаклдаги жиноятларни (масалан, турли хилдаги найрангбозлик, фирибгарлик ва бошқаларни) амалга ошириш воситаси сифатида;

б) бошқа компьютерга ҳужум уюштириш воситаси сифатида.

Фирибгарлик ва найрангбозлик, одатда жиноятчи томонидан ўз маҳсулотини фаол реклама қилиш орқали амалга оширилади. Бунда жиноятчи «ўз маҳсулоти» учун тўловларни олдиндан талаб қилади. Натижада ишонувчан мижоз жабрланувчига айланиб қолади, яъни у ўз пулига ё сифатсиз, ишлатиш учун яроқсиз мол олади, ё умуман ҳеч нарса ололмайди. Бундай ҳаракатларнинг яна бошқа кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг кенг тарқалганлари «пирамидалар» деб юритилувчи фирибгарликлардир. Бу пирамидалар (занжир шаклидаги хатлар пирамидаси, Понци пирамидаси, Олайн доирасидаги пуллик ўйинлар, тез ва осон пул ишлаш таклифлари, тасодифан танлаб олинган мижозга гўё унга ютуқ чиққанлиги, озроқ чиқим эвазига қимматли совринни олиши мумкинлиги ҳақида хабар бериш ва бошқалар) ёрдамида жиноятчилар Интернет мижозларининг психологиясига таъсир ўтказиб, ишонувчанларини илинтириш эвазига кўп миқдорда ноқонуний пул маблағларини ўз ҳисобларига ўтказиб оладилар. Бундан ташқари, кейинги пайтларда бу пирамидалар ёрдамида инвестициялар, суғурта муомалалари, кредитлар ва валюта операциялари билан боғлиқ фирибгарликларни амалга ошириш ҳам авж олиб бормоқда.

Компьютердан бошқа компьютерларга ҳужум уюштириш воситаси сифатида фойдаланиш ҳам Интернет тармоқларидаги хавфли ва ўта зарарли жиноятлардан бирига айланиб бораётир. Бунда жиноятчи тизимнинг ҳимоясидаги номукаммаликлардан фойдаланиб унга ноқонуний суқилиб киришга ва бу тизимга кириш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қилади. Агар у бу ишни уддалай олса, компьютердан ўзини қизиқтирган маълумотни олиши, унга ишончсиз хабарларни киритиш орқали зиён етказиши, вируслар билан зарарлаши ёки

зиён етказиши, вируслар билан зарарлаши ёки бутунлай йўқ қилиб юбориши мумкин.

3. Компьютер эслаб қолиш воситаси сифатида. Бу ҳолда компьютер тизимга рухсатсиз кириш объекти бўлиб хизмат қилади ва жиноят фаолияти учун пассив эслаб қолиш воситаси сифатида ишлатилади. Масалан, тизимга ёриб кирилгандан кейин, жиноятчи керакли файлларни сақлаб туриш учун махсус директорий очади. Бу файллар хакернинг автомат равишда маълумотлар олишга ва бошқа мақсадларга мўлжалланган дастурларини, бошқа тармоқлар учун пароллар рўйхати, ўғирлаб олинган кредит карточкаларининг тартиб рақамлари ва шу кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Маълумотларни бу тарзда узоқлаштирилган тартибда сақлаш билан жиноятчи ўз изларини чалкаштириб, бу маълумотлар билан ўзи орасидаги боғлиқликларини аниқлашни қийинлаштиради.

Интернет технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг тобора хавфли тус олиб бораётганлиги унга қарши курашнинг самарали услуб ва воситаларини ишлаб чиқиш эҳтиёжларини юзага келтиради. Кўп мамлакатлар жиноят қонунчилигида компьютерлар билан боғлиқ жиноятларга жазолар белгиланган. Лекин ҳали бу чоралар юқори самаралар бераётгани йўқ. Чунки, Интернет тармоқларида мижоз анонимлигининг кафолатланиши ва юқорида айтиб ўтганимиз -тармоқ ҳимоясини таъминловчи дастурларининг баъзи номукаммалликлари бу соҳада содир этилаётган жиноятларни ҳар доим ҳам аниқлаш имконини беравермайди.

Интернет технологиялари билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни назорат қилишда самарали йўналишлардан бири -бу мижозларнинг ўз ҳушёрликларини ошириш ҳисобланади. Тизимдаги шубҳали ҳаракатлар тўғрисида инвесторлар кибернетик доирадаги ўз қўшниларига ва Интернет инспекторларига тезликда хабар берсалар, қимматли қоғозлар соҳасидаги фирибгарликларнинг олдини олиш мумкин, деган асослар мавжуд. Шимолий Америка

Ассоциацияси (NASAA) президенти Питер Хилдретнинг фикрича, инвесторлар нимадандир шубҳага тушсалар ёки нима тўғрисидадир эшитиб қолсалар ўз вақтида юқоридаги тартибда хабар етказсалар, Интернет тизимида зудлик билан кузатув ишларини олиб бориш мумкин бўлади.

АҚШ Федерал савдо комиссияси Интернет тизимларидаги фирибгарликларга қарши техник воситаларни ишлаб чиқиш бўйича махсус Интернет-лабораториялар ташкил қилишни мўлжаллаган. Бу лабораториянинг вазифалари -Интернетда бериладиган рекламалар юзасидан кечаю-кундуз кузатув олиб бориш, шубҳали материалларни барча асослар юзасидан текшириш кабиларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бу лаборатория прокуратурани қизиқтириши мумкин бўлган техник қимматга эга бўлган материалларни тўплаш ва сақлаш ишларини ҳам амалга оширади. Бу материалларнинг бир қисми вақтинча сақланади, бир қисми маълум вақтдан кейин хотирадан ўчирилади, қолган қисми эса расмий эълон қилиш учун тақдим этилмайди. АҚШ Адлия Департаменти ва Федерал Тергов Бюроси Интернет тармоқларида тизимдаги фирибгарликларга қарши махсус сайт очишган. Бу сайтда фирибгарлар ишлатиши мумкин бўлган услублар схемалари тўғрисида маълумотлар ва шундай ҳолатда мижоз ўзини қандай тутиши лозимлиги тўғрисида инструкциялар берилиб, шунга ўхшаш ҳолатларда зудлик билан хабар бериш сўралади.

Россия Федерациясида Федерал Хавфсизлик Бюроси қошида Интернет тармоқларидаги жиноятчилик билан кураш олиб борувчи компьютер ва ахборотлар хавфсизлиги Бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқарманинг хизмат вазифалари доирасига телекоммуникациялар, жумладан Интернет соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш киради. Россия Федерациясида Федерал Хавфсизлик Бюроси Академиясида янги факультет очилган бўлиб, у ахборотлар хавфсизлиги соҳасида

мутахассислар тайёрлашга ва бу соҳадаги кадрлар муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган.

Юқорида биз Интернет технологиялари соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг баъзибир кенг тарқалган ва характерли шаклларигагина тўхталиб ўтдик, холос. Аслида эса, бу соҳадаги жиноятларнинг шакли, услуби ва географияси хилма-хил бўлиб, унинг жамият ва фуқаролар учун хавфлилик даражаси ошиб бораётир.

Юридик фанлар доктори, профессор Р.Қобулов бундан бирнеча йиллар олдин ўз тадқиқотларининг бир қисмини айнан шу масалага бағишлаган эди[62]. Бундан ташқари, Россиялик тадқиқотчилардан Ю.М.Батурин компьютерлаштиришнинг жадаллаштирилиши натижасида компьютерлар билан боғлиқ жиноятлар юзага келиши мумкинлигини асослаб[63], кейинчалик бундай жиноятларга қарши кураш усулларини таклиф этган эди[64]. Яна бир тадқиқотчи П.Б.Гудков эса, айнан иқтисодий соҳада содир этиладиган компьютер билан боғлиқ жиноятлар юзасидан қимматли фикрларни илгари сурган[65].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов савол-жавоблар пайтида яқин келажакда халқ хўжалигининг барча тармоқлари компьютерлаштирилган тизимларга ўтказилишини, Интернет технологияларига кенг йўл берилажагини таъкидлаб, давлат бу ишларни амалга ошириш учун маблағларни аямаслигини айтиб ўтди.

Юқоридагиларни назарда тутиб ва Ўзбекистон

---

62 *Қаранг:* **Кабулов Р.** Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика // Дисс....д.ю.н., Т., 1997. - С.164 - 197.

63 *Қаранг:* **Батурин Ю.М.** Право и политика в компьютерном курсе. - М., 1987. - 111 с.

64 *Қаранг:* **Батурин Ю.М.** Проблемы компьютерного права. - М., 1991. - 272 с.

65 *Қаранг:* **Гудков П.Б.** Компьютерная преступления в сфере экономики // В сб: Актуальные проблемы с коррупцией и организованной преступностью в сфере экономики. - М., 1995. - С. 140-143.

Юқоридагиларни назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикасининг умумжаҳон хўжалик юритиш тизимларига дадил кириб бораётганлиги, халқ хўжалиги ва тижорат соҳаларининг фаол компьютерлаштирилаётганлигини инобатга олиб, бизда ҳам компьютерлар билан боғлиқ иқтисодий жиноятчиликка қарши ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш вақти етган, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида чет эллик инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодига бўлган қизиқишлари ва ишончларини янада мустаҳкамлашга, иқтисодиётни янада юксалтириш учун чет эл инвестицияларини яна ҳам кенгроқ жалб этишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

### I боб юзасидан хулосалар

1. **Иқтисодий жиноятчиликнинг объекти**, энг аввало моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, яъни предметини пул-товар ва моддий бойликлар ташкил этадиган мулкий соҳалардаги ижтимоий муносабатлар шаклида намоён бўлади. Унинг **субъекти** эса шу бойликларни ноқонуний тарзда ўзлаштирувчи жисмоний ёки юридик шахсдир. Иқтисодий ривожланишнинг барча босқичида объект ҳам, субъект ҳам ўзгармасдан қолаверади. Бизнингча, иқтисодий жиноятчиликка худди шу нуқтаи назардан баҳо бериш тўғрироқ бўлса керак.

Шундай қилиб, *ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс томонидан ўз шахсий фойдасини кўзлаб амалга ошириладиган ва жамият ҳамда фуқароларнинг қонуний иқтисодий манфаатларига путур етказиш билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликка* **иқтисодий жиноят** сифатида баҳо бериш мумкин. Шу ўринда, юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳам кўриб чиқиш зарурати юзага келади.

2. Бизнинг фикримизча, контрабандани, унинг профессионал даражада ташкил этилиши, доимий равишда ноқонуний даромад олишни кўзлаб амалга оширилиши жиҳатидан иқтисодий жиноятлар

сирасига киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида **контрабандага** иқтисодий жиноят сифатида қаралган эмас, ҳолбуки, маданий ва тарихий қимматга эга бўлган бойликлар, шунингдек жуда катта ер ости қимматбаҳо металлар захирасига эга бўлган Республикамиз иқтисодиётини ишончли муҳофазалаш учун унинг аҳамияти катта, деб ўйлаймиз.

3. Республикамиз Жиноят кодексида, шунингдек:

**- жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш (ювиш);**

**- ноқонуний кредит олиш;**

**- қимматбаҳо қоғозларни чиқаришда суиистеъмолга йўл қўйиш;**

**- компьютер билан боғлиқ жиноятлар;**

- **«хуфёна иқтисодиёт»** каби жиноятларга ҳам иқтисодий жиноят сифатида баҳо берилмаган, бундан ташқари;

**- ўзгалар товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш;**

- **ёлғон реклама каби жамият** учун хавфлилик даражаси ортиб бораётган жиноятлар учун эса умуман жиноий жазолар кўзда тутилган эмас.

4. Ҳозирги даврда тез кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнлари турли хил жиноятларнинг транснационал тус олишига ҳам замин бўлади. Масалан, бугунги кунда жаҳонда **ноқонуний хуфёна бозорларнинг ривожланиб бораётганлиги** аён бўлиб бораётир. Бундай бозорлар ривожланиши билан бир қаторда уларнинг шахснинг олий ҳуқуқлари бўлган яшаш ҳуқуқи, эрки, озодлиги, шаънига нисбатан тажовузи ҳам кучайиб бораётганлиги уларнинг жамият учун тобора хавфли тус олаётганини билдиради. Бу муаммога ҳам қонуншуносларимиз теран кўз билан қараб, тегишли қонунларни ўз вақтида ишлаб чиқишлари, бизнингча мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Бундан ташқари, **ташқи иқтисодий фаолият доирасида содир этиладиган хавфли ҳаракатлар**, хусусан, технологиялар, илмий-техникавий ишланма ва маълумотлар, аҳоли саломатлиги ва ҳаёти билан

боғлиқ бўлган озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа маҳсулотлар экспорт-импорти соҳасида ҳам **тегишли жиноий меъёрларни белгилаш**, бизнингча фойдадан холи бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибаларини чуқур ўрганиб чиқиб, шу асосда иқтисодиётнинг маълум босқичларида юзага келиши тахмин этилган жиноят турларига қарши қонун ҳужжатларини олдиндан тайёрлаб бориш керак бўлади.

**6.** Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этишда ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳаллалар жамоатчилиги ва бошқа жамоат ташкилотларига баъзибир ваколатларни бериб қўйиш орқали уларни жалб этиш, ички ишлар идоралари участка вакилларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш ҳам ижобий натижалар беради, деб ўйлаймиз.

**7. Гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги таклифларимиз қуйидагилар:** биринчи йўналиш -бу феноменни илмий асосда ўрганишга жиддий эътиборни қаратиш, бу турдаги жиноятчиликка криминологик нуқтаи-назардан баҳо бериш, шу жумладан жиноятчи шахсига криминологик тавсиф бериш, бундай жиноятчиликка қарши курашнинг самарали услублари ва воситаларини белгилашда чет эл тажрибаларидан кенг фойдаланиш.

Иккинчи йўналиш -бу гиёҳвандлик моддалари истеъмолига қарши қаратилган тадбирлар самарадорлигини ошириш, унга қарши ташвиқот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, бу соҳада вақтли матбуот, оммавий нашрлар, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланиш. Бундай тадбирларни омма кўп тўпланадиган томоша масканларида, мактаблар, чойхона ва сайилгоҳларда кўпроқ ташкил этиш орқали жамоатчилик фикрини уйғотиш.

Учинчи йўналиш -бу барча вилоятларда, айниқса гиёҳвандлик кўрсаткичлари юқори бўлган ҳудудларда

аноним наркология хизматларини юқори даражада ташкил қилиш.

Тўртинчи йўналиш -бу гиёҳванд моддаларни аниқлаш воситаларини ва услубларини такомиллаштириш, кинология хизматини кучайтириш, ҳар бир вилоятда хизмат итлари питомниклари ташкил қилишга эришиш.

Бешинчи, муҳим йўналишлардан бири -бу гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, унинг савдоси, транзит равишда чегаралардан ноқонуний ўтказилиши, яъни наркотиклар контрабандаси юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришдан иборат.

**8. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги жиноятчиликнинг сабаблари**, асосан бир қатор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ. Булар жумласига, бизнингча қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадаллик билан эркинлаштирилганлиги;
- ички баҳолар билан ташқи -жаҳон бозори баҳолари ўртасидаги фарқнинг катталиги. Мисол қилиб оладиган бўлсак, МДҲ давлатларида энергия ташувчиларнинг баҳолари дунё бозоридаги баҳолардан анча арзон бўлса, истеъмол буюмларининг баҳоси, аксинча анча қиммат. Мана шу фарқ, яъни ташқи иқтисодий олди-сотдиларнинг юқори даромадлилиги бу соҳадаги ҳар хил қонунбузарлик ва жиноятларнинг содир этилишига шароит туғдиради;
- солиқ ставкаларининг юқори даражадалиги контрабанданинг келиб чиқишига сабаб бўлади;
- валюта операциялари ва экспорт бўйича назоратнинг ҳали етарли ва самарали эмаслиги бу соҳадаги кўплаб қонунбузарликларга сабаб бўлади;
- божхона хизматларининг техник воситалар билан ва малакали кадрлар билан етарли даражада таъмин этилмаганлиги, божхона ва валюта бўйича амалдаги қонунчиликнинг номукаммаллиги ҳам бу соҳада жиноят олами учун имкониятларни кенгайтиради.

9. Бугунги кунда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган яна бир муаммо -бу **жиноий йўл билан топилган пулларни «ювиш», яъни** қонунийлаштиришга қарши кураш муаммолари бўлиб, бундай жиноятчилик ҳам ташқи иқтисодий алоқалар замирида амалга оширилиши билан характерланади.

1990 йилдаги Страсбург Конвенцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда жиноий даромадларни ювиш муаммолари бўйича Махсус молия комиссияси томонидан тайёрланган тавсияларга кўра, пул маблағлари ва бошқа турдаги мулкларни ювиш -бу шундай жараёнки, унинг давомида ноқонуний фаолият, яъни ҳар хил қонунбузарликлар натижасида топилган маблағлар молия-кредит тизимлари (банклар, бошқа молиявий институтлар)га жойлаштирилади ёки улар орқали турли йўллар билан ўтказилади, ёки бу маблағларга (уларнинг ўрнига) бошқа мулк сотиб олинади, ёки бошқа йўллар билан бу маблағлар иқтисодий фаолият соҳасида ишлатилиб, унинг эгасига даромадларни гўё қонунийдек кўрсатиш, бу ҳаракатларни содир этишда ташкилотчи бўлган ва (ёки) даромад олган шахснинг кимлигини, шунингдек, бу маблағлар манбаларининг ноқонунийлигини яшириш учун «тозаланган» ҳолда қайтиб келади.

Шундай қилиб, жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш») тушунчасини умумлаштирган ҳолда қуйидагича ифода этсак, бизнингча ўринли бўлади: **жиноий даромадларни қонунийлаштириш («ювиш»)** ***деганда, ноқонунийлигини олдиндан била туриб, ҳар хил қонунбузарлик ёки жиноятлар эвазига қўлга киритилган пул маблағлари ёки бошқа турдаги мулк шаклидаги даромадларга эгалик қилиш, уларни сарфлаш ва улардан фойдаланишни тушуниш мумкин.***

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бизнинг фикримизча, бу соҳадаги жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг пайини қирқиш, назоратни янада кучайтириш мақсадида банк, молия, ҳуқуқ-тартибот,

божхона ва солиқ идораларининг баъзибир ваколатларини кенгайтириш, шунингдек мажбурият ва масъулиятларини ошириш вақти аллақачон етган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, **Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан топилган даромадларни ноқонуний ўзлаштирганлик учун жавобгарлик тўғрисида» ги Қонунини қабул қилишнинг зарурати пайдо бўлган**, деб ҳисоблаймиз.

**10.** Бугунги кунда **Интернет тизимининг** беқиёс имкониятларидан дунёдаги миллионлаб кишилар фойдаланаётганлиги сир эмас. Лекин кейинги пайтларда бу соҳада ҳам суиистемолчилик ҳолатлари кўпая бошлади. Интернет-технологияларнинг иқтисодий фаолиятда ҳам кенг қўллانила бошланганлиги унинг **истеъмолчи, тижоратчи, давлат ва жамият хавфсизлигига жиддий хавф туғдириши мумкинлиги** эҳтимолини келтириб чиқараётир.

Ўзбекистон Республикаси Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов савол-жавоблар пайтида яқин келажакда халқ хўжалигининг барча тармоқлари компьютерлаштирилган тизимларга ўтказилишини, Интернет технологияларига кенг йўл берилажагини таъкидлаб, давлат бу ишларни амалга ошириш учун маблағларни аямаслигини айтиб ўтди.

Юқоридагиларни назарда тутиб ва Ўзбекистон Республикасининг умумжаҳон хўжалик юритиш тизимларига дадил кириб бораётганлиги, халқ хўжалиги ва тижорат соҳаларининг фаол компьютерлаштирилаётганлигини инобатга олиб, бизда **ҳам компьютерлар билан боғлиқ иқтисодий жиноятчиликка қарши ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш** вақти етган, деб ҳисоблаймиз.

## II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Охирги пайтларда иқтисодий фаолият (хўжалик) соҳасидаги жиноятчилик ривожланиш динамикасига эга бўлган криминал феноменлардан бири бўлиб қолди. Бунинг асосий сабаблари -барча МДҲ давлатларида юз берган иқтисодий эволюция жараёнлари, хўжалик юритишнинг эски усуллари ўрнига янгиларининг келиши, шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол соҳаларидаги туб ўзгаришларнинг рўй берганлигидир.

Йигирма биринчи аср бўсағасига келиб МДҲ давлатлари янги иқтисодий-ижтимоий муносабатларга -бозор иқтисодиётига ўтишда янги босқичга кўтарилдилар. Эндиликда собиқ Иттифоқ даврида унинг сиёсий-ижтимоий тузилишига кўра жиноят ҳисобланган айрим ҳаракатлар ижобий баҳоланадиган бўлди.

Масалан, илгари корхоналар асосан давлат тасарруфида бўлганлиги учун ундаги ҳар бир ишдан чиққан ёки ишлатиб бўлинган инвентар ва моддий бойликни ҳисобдан чиқариш учун бир талай расмий ҳужжатларни тўлдириш лозим бўларди. Агар ҳужжатлар нотўғри тўлдирилган ёки ноаниқликларга йўл қўйилганлиги, моддий ва молиявий зиён етказганлик ҳолатлари тафтиш пайтида аниқланса, бу иш учун масъул шахс жиноий тарзда жавобгарликка тортиларди. Эндиликда, агар корхона хўжайини ўз ташаббуси билан моддий зиён етказилганлиги учун даъвогар бўлмас экан, бу иш жиноий ҳисобланмайди.

Лекин, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бозор иқтисоди тараққиётининг маълум босқичларида айрим жиноятлар пайдо бўлиш, айримлари ўсиш ёки аксинча

пасайиш тенденциясига эга[66]. Бундан ташқари, иқтисодий жиноятчилик юқори яширин (латентлик)лик хусусиятига эга бўлганлиги учун уларга аниқ криминологик тавсиф бериш қийин. Шундай бўлса ҳам, унинг қонуниятларини таҳлил қилиб, маълум давр ва маълум шароитдаги тавсифини бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

### §1. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишга тажовуз билан боғлиқ жамият учун хавфли жиноятчиликнинг криминологик тавсифи.

Бозор иқтисодиётининг ривожланишида талаб ва таклиф асосида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, истеъмолчилар ўртасида тақсимлашни амалга ошириш, шунингдек хизматларнинг турли шаклларини кўрсатишни ташкил қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса худди шу соҳалар бўйича жамият учун хавфли бўлган айрим жиноятларнинг юзага келиши ёки ривожланиши учун шароит яратади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий жиноятчиликда мавжуд бўлган юқори латентлик

---

[66] *Қаранг:* Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор **У. Таджиханов**нинг умумий таҳририда. - Т.: Шарқ, 2001. - 332-357б.; Криминология / Под ред. **В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова.** - М.: Юрист., 1997. - С. 219-311.; **Куринов Б.А.** Научные основы квалификации преступлений. - М.: Изд. МГУ., 1984. - 181с.; **Лопашенко Н.А.** Глава 22 уголовного кодекса нуждается в совершенствовании//Государство и право. 2000 № 12. - С. 20-27.; **Лунеев В.В.** Преступность XX века. М., 1997. - С.123-153.; **Аванесов Г.А.** Криминология и социальная профилактика. М., 1980. -С.332-379.; **Якубов А. С.** Учение о преступлении по уголовному законодательству Республики Узбекистан. - Т.: Академия МВД РУз., 1995. -С.46-59.; **Якубов А. С., Кабулов Р.** Новое в уголовном законодательстве. - Т.: Академия., 1995. - 27-36с. **Бойкова И.Н., Гвоздев А.И.** Проблемы борьбы с преступностью в сфере экономики. Минск, 1991. - С 227-237.; **Бородин С.В.** Борьба с преступностью: теоретическая модель комплексной программы. М., 1990. - С 135-179.; **Бурчак Ф.Г.** Квалификация преступления. Киев.: Политиздат Украины., 1985. - С.76-84.; **Верин В.П.** Преступления в сфере экономики. М., 1999. - С. 93-110.

даражаси унинг жамиятга туғдирадиган хавфини аниқлаш, ривожланиш динамикасини ўрганиш ва унга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишда маълум қийинчиликларни вужудга келтиради. Шунга кўра, бундай жиноятчиликни олдиндан тахминлаш, ривожланиш қонуниятларини белгилашда чет давлатлар тажрибаларини ўрганиш, ён-атрофимиздаги қўшни давлатларда содир этилаётган жиноятчиликни таҳлил этиш ва шулар асосида ривожланиш босқичига кўра яқин келажакда қайси жиноятчилик кучайиши (пасайиши) тўғрисида хулоса чиқариш мумкин, деб ўйлаймиз.

Қўлимиздаги маълумотларга асосан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки пайтларида, яъни биргина 1994 йилнинг ўзидагина Россия Федерацияси ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан рўйхатга олинган хўжалик соҳасидаги жиноятлар қарийб 58 000 тани ташкил эттан бўлиб, бу умумий рўйхатга олинган жиноятларнинг 2,2%ини ташкил этган[67].

Бу маълумотларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, жиноятларнинг энг кўп миқдорлари истеъмолчиларни алдаш (24 012), уй шароитида ўткир спиртли ичимликларни тайёрлаш ва сотиш (6 666), савдо қоидаларини бузиш (5 019), валюта бойликлари билан ноқонуний муомала қилиш (3 846), савдо соҳасидаги ноқонуний тадбиркорлик (4 320), даромад (фойда) ёки бошқа солиқ объектини яшириш (2 544) ва шу кабиларга тўғри келади.

Иқтисодиёт ўзгарувчан бўлгани каби, иқтисодий жиноятчилик ҳам ўзгарувчан, шароитга мослашувчан табиатга эга. Фикримизни исботлаш учун Ўзбекистон Республикасидаги моддий бойликлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишга тажовуз билан боғлиқ иқтисодий жиноятчиликнинг жамият учун ижтимоий хавфи катта

---

[67] *Қаранг:* Преступность в России в девяностых годах и некоторые аспекты законности борьбы с ней. - М., 1995. - С.5, 65.

бўлган турлари динамикасига назар ташласак: бу турдаги жиноятлар 1996 йилда 10969 та бўлган бўлса, 1998 йилда 12666 тани ва 2000 йилга келиб эса 39493 тани ташкил этган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турганидек, иқтисодий жиноятлар ўсиш тенденциясига эга. Лекин, айрим жиноят турлари ўзгарувчан хусусиятдалигини ҳам кузатиш мумкин, масалан, солиқдан бўйин товлаш, сохта тадбиркорлик, қалбаки пул ясаш, порахўрлик, молиявий фирибгарлик, зўравонлик каби жиноятларни шулар сирасига киритиш мумкин. Буни бозор иқтисодининг ўзгарувчанлиги шароитида ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим пайтларда айрим жиноятларга эътиборни кучайтиришлари билан боглаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, иқтисодий жиноятлар қатъий қонуниятлар асосида ривожланиб бормайди, деган хулосага келиш мумкин.

1998 йилнинг ўзида Россия Федерация ички ишлар идоралари томонидан 252 000 (1997 йилга нисбатан 7% кўп) иқтисодий жиноят рўйхатга олинган. Оғир ва ўта оғир иқтисодий жиноятлар 10%га ошиб, 1998 йилда 111 мингтага етган. Россиялик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, бу жиноятлар фақат рўйхатга олингани бўлиб, аслида анча кўп бўлиши мумкин. Буларнинг ичида энг кўп содир этилганлари молия-кредит соҳасида бўлиб, 1997 йилга нисбатан 17%га ошган, яъни 34 мингдан ортиқ жиноят содир этилган бўлиб, унинг оқибатида 8 миллиард рублдан ошиқ зиён кўрилган.

Бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш амалдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари билан боғлиқ ҳоллар кўпайган. 1998 йилнинг ўзида 5.8 мингта порахўрлик фактлари аниқланган, яъни бу жиноятлар 1997 йилга нисбатан 3%га ошган[68].

---

[68] Углубление социального контроля преступности - одна из предпосылок решения социально-экономических проблем (материалы круглого стола).//Государство и право. №9. - С. 80.

Кўриб турганимиздек, бу ерда ҳам жамиятга хавф солувчи иқтисодий жиноятлар ўсишда давом этаётир. Бундан ташқари, Россияда иқтисодий жиноятчиликнинг бизда ҳали авж олмаган турлари, масалан, компьютер тизимларига суқилиб кириш (хакерлик) орқали банклардан йирик миқдордаги маблағларни ўз ҳисобига ўтказиш жинояти (РФ ЖКнинг 28 моддаси -«Модификацияланган дастурларни тарқатганлик ва компьютер тизимига ноқонуний кириш») кенг тарқала бошлади. 1998 йилнинг биринчи ярмидагина шундай жиноятлар содир этилган 72та ҳолат аниқланган («Известия» газетасининг 1998 йил 29 август сонидан олинди).

Иқтисодий жиноятларнинг ўсиши, айниқса унинг уюшган турлари жамият учун катта хавф-хатар туғдиради. Бу соҳада МДҲ давлатларидаги аҳвол деярли бир хилда, десак хато қилмаймиз. Фактларга мурожаат этадиган бўлсак, биргина Қозогистон Республикасининг Қараганда вилоятида 1999 йилда 261та коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган ва шулардан 198таси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Бу жиноятларни содир этганлар ичида 44 нафар ички ишлар, 9 нафар адлия, 9 нафар божхона ходими, 86 нафар бошқа мансабдор шахслар бўлган. Бундан ташқари бу жиноятларнинг 63таси порахўрлик, 70таси мансабни суиистеъмол қилиш, 64таси хизмат билан боғлиқлиги аниқланган («Индустриальная Караганда» газетасининг 2000 йил 29 апрел сонидан олинди).

Барча МДҲ давлатларида бўлгани каби, Қозогистон Республикасида ҳам амалга оширилган хусусийлаштириш ва эркинлаштириш жараёнларида давлат мулкларининг баъзи қисми турли йўллар билан жиноий элементлар қўлига ўтиб қолди. Эндиликда улар ўз фаоллигини ва таъсир доирасини кенгайтириш учун ҳаракат қилмоқдалар, бу эса жамият учун ҳам, давлат манфаатлари учун ҳам жиддий хавф туғдириши табиий.

Жиноятчилик азал-азалдан чегараларни тан олмаган. Унга қаерда қулай шароит бўлса ўша жойда

илдиз отиб кетаверади. Ҳозирги даврда бутун жаҳонда юз бераётган иқтисодий глобаллашув ва яқинлашув жараёнлари ўз навбатида жиноятчиликнинг ҳам бир давлатдан бошқа бир давлатга «экспорт» қилиниши хавфини келтириб чиқаради. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ҳамкорликда бўлган давлатларнинг иқтисодий жиноятларга қарши олиб борадиган кураш йўллари ҳам бир-бирига яқинлаштирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Биз бошқа давлатларда содир этилаётган жиноятчиликка ҳам тўхталганимиз бежизга эмас. Чунки, бундай жиноятчилик бизда мавжуд эмас, ёки бундай жиноятчилик учун бизда шароит етилмаган, деган кайфиятга берилиш ноўрин бўлади. Чунки бундай жиноятчилик эртами-кечми, бизда ҳам содир этилиши мумкин ва унга қарши олдиндан қарши чораларни кўриш фойдадан холи бўлмайди.

Ҳозирги кунда МДҲ давлатларида иқтисодий жиноятчиликнинг ўсиб боришига, бизнинг фикримизча, қуйидаги ҳолатларнинг таъсири мавжуд:

1. Ишлаб чиқарувчи, воситачи ва истеъмолчи ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг тўла шаклланиб улгурмагани.

2. Жамият аъзоларининг иқтисодий жиноятларга нисбатан пассивлиги, айтиш мумкинки -лоқайдлиги.

3. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш соҳасида чет мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари (маҳкамалари) билан ўзаро илмий-амалий ҳамкорлик, тажриба алмашишдаги сусткашлик. Бунга шу идоралар ўртасида тузилган битим ва шартномаларнинг амалда тўлиқ бажарилмаслиги ҳолларини ҳам киритиш мумкин.

4. Молия-кредит тизимларининг юқори даражада, янги технологиялар асосида ривожланмаганлиги, ундаги мавжуд бюрократик тўсиқлар.

5. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг етарли йўлга қўйилмаганлиги.

6. Қонунчиликнинг бозор иқтисоди шароитида пайдо бўладиган янги жиноятларга қарши курашдаги пассивлиги.

7. Ҳуқуқ-тартибот идоралари таркибида иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб борувчи, уни илмий асосда таҳлил қилиш, тахминлаш ва тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган махсус иқтисодий билимга эга мутахассислар гуруҳларининг йўқлиги.

## §2. Солиқ соҳасидаги жамият учун хавфли жиноятчиликнинг криминологик тавсифи

Солиқ соҳасидаги жиноятчиликни биз алоҳида олиб ўрганаётганлигимиз бежиз эмас. Чунки, илгариги маъмурий-буйруқбозлик шароитида бундай жиноятчилик тўғрисида ҳатто гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Нега деганда, мулк давлатники, корхона давлатники, пул-кредит тизимлари давлатники, пул гўёки у чўнтакдан бу чўнтакка тушаверарди.

Мулкчиликнинг барча шакллари тенг бўлган бозор муносабатлари солиқ тўловчи билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар характерида туб ўзгаришларни юзага келтирди. Бу муносабатлар замирида «солиқ билан боғлиқ жиноятлар» тушунчаси ҳам пайдо бўлдики, уни криминология фани нуқтаи-назаридан ўрганиш зарурати туғилди. Чунки, жамиятда кечаётган хусусий мулкчилик, иқтисодиётга чет эл инвестицияларининг жалб этилиши, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг пайдо бўлиши баробарида бундай жиноятларнинг ҳам кўлами кенгайиб, мамлакат молия-иқтисод тизимлари барқарорлигига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Давлатнинг асосий иқтисодий таянчларидан бири - бу аҳолидан ва юридик шахслардан олинадиган солиқ тушумлари ҳисобланади. Солиқлардан тушадиган маблағлар давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, радио ва телевидение ишини ташкиллаштиришга, йўллар,

маданий, маиший ва бошқа масканларни қуриш, қисқа қилиб айтганда, эл фаравонлигини оширишга хизмат қилади. Лекин, ҳозирги шароитда бу оддийгина ҳақиқатни барча ҳам бирдай тушуниб, солиқларни виждонан тўлаётганлигига тўла кафолат йўқ.

Баъзи ўртача ва каттароқ ташкилотларни кўриб чиқадиган бўлсак, бу ерда солиқ билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз. Бугунги кунда солиқ идоралари баъзи шундай корхоналар томонидан солиқ ундириш учун тақдим этилиши керакли ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни тақдим этмасдан, бухгалтерлик ҳужжатларини турли баҳоналар билан яшириб, назорат этилмайдиган фойдага эга бўлиб олишларидан қийналишмоқда.. Чунки, кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари мўмайгина даромадни яшириб, эвазига арзимаган жарима тўлашни афзал кўришади. Корхона миллион-миллион сўмлик операцияларни бажаради, бунинг учун солиқ идорасига ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмайди ва табиийки, солиқ ҳам тўламайди. Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг сабабларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ижтимоий-иқтисодий;
2. Ижтимоий-ҳуқуқий;
3. Ахлоқий-психологик сабаблар.

Ижтимоий-иқтисодий сабабларни биз фуқароларнинг янгича муносабатларга кўника олмаётганлигида, яъни ихтиёрий суратда ўз даромадларидан солиқ тўлашга ўрганмаганлигида, деб биламиз. Чунки, юқорида келтирганимиздек, маъмурий-буйруқбозлик тизимида барча солиқлар фуқароларнинг иш ҳақларидан чегириб қолиниши натижасида кўпчилик қандай солиқ тўлаганлигини ҳам англаб етмасди ва бу тўғрида бош ҳам қотирмасди.

Ижтимоий-ҳуқуқий сабабларга келадиган бўлсак, бунда асосан ҳали кишилар онгида ҳуқуқий маданиятнинг тўла шаклланиб улгурмагани, солиқ

соҳасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг бўшлиги ва ҳуқуқий механизмларнинг самараси камлигини кўрсатиш мумкин[69].

Ахлоқий-психологик сабаблар, айтиш мумкинки, солиқ соҳасидаги жиноятчиликнинг асосини ташкил қилади. Бунда асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш, бизнингча ўринли бўлади:

1) боқимандалик кайфияти;

2) мавжуд солиқ тизимларини менсимаслик ёки тан олмаслик;

3) солиқ тўғрисидаги ҳуқуқий билимлардан бехабарлик;

4) ғаразгўйлик мақсадларида атайлабдан даромадларни солиқдан яшириб қолиш.

Шу билан бир қаторда, МДҲ давлатларидаги солиқ ставкаларининг юқори даражадалиги ҳам бу соҳадаги жиноятчиликнинг омилларидан биридир. Масалан, мажбурий ажратмалар солиштирма ҳажмининг ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотга нисбати АҚШда 30%, Канадада 34%, Германияда 38%ни ташкил қилса, Россияда бу кўрсаткич 43% атрофида.

Бизнинг фикримизча, солиқ сиёсатида, бу борадаги қонунчиликда озроқ қатъийлик, ҳеч бўлмаганда дастлабки даврлар учун вақтинчалик бўлса ҳам қатъийроқ жазо чораларини қўллаш керак бўлади. Масалан, Хитой Халқ Республикаси қонунларига асосан, солиққа тортиладиган фойдани яширганлик учун унинг миқдоридан қатъи назар солиқчининг бор мол-мулки мусодара этилади. Америкалик бир

---

[69] *Қаранг:* **Бобожонов А.** «Солиқ ва тўловларни қасддан яшириш жиноятлари - солиқ маданиятининг ривожланишига салбий таъсир этувчи омил // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2001. 56-59-б.; **Ортиқов А., Ортиқов Б.** Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий-ҳуқуқий мазмуни // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2001. 54-56-б.

миллионер хонимнинг ўз даромадларини солиқчилардан яширганлиги учунгина қамоқда ўтирганини қайсидир газетада ўқиган эдик. Биз демократик тамойиллар қарор топаётган, инсон омили биринчи ўринда турган жамиятда бунчалик кескин чоралар кўрилиши тарафдори эмасмиз, лекин ҳар ҳолда кескинроқ чоралар, айтайлик солиқчи даромаддан яширган сумма миқдоридаги солиқ билан бирга яна шунча миқдорда, ёхуд унинг икки, уч баравари миқдорида жарима ҳам тўлаши лозим бўлса, солиқ тўловчи солиқни ўз вақтида ва яширмасдан тўлаши афзаллигини тушуниб етади, деб ўйлаймиз.

Солиқларни ўз вақтида ундириш, бу соҳадаги қонунбузарликларни фош этишда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги «Давлат солиқ идоралари фаолиятини ташкиллаштиришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан ташкил этилган Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий бузилишларга қарши курашиш Бош оператив бошқармаси фаолияти жуда ҳам самарали бўлаётир ( шунга ўхшаш, 2001 йилда Республика Прокуратураси қошида ҳам солиққа оид жиноятларга қарши кураш Департаменти ташкил этилди). Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Бош оператив бошқарма ходимлари биргина Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида текширувлар олиб борганларида айрим корхоналарнинг жуда катта миқдордаги даромад солиқларини яшириб қолаётганликларини аниқлаб, прокуратура идораларига жиноий иш очиш учун тақдим этдилар. Масалан, шу тумандаги «Далер» хусусий фирмасида (раҳбари - М.Портовов) 1999 йил мобайнида 37 миллион 239 минг 789 сўм, «Даромад» хусусий фирмасида (раҳбари - Р.Хисаметов) эса 1999 йил ва 2000 йилнинг биринчи чораги мобайнида 217 миллион 602 минг 900 сўм, «Тивлад-Савдо» фирмасида (раҳбари - В.Титов) 1999 йил давомида 154 миллион 554 минг 700 сўм, «Ертепа» масъулияти чекланган жамиятда

(раҳбари - Л.Топоровский) 1999 йилда 39 миллион 337 минг 400 сўм ва 2000 йил биринчи чорагининг ўзидаёқ 17 миллион 31 минг сўм ялпи даромадларни солиқдан яширганликлари маълум бўлди[70]. Булар ҳали бу бошқарма тузилган дастлабки даврдаги фаолиятидан айрим кичик лавҳалар, холос. Бу бошқарманинг ҳамда Республика Прокуратураси қошида янги ташкил этилган солиққа оид жиноятларга қарши кураш Депортаментининг ҳуқуқлари кенгайтирилса, сафлари малакали ва иқтисодий билимларни пухта эгаллаган кадрлар билан мустаҳкамланса, уларнинг фаолияти яна ҳам самаралироқ бўлади, деган фикрдамиз.

Бизнинг фикримизча, солиқ соҳасидаги жиноятчиликни бартараф этиш йўлида энг аввало, фуқароларни ихтиёрий равишда солиқ тўлашга ўргатиш керак. Буни амалга ошириш учун даромад солиқлари ставкаларини камайтириш керак. Кейинчалик, аҳоли даромадларининг ўсиши билан солиқлар миқдорини ҳам тартибга солиб туриш мумкин. Бунда тадбиркор ёки корхона раҳбари ортиқча ғалвалардан қутилиш учун ҳам бундай солиқни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилади. Ана шунда ҳозирдагидай фойдани яширишга ҳожат қолмайди ва табиийки, хазина бундан зарар кўрмайди. Бу билан бир қаторда солиқ тўламаганлик учун, бизнингча, жарималарнинг ҳам прогрессияли усулини қўллаш керак бўладики, у ўз навбатида солиқчини тўловларни ўз вақтида амалга оширишга даъват этиб турсин.

Бундан ташқари, ҳозир бутун дунё иқтисодида юз бераётган глобаллашув ва яқинлашув жараёнларини ҳисобга олиб, бутун жаҳон солиқ назорати органлари билан фойдали ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашишни йўлга керак бўлади.

Ҳозирда бутун дунёда солиқ назоратининг компьютерлаштирилган самарали усуллари қўлланилади. Республикамизда ҳам кўп соҳаларда

---

[70] Маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг Матбуот Маркази материалларидан олинди.

компьютер технологияларига ўтиш жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида савол-жавоблар чогида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов яқин йигирма йил ичида халқ хўжалигининг барча соҳалари компьютерлаштирилиши лозимлигига тўхталиб ўтди. Эндиликда солиқ тизимларини ҳам шу технология билан ялписига қуроллантириш эҳтиёжи юзага келаётир. Бу нарса солиқ тушумларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши юзасидан ишончли назорат ўрнатишга ва давлат бюджетини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

### §3. Жамият учун хавф туғдирувчи, мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг криминологик тавсифи.

Иқтисодий жиноятлар, хусусан унинг мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ турлари деярли барча мамлакатларда нафақат иқтисодий жиноятчиликнинг, балки умуман жиноятчиликнинг кенг тарқалган кўринишларидан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олиб борган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, 1970 йилдан то 1980 йилгача ўтган 10 йил мобайнида ялпи жиноятчилик кўрсаткичлари 64 давлатда ўрганиб чиқилган бўлиб, бунда мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар ривожланаётган мамлакатларда умумий жиноятчиликнинг 49 фоизини, саноати ривожланган мамлакатларда эса 82 фоизини ташкил этганлиги аниқланган.[71]

Янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёни собиқ иттифоқдош республикаларда турлича, лекин таъкидлаш жоизки, уларнинг деярли барчасида жиноятчиликнинг, айниқса иқтисодий жиноятчиликнинг мулкка тажовуз қилиш ва шунга ўхшаш бошқа кўринишларининг авж олиши билан

[71] Шнайдер Г.Й. Криминология. - М.: Прогресс,1994.С-148.

кечди. Бизнинг фикримизча, бунга асосий сабаб, биринчидан - ўтиш даври шароитида аҳолининг баъзи қатламлари орасида юзага келган қашшоқлашув жараёни, давлат ваколатли идораларининг қайта ташкиллаштирилиши, улар ўртасидаги вазифалар тақсимотида юзага келган чалкашлик ва хатолар, бунинг натижасида эса назоратнинг бирмунча сусайганлиги сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан - Ҳамдўстлик давлатлари чегараларининг дастлабки пайтларда назоратга олинмаганлиги, бунинг оқибатида жиноятчи унсурларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга бетўсиқ ўтиб, жиноят содир этишлари учун қулайлик вужудга келганлигида, деб биламиз. Барча собиқ Совет Социалистик Республикалари қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам юқорида айтилган ҳолатлардан мустасно бўлгани йўқ.

Ўзбекистон шароитида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар сирасига тубандагиларни киритиш мумкин[72]:

а) ўғирлик (шу жумладан, фуқароларга тегишли қорамолларни ўғирлаш);

б) талончилик;

в) транспорт воситаларини олиб қочиш;

г) фирибгарлик;

д) мансабдор шахслар томонидан ўзига ишониб топширилган моддий бойликларни ўзлаштириш;

е) банкка қўйилган жамғармаларни ноқонуний йўл

---

[72] *Қаранг:* **Кабулов Р.** Мулкни талон-тарож қилиш нима? // Ҳаёт ва қонун. 1996. № 10-11.; Ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг фарқи // Қонун номи билан. 1997. № 3.; Особенности квалификации грабежа // Экономика и статистика. 1997. № 7-8. - с.64.; Понятие хищения чужого имущества и его отграничение от смежных составов преступлений. - Т.: Академия МВД РУз., 1997. - 131с.; **Каракетов Ю.М.** Ответственность за разбой по уголовному законодательству УзССР. - Нукус.: Каракалпакстан, 1990. - 164с.; **Абдухаликов М.А.** О некоторых квалифицирующих обстоятельствах вымогательства // Конституция - ҳуқуқий давлат қуришнинг асоси. Т., 1996. - 187б.; **Аллабергенов А.П.** Ответственность за хищение, совершенное путем злоупотребления служебным положением. Т., 1984. - 51с.

билан ўзлаштириш;

ё) ўзига ишониб топширилган моддий бойликларни ёки ўзгалар мулкини қасддан йўқотиш (ёқиб юбориш).

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар нотекис ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, турлар бўйича ё кўпайиш, ё камайиш томонга ўзгариб боради. Бу нарсани йиллар бўйича ёйиб ўрганилганда ҳам худди шу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Бундан хулоса шуки, тараққиётнинг айрим босқичларида шароит тақозосига кўра, мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятчиликнинг у ёки бу тури ё кучаяди, ё сусаяди.

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар, умуман иқтисодий жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни шартли равишда иккига ажратиш мумкин: 1) умумлаштирилган сабаблар; 2) айрим, ўзига хос сабаблар.

Умумлаштирилган сабаблар, юқорида тилга олганимиз каби, иқтисодиёт асослари ва унинг ривожланиш босқичларида ўзи учун қулай шароит тақозоси билан вужудга келадиган (асосан, ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликнинг жиноятчиликнинг ўсишидан орқада қолиши билан боғлиқ) сабаблар бўлиб, улар ўзгарувчан хусусиятга эга. Яъни, жамият ривожининг у ёки бу босқичига бориб айрим турдаги жиноятлар авжига чиқса, айримлари аксинча, йўқ бўлиб кетади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки паллаларида тижоратчи ёки ишбилармоннинг ишончини қозониб, қарзга ҳужжатсиз мол ёки маблағ олиб уни қайтаришдан бош тортиш ҳоллари кўпроқ кузатилган. Ҳозирга келиб эса, ишбилармонларнинг тажрибаси ҳам, ҳуқуқий билимлари ҳам ошганлиги туфайли, бундай ҳоллар кам учрайди.

Жиноятчилик олами учун қулай шароит туғдириб берувчи омиллардан яна биттаси-бу бошқариш соҳасида йўл қўйиладиган хатолардир. Булар давлат миқёсидаги ёки жойлардаги айрим амалдорлар томонидан ўйланмасдан чиқарилган қарор, фармойиш ва кўрсатмаларда ўз аксини топади. Айрим фаолият турларига, айрим мансабдор шахсларга бирёқлама тарзда кўпроқ имтиёзлар бериб қўйиш ижтимоий

адолат меъёрларининг бузилишига, шуларнинг баробарида иқтисодий муносабатлар замирида жиноий фаолият учун қулай имкониятлар пайдо бўлишига олиб келади.

Иқтисодий жиноятчиликни юзага келтирадиган иккинчи сабабга тўхталадиган бўлсак, булар бозор тизимига ўтиш жараёнида, иқтисодий муносабатлар сиёсатини юргашиш мобайнида, молия-иқтисод ва пул-кредит тизимларининг ўзгариши замирида рўй беради. Бу сабаблар асосан, хусусийлаштириш ва корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш билан боглиқ бўлиб, бу пайтда бутун мамлакат миқёсида шошилинч равишда олиб бориладиган тадбирлар кўлами жиҳатидан назоратни огирлаштиради ва жиноий ҳаракатларни содир этишга қулай муҳит вужудга келади. Бу шароитда мансабни суиистеъмол қилиш, порахўрлик, кўзбўямачилик ва бошқа йўллар билан аслида бошқаларга тегиши керак бўлган, илгари давлат ёки юридик шахслар ихтиёрида бўлган кўчмас мулк, ер майдонларининг ҳақиқий баҳоларини сохталаштириш йўли билан ноқонуний равишда арзон-гаровга таниш-билишларга ўтказиш ҳолатлари етакчи ўринда туради.

Иқтисодиётга жиддий зарар етказадиган сабаблардан яна биттаси - бу чет эл валютасининг «қора бозори» вужудга келишидир. Бизнинг шароитимизда, давлат аҳолининг ижтимоий ҳимоясини етакчи ўринлардан бирига қўйганлиги сабабли, ички бозордаги маҳсулотлар унинг жаҳон бозоридаги нархларидан анча паст баҳода бўлиб, бу ҳол қимматли маҳсулотларнинг четга ҳар хил йўллар билан оқиб кетишига қулай вазият туғдиради. Бу нарса мамлакат валютаси билан чет эл валютасининг банк томонидан ўрнатилган қийматлари ўртасида фарқ пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бундан ташқари, баъзи «ишбилармон»лар ўгирлик ва ноқонуний ўзлаштириш йўли билан топилган пулларига юқори баҳоларда валюта сотиб олишга ҳаракат қилишади.

Хўш, бу сабабларни қандай йўл билан бартараф этмоқ керак? Яна Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқига мурожаат этамиз: « **Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа - мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйиган мақсадни - хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўпукладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.**

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Уларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор.

Бундай тартибсизликлар учун хизмат бурчи юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя этиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органларининг нопок ходимларига нисбатан талаб бир неча бор кўпроқ, жазо эса янада қаттикроқ бўлиши керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир. **Банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини кучайтириш лозим**»[73].

---

[73] **И.А.Каримов.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Т., 1999. - 32-37 бетлар.

Бозор қонуниятларига асосан, давлатнинг бозор тузилмалари хўжалик юритишида бевосида иштирок этишдан воз кечиши талаб этилади. Лекин бу нарса унинг иқтисодиётни бошқаришдан ҳам воз кечиши керак, дегани эмас. Ваҳоланки, бошқарувсиз иқтисоднинг ўзи ҳам бўлиши мумкин эмас. Тўғри, давлат бозор хўжалик фаолиятига аралашмаслиги билан иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи моддий бойликлар ҳамда пул заҳираларининг сақланиши устидан ўз назоратини маълум даражада сусайтиради. Худди мана шундан фойдаланган айрим «ишбилармон»лар катта миқдордаги пул маблағларини сохта банк ҳужжатлари ёрдамида ўзлаштириш, уларни хорижий банкларга жойлаштириш учун ҳаракат қиладилар.

Давлатнинг бозор хўжалик фаолиятига аралашмаслиги билан айни бир пайтда хусусий мулк эгасининг ўз фаолияти учун тўлиқ шахсий жавобгарлиги юзага келади ва бозор иқтисоди, бозор маданиятини шакллантиришда у энг асосий омиллардан ҳисобланади. Бу ҳолда давлат ўз зиммасига мулкчиликнинг барча шакллари учун тенглик ва ҳуқуқий таъминланганликни ташкил этишни ўз зиммасига олади. Бунда давлат томонидан мулкчиликнинг турли кўринишлари ўртасида рақобатни юзага келтириш, уларнинг ўзаро тенгликка асосланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини меъёрий ва қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаши муҳимдир. Чунки, рақобат - бу яшаш учун кураш, демакдир. Кимнингки моли бошқаларникидан сифатлироқ, арзонроқ бўлса, унинг савдоси ҳам, табиийки - оладиган даромади ҳам яхшироқ бўлади. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулайроқ, осонроқ шароитни излайди. Аммо, мулкдорнинг ўзи ҳам ўз пешона тери эвазига орттирган моддий бойликларини, мол-мулкларини асраш чораларини кўриши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаб етиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай бир вазиятда рақобатчилар орасидан бошқаларнинг мол-мулкларига, керак бўлса жонига тажовуз қилиб

бўлса ҳам нопок йўллар билан бозорни забт этишга интилувчи сохта «тадбиркор»лар чиқиши эҳтимоли ҳам ошиб боради. Қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида эса бу ҳолатларни ўз вақтида кўра билиб, тегишли ҳуқуқий механизмларни ишга солишдек мураккаб вазифа юзага келади.

Мулкка қарши қаратилган жиноятларни ҳисобга олиш чоғида шу нарса маълум бўладики, бу турдаги жиноятларда яширин(латент)лик жуда ҳам юқори. Бунга асосий сабаб кўпчилик ҳолларда фуқароларнинг ҳар хил андишаларга бориб ёки жиноятчининг ўч олиш билан қиладиган дўқ-пўписаларидан қўрқиб, содир этилган ўғирлик, талончилик, фирибгарлик ва шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этмаслигидир. Лекин жиноятчини қўлга олиб, тергов ҳаракатлари олиб борилиши чоғида, ашёвий далилларни аниқлашда бу жиноятлар ҳам очилиб қолади. Натижада ҳисобга олинган жиноятлар билан ҳисобга олйнмаган жиноятлар миқдори ўртасида анчагина фарқ (латентлик) вужудга келади. Бу ҳолат жиноятчиликнинг умумий динамикасини аниқлаш ва унга баҳо беришда қийинчилик туғдиради.

Латентлик даражаси фирибгарлик ва юлғичлик жиноятлари юзасидан ҳам юқори даражада қолмоқда. Бунда, жабрланувчининг фирибгар ёки юлғич томонидан чуқур психологик фалажлик ҳолатига туширилиши, натижада у анча вақтгача ўзининг алданиб қолганлигига ишонмаслиги ёки алданганинини тан олишдан уялиши, айрим ҳолларда эса йўқотилган мулкнинг нопок йўллар билан топилганлиги сабабли бундай ҳолатлар юзасидан тегишли жойларга мурожаат этмаслиги ҳам сабаб бўлади.

### §4. Иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларнинг криминологик тавсифи.

Бозор иқтисодига асосланадиган жамият асосан жамият аъзоларининг юқори даражадаги ҳуқуқий маданияти, ўзаро бир-бирларига ишончи, давлат ва фуқаролар мулкларининг тенг ҳуқуқлилиги ва шу каби тамойилларга таянади. Бундай жамият қуриш йўлидан

бораётган МДҲ давлатларининг барчаси ҳозирги босқичда маълум иқтисодий қийинчиликларни ўз бошидан кечирмоқдалар. Бу нарсани кишилар онгидан собиқ тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган боқимандалик психологияси асоратларини чиқариб юбориш жараёнлари қийин кечаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жамиятнинг табақалашуви, ишсизлик, иқтисодий қийинчиликлар айрим табақадаги кишиларда янги жамиятга нисбатан норозилик, илгариги тузумда қурилишдан битта ғиштни, ошхонадан бир бўлак колбаса ёки ярим кило сариёғни, фабрикадан бирон метр матони ўмариб кетиш мумкин бўлган даврларни қўмсаш кайфиятини келтириб чиқарди. Эндиликда булар давлатнинг эмас, кимнингдир шахсий корхонаси бўлгани учун, у ўз мулкини шундоққина ташиб кетишларига йўл қўймаслиги учун ҳам бу тоифадаги кишиларда мулкдорга нисбатан ғараз пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодига ўтишдаги бошқаларникига ўхшамаган ўз йўли, яъни жамият аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда ҳуқуқий-фуқаролик жамиятига аста-секинлик билан ўтиб бориш йўли танланди ва бу йўлга қўплаб чет эллик сиёсатчилар юқори баҳо бердилар. Мамлакатга чет эл сармоялари, янги технологиялар олиб келинмоқда, қишлоққа майда саноат дадил олиб кирилмоқда. Лекин ҳали бу тадбирлар ишсизликни тўла бартараф эта олмайди. Негаки, янги технологиялар кам ишчи кучлари сарфлашга мослашган бўлиб, ишсизликни тугатиш учунгина эски технологиялар билан ишлашдан давлат ҳам, жамият ҳам ҳеч қандай наф кўрмайди.

Бозор ўз номи билан бозор. Унинг ўзига хос қонунлари, тартиблари мавжуд. У кишидан ҳам ақлан, ҳам жисмонан меҳнат қилишни, ўз маблағларини режа билан сарфлашни, қисқаси тадбиркор бўлишни тақозо этади. Давлатимиз хусусий тадбиркорликни ҳам моддий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги

бўлган кишиларга имтиёзли кредитлар берилади. Меҳнат қилишдан чўчимайдиган кўпгина фуқаролар бу имтиёзлардан оқилона фойдаланиб мўмайгина даромад олмоқдалар, шу билан бирга атрофидагиларни ҳам иш билан таъминламоқдалар. Меҳнатга тоби йўқ тоифадаги кишилар эса, қайси йўл билан бўлса-да, ўзгалар ҳисобига яшаш учун жиноят кўчаларига кирмоқдалар.

Иқтисодий жиноятларни содир эттан шахсларнинг ёши, ижтимоий гуруҳларга мансублиги, жинси, ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги, маълумоти ва шу каби бошқа сифатларининг криминологлар томонидан олиб борилган сўнгги йиллардаги таҳлилига назар ташласак, тубандаги натижаларни кўришимиз мумкин[74]:

- ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятлар асосан эркак жинсига мансуб шахслар томонидан (93%) содир этилган.

- фирибгарлик (22-24%), ўзлаштириш ёки талон-тарож қилиш билан камомадга йўл қўйиш (11-12%) жиноятларида аёлларнинг улуши бирмунча юқори.

- ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этишда кейинги пайтларда 16 ёшдан ошган, лекин ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган шахсларнинг салмоғи ортиб бормоқда (43-45%). Бу категориядагилар ўғирлик жиноятини содир эттанлар ичида 50%ни, талончилик жиноятини содир этганлар ичида 61,8%ни, босқинчилик жиноятини содир этганлар ичида 69,1%ни ва зўравонлик жиноятини содир эттанлар ичида эса 53,7%ни ташкил этади.

- ишчилар ўғирлик жинояти билан қўлга тушганлар ичида 27-28%ни, талончилик билан қўлга тушганлар ичида 24%ни, босқинчилик билан қўлга тушганлар

---

[74] *Қаранг:* **Зарипов З.С., Исмаилов И.** Криминология. Т., 1997.-С..91-96.; **Каракетов Ю.М., Усмоналиев М.У.** Жиноятчиликка карши курашнинг криминологик чоралари. - Т.: Ўзбекистон., 1995. - 121-127б.; **Марфади С.** Жиноятчиликнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари. // Ҳаёт ва қонун. 1997.; **Абдумаджидов Г.** Расследование преступлений. Т.: Узбекистан., 1986. - С 34.

ичида 20%ни, фирибгарлик билан қўлга тушганлар ичида 17%ни, зўравонлик билан қўлга тушганлар ичида эса 23%ни ташкил этган бўлса, колхозчилар ўғирлик жинояти билан қўлга тушганлар ичида 11%ни, талон-тарож қилиш жинояти билан қўлга тушганлар ичида 8%ни ташкил қилади.

- давлат ва жамоат мулкини таалон-тарож қилувчи шахслар ичида хизматчиларнинг улуши жуда ҳам юқори бўлиб, у 51-52%ни ташкил қилади, шунингдек бу категорияда зўравонлик ва фирибгарлик жиноятларининг ўсиб бориши кузатилган.

- ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг учдан икки қисми ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотга эга.. Кейинги йилларда ўрта махсус ва олий маълумотли шахсларнинг салмоғи ортиб бораётгани кузатилган.

- жиноят статистикасига маълумотларига қараганда, охирги йилларда ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этишда айбланган шахсларнинг ҳар учтадан бири 18-24, ҳар бештадан бири 25-29, ҳар ўнтадан бири 16-17 ёшдалиги маълум бўлган. 18-24 ёшдагиларнинг ўғрилар ичидаги салмоғи 34-35%, талончи ва босқинчилар ичида -40-41%, зўравонлар ичида эса 30%ни ташкил қилади.

- ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларнинг қарийб ярми гуруҳлар таркибига киради. Бу кўрсаткич босқинчиликда 63,7%ни, ўғирликда 466%ни, талончиликда 44,8%ни ташкил қилади. Бундай гуруҳлардан ўғирлик жиноятини содир этганлари таркибига ҳатто вояга етмаганлар ҳам жалб қилинган. 8,7% гуруҳий жиноятларда эса фақат вояга етмаганлар иштирок этишган. Вояга етмаганлар томонидан гуруҳли босқинчилик жиноятларини содир этиш ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Юқоридаги маълумотларни ва ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этганлар шахсиятларини ўрганиш жараёнида биз шундай хулосаларга келдик:

1. Бундай жиноятларга қўл урган шахсларнинг

асосий қисмида ўзгалар ҳисобидан паразитларча чиройли ҳаёт кечиришга мойиллик психологияси мавжуд.

2. Бундай шахсларнинг озроқ қисми ночорликдан, бошқа иш қўлидан келмаганлиги, шунингдек вояга етмаган ва 18-24 ёшдагиларнинг аксар қисми эса адашиш ёки ўзга жиноий унсурларнинг таъсирларига берилганлиги оқибатида жиноятга қўл урган.

3. Бу турдаги жиноятларда аёллар салмогининг камлигини, бизнингча миллий урф-одатларимизнинг ҳали тарбиявий таъсир кучига эгалиги, хусусан, шарқ аёлларига хос бўлган уят, шарму-ҳаё, ор-номус каби хислатларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш ўринли бўлади.

4. Вояга етмаган шахслар ва ёшлар жиноятчилигига бир томондан мактаб билан оила ҳамкорлигининг сустлиги, оилада боланинг бўш пайти назорат қилинмаётганлиги сабаб бўлса, иккинчи томондан видеотекаларда жиноят оламининг "гўзал" ҳаётларини, зўравонлик, фоҳишабозликни тарғиб қилувчи чет эл фильмларини намойиш қилиш, шунингдек жиноий унсурларнинг таъсирларига берилиш оқибатларини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

## II боб юзасидан хулосалар

**1.** Бозор иқтисодиётининг ривожланишида **талаб ва таклиф асосида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, истеъмолчилар ўртасида тақсимлашни амалга ошириш, шунингдек хизматларнинг турли шаклларини кўрсатишни ташкил қилиш** муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса худди шу соҳалар бўйича жамият учун хавфли бўлган айрим **жиноятларнинг юзага келиши ёки ривожланиши** учун шароит яратади.

**2.** Иқтисодий жиноятчиликда мавжуд бўлган **юқори латентлик** даражаси унинг жамиятга туғдирадиган хавфини аниқлаш, ривожланиш динамикасини ўрганиш ва унга қарши самарали кураш чораларини

ишлаб чиқишда маълум қийинчиликларни вужудга келтиради. Шунга кўра, бундай жиноятчиликни олдиндан тахминлаш, ривожланиш қонуниятларини белгилашда чет давлатлар тажрибаларини ўрганиш, ён-атрофимиздаги қўшни давлатларда содир этилаётган жиноятчиликни таҳлил этиш ва шулар асосида **ривожланиш босқичига кўра яқин келажакда қайси жиноятчилик кучайиши (пасайиши) тўғрисида хулоса чиқариш мумкин**, деб ўйлаймиз.

**3.** Таҳлиллар натижаларига кўра, сўнгги йилларда **иқтисодий жиноятларнинг камаймаётганлигига** амин бўламиз. Лекин, айрим жиноят турлари ўзгарувчан хусусиятдалигини ҳам кузатиш мумкин, масалан, солиқдан бўйин товлаш, сохта тадбиркорлик, қалбаки пул ясаш, порахўрлик молиявий фирибгарлик, зўравонлик каби жиноятларни шулар сирасига киритиш мумкин. Буни бозор иқтисодининг ўзгарувчанлиги шароитида ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим пайтларда айрим жиноятларга эътиборни кучайтиришлари билан боғлаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, **иқтисодий жиноятлар қатъий қонуниятлар асосида ривожланиб бормайди**, деган хулосага келиш мумкин.

**4.** Ҳозирги кунда **МДҲ давлатларида иқтисодий жиноятчилик**нинг ўсиб боришига, бизнинг фикримизча, қуйидаги ҳолатларнинг таъсири мавжуд:

1. Ишлаб чиқарувчи, воситачи ва истеъмолчи ўртасида ҳуқуқий маданиятнинг тўла шаклланиб улгурмагани.

2. Жамият аъзоларининг иқтисодий жиноятларга нисбатан пассивлиги, айтиш мумкинки -лоқайдлиги.

3. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш соҳасида чет мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари (маҳкамалари) билан ўзаро илмий-амалий ҳамкорлик, тажриба алмашишдаги сусткашлик. Бунга шу идоралар ўртасида тузилган битим ва шартномаларнинг амалда тўлиқ бажарилмаслиги ҳолларини ҳам киритиш мумкин.

4. Молия-кредит тизимларининг юқори даражада, янги технологиялар асосида ривожланмаганлиги,

ундаги мавжуд бюрократик тўсиқлар.

5. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг етарли йўлга қўйилмаганлиги.

6. Қонунчиликнинг бозор иқтисоди шароитида пайдо бўладиган янги жиноятларга қарши курашдаги пассивлиги.

7. Энг асосийси эса -ҳуқуқ-тартибот идоралари таркибида иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб борувчи, уни илмий асосда таҳлил қилиш, тахминлаш ва тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган **махсус иқтисодий билимга эга мутахассислар гуруҳларининг йўқлиги**.

**5.** Бугунги кунда солиқ идоралари баъзи шундай корхоналар томонидан **солиқ ундириш** учун тақдим этилиши керакли **ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни тақдим** этмасдан, бухгалтерлик ҳужжатларини турли баҳоналар билан яшириб, **назорат этилмайдиган** фойдага эга бўлиб **олишларидан** қийналишмоқда. Корхона миллион-миллион сўмлик операцияларни бажаради, бунинг учун солиқ идорасига ҳеч қандай ҳужжат тақдим этмайди ва табиийки, солиқ ҳам тўламайди. Бухгалтерлик ҳисобларини атайлабдан шундай чалкаштириб ташлашадики, ундан фойда суммасини аниқлашнинг ҳеч қандай иложи йўқ.

Бизнинг фикримизча, солиқ соҳасидаги жиноятчиликни бартараф этиш йўлида энг аввало, фуқароларни **ихтиёрий равишда солиқ тўлашга** ўргатиш керак. Буни амалга ошириш учун **даромад солиқлари ставкаларини камайтириш керак.** Кейинчалик, аҳоли даромадларининг ўсиши билан солиқлар миқдорини ҳам тартибга солиб туриш мумкин. Бунда тадбиркор ёки корхона раҳбари ортиқча ғалвалардан қутилиш учун ҳам бундай солиқни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилади. Ана шунда ҳозирдагидай фойдани яширишга ҳожат қолмайди ва табиийки, хазина бундан зарар кўрмайди. Бу билан бир қаторда солиқ тўламаганлик учун **жарималарнинг ҳам прогрессияли усулини** қўллаш керак бўладики, у ўз навбатида солиқчини тўловларни ўз вақтида амалга

оширишга даъват этиб турсин.

Бундан ташқари, ҳозир бутун дунё иқтисодида юз бераётган глобаллашув ва яқинлашув жараёнларини ҳисобга олиб, **бутун жаҳон солиқ назорати органлари билан** фойдали ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашишни йўлга керак бўлади.

Ҳозирда бутун дунёда **солиқ назоратининг компьютерлаштирилган самарали усуллари** қўлланилади. Республикамизда ҳам кўп соҳаларда компьютер технологияларига ўтиш жадал олиб боримоқда. Эндиликда солиқ тизимларини ҳам шу технология билан қуроллантириш эҳтиёжи юзага келаётир.

**6.** Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар **нотекис ривожланиш тенденциясига эга** бўлиб, турлар бўйича ё кўпайиш, ё камайиш томонга ўзгариб боради. Бундан хулоса шуки, **тараққиётнинг айрим босқичларида шароит тақозосига кўра, мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятчиликнинг у ёки бу тури ё кучаяди, ё сусаяди**:

а) жиноятларнинг асосий қисми эркак жинсига мансуб шахслар томонидан содир этилган (бу ҳолат унинг жамият учун хавфлилик даражасини оширади);

б) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар миқдорининг умумий кўриб чиқилаётган жиноятчиларга нисбатан салмоғи анча юқори даражада;

в) ишламайдиганлар томонидан содир этилган жиноятлар миқдорининг умумий кўриб чиқилаётган жиноятчиларга нисбатан салмоғи ҳам анча юқори;

**7.** Ўзгалар мулкига тажовуз билан боғлиқ жиноятларни содир этганлар **шахсиятларини** ўрганиш жараёнида биз шундай хулосаларга келдик:

1. Бундай жиноятларга қўл урган шахсларнинг асосий қисмида ўзгалар ҳисобидан паразитларча чиройли ҳаёт кечиришга мойиллик психологияси мавжуд.

2. Бундай шахсларнинг озроқ қисми ночорликдан, бошқа иш қўлидан келмаганлиги, шунингдек вояга

адашиш ёки ўзга жиноий унсурларнинг таъсирларига берилганлиги оқибатида жиноятга қўл урган.

3. Бу турдаги жиноятларда аёллар салмоғининг камлигини, бизнингча миллий урф-одатларимизнинг ҳали тарбиявий таъсир кучига эгалиги, хусусан, шарқ аёлларига хос бўлган уят, шарму-ҳаё, ор-номус каби хислатларнинг мавжудлиги билан изоҳлаш ўринли бўлади.

4. Вояга етмаган шахслар ва ёшлар жиноятчилигига бир томондан мактаб билан оила ҳамкорлигининг сустлиги, оилада боланинг бўш пайти назорат қилинмаётганлиги сабаб бўлса, иккинчи томондан видеотекаларда жиноят оламининг «гўзал» ҳаётларини, зўравонлик, фоҳишабозликни тарғиб қилувчи чет эл фильмларини намойиш қилиш, шунингдек жиноий унсурларнинг таъсирларига берилиш оқибатларини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

# III БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИ ШАРОИТИДА МУЛККА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Иқтисодий жиноятчиликнинг мулкка тажовуз билан боғлиқ турлари шу соҳадаги жиноятлар ичида ўзининг жамиятга хавфлилик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бундай жиноятларни келтириб чиқарувчи омилларни алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик.

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг омили деганда, шу жиноятнинг юзага келишига ва ўзгаришига кўмаклашадиган ёки тўсқинлик қиладиган ҳолатлар гуруҳи тушунилади[75].

Жаҳон криминологиясида ҳозирга қадар ҳолатлар детерминанти сифатида **сабаб** (жиноятнинг юзага келишига сабаб бўладиган ҳолат) ва **шарт-шароит** (жиноятнинг юзага келишига бўлмаса ҳам, унинг ўзгаришига кўмаклашадиган ёки тўсқинлик қиладиган ҳолат) тушунчалари ишлатилади. Жиноятчиликнинг юзага келиш шарт-шароитлари ва сабабларини дифференциаллашнинг бундан бўлак самарали усули ва методологияси ҳали ишлаб чиқилмаган.

Жиноятчиликнинг омиллари, асосан **криминоген** ёки **антикриминоген** шаклда бўлиши мумкин[76]. Криминологияда, одатда криминоген шаклдаги

---

[75] *Қаранг:* **Таджиханов У.** Закон. Человек. Государство. Т., 1997. - 239с.; Правовая культура и законопослушание в деятельности органов внутренних дел. - Т.: Академия МВД РУз., 1995. - 44с.; **Зарипов З.С.** Криминология: Умумий қисм. Т.: ИИВ Академия., 1996. - 227с.; **Шур Э.** Наше преступное общество. - М.: Прогресс., 1977. - 326с.

[76] *Қаранг*: **Кузнецова Н.Ф.** Проблемы криминологической детерминации. - М.: Изд-во МГУ, 1984.

омилларга кўпроқ аҳамият бериш анъанаси мавжуд. Лекин бозор иқтисоди - бу мураккаб, ўзига хос жараён бўлиб, у айни бир пайтда криминоген шаклдаги ҳолатларни ҳам, антикриминоген шаклдаги ҳолатларни ҳам ўзида намоён эта олади.

## §1. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий иқтисодий омиллари

Яқин-яқинларгача мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятчиликнинг асосий омиллари гуруҳи кишини киши томонидан эксплуатация қилиниши, кўпчиликнинг ночорлиги ва қашшоқлигидан, деган ақидага таянган ҳолда белгиланарди..

Аслини олганда эса, мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий жиноят содир эттан шахсларнинг аксарият қисмини ночор ёки қашшоқ тоифага киради, дейиш қийин. Бизнингча, уларнинг кўпчилигини жиноятга етаклаган сабаб -очкўзлик, бошқаларга нисбатан яхшироқ яшашга интилишдир. Бу мақсадларни амалга ошириш учун эса улар мансабни суиистеъмол қилиш, ўзига ишониб топширилган мулк ва бойликларни ноқонуний ўзлаштириш йўлларидан борадилар.

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ иқтисодий жиноят содир эттан шахсларни ижтимоий гуруҳлар бўйича ўрганиб чиқиладиган бўлса, унда иқтисодий мавқеи бир хил бўлган шахсларнинг криминал фаоллиги ҳам, асосан бир хиллиги маълум бўлади. Бунда фақат криминал фаолликнинг характеригина турлича бўлиши мумкин. Иқтисодий қарамлик ва ночорликнинг юқори даражаси мулкка тажовузнинг ўғирлик, талончилик, босқинчилик ва вандализм каби примитив шаклларини келтириб чиқариши мумкин. Аксинча, иқтисодий жиҳатдан унча ҳам ночор бўлмаган тоифа ўртасида жиноятчиликнинг фирибгарлик, ўта қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш, кўчмас мулкни эгаллаб олиш, алдамчилик ёки ишончга кириш орқали ўзгалар мулкига зиён етказиш каби «маданий» шакллари кенг тарқалган.

Ҳозирги давр жаҳон криминологияси амалиётида аҳолининг иқтисодий эксплуатацияси ва жиноятчилик, ёки аҳолининг қашшоқлашув даражаси билан жиноятчилик ўртасидаги боғлиқликнинг узоқ муддатли турғун қонунияти кашф этилмаган.

Лекин, аҳоли қатламларининг иқтисодий шароитлари тез ўзгариши оқибатида қисқа муддатга бўлса ҳам юқоридаги боглиқлик мавжуд бўлиши кузатилган. Масалан, Россиялик криминалист Е.Н.Тарновский Россияда 1874-1894 йиллар оралиғида нон баҳосининг ошиши билан жиноятчиликнинг ўсиши ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлганлигини илмий жиҳатдан асослаб берган[77].

Жиноятчиликнинг иқтисодий омиллари ичида аҳоли даромадлари даражасининг поляризацияси (оғиши) ҳолати етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, аҳолининг ишбилармон қатлами тезда бойиб, даромадлари юқори даражага кўтарилиши билан бир пайтда унинг ношуд, ёхуд ишга яроқсиз қатламларининг қашшоқлашуви жараёни кечади. Бу ҳолат айнан бу икки қатлам ўртасидаги қарама-қаршиликка ҳамда аламзада қашшоқ тараф ўртасида жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат криминологияда Джини коэффициенти деган атама билан ўлчаниб, у аҳоли ялпи даромадлари миқдорининг унинг айрим гуруҳлари ўртасида тақсимланишини ифода этади. Бу ҳолда жамият поляризацияси даражаси аҳоли даромадларининг поляризациясидан юқори бўлгани сайин, бу коэффициент 1га яқинлаша боради[78].

Албатта, бу ҳолда шароитлар нисбатан бир хил бўлган давлатлар мисолида кўриб чиқилиши адолатлироқ бўлган бўларди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Шимолий Европа давлатларини кўриб чиқиладиган бўлса, бу ерда жиноятчилик даражаси

---

[77] *Қаранг:* **Тарновский Е.Н.** Влияние хлебных цен и урожаев на движение преступлений против собственности в России. // Журнал Министерства юстиции, 1898.№8.

[78] *Қаранг:* Стабилизация социально-экономической ситуации в стране // Национальная безопасность:Россия в 1994 году. Спец.выпуск - М.,1993. С91.

унча юқори эмаслиги кўзга ташланади[79]. Чунки, бу ерда ўрта синфга мансуб мулкдорлар кўпчиликни ташкил қилиши билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришган дастлабки кунларданоқ, Президентимиз И.А.Каримов иқтисодиётнинг юксалишига омил бўла оладиган ҳолаглардан бири - бу ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоққа бу тузилмаларни фаол киргизиш шартлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Йирик ишбилармонлик билан шуғулланишга қурби ва салоҳияти етарли бўлган бизнесменлар тез бойиб, маблағлари кўпайиб кетиши аниқ. Шундай бир шароитда ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи бизнесменларнинг даромадлари ўртача бўлгани ҳолда, улар жойларда маълум миқдордаги иш ўринларини ташкил қилиш ва шу билан аҳолининг даромадларидаги фарқни бирмунча мўътадиллаштиришга хизмат қиладилар.

Собиқ СССР давридаги иқтисодий жиноятлар даражасининг пастлигини айнан аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқнинг унча юқори бўлмаганлигидан излаш ўринли бўлади.

Ҳозирги давр Россиясида аҳоли даромадларининг поляризацияси 1991-1993 йиллар мобайнида Джинни коэффициенти нуқтаи-назаридан олганда (мос равишда аҳолининг қашшоқлашув даражаси ҳам) 30 фоизга кўтарилган[80]. Шундай шароитда мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар 3 бараварга (ҳар 100 минг аҳолига 700дан 2300га) кўпайган. Шу даврда инфляция даражаси 5 минг бараварга ошган. Бундан кўриниб турибдики, инфляция (гиперинфляция) даражаси жиноятчиликнинг ўсишида унчалик ҳам етакчи ўринда турмас экан.

---

[79] *Қаранг:* **Лунеев В.В.** Тенденции преступности: мировые, региональные, российские // Государство и право.1993.№5

[80] *Қаранг:* Россия-93. Экономическая коньюктура. Вып.3.-М.:Центр экономической коньюктуры при Совете Министров _ Правительстве России,1993.

Ўзбекистон Республикаси шароитида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос, «сакрашларсиз», аҳоли ижтимоий ҳимояси таъминланиши кўзда тутилган йўли танланганлиги, яъни давлатнинг бу ўтиш давридаги бошқарувчилик роли сақлаб қолинганлиги натижасида ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга давлат кўмагининг берилганлиги сабабли поляризация ва инфляция даражаси унчалик кўзга ташланадиган ҳолатга етгани йўқ ва иқтисодий жиноятчиликнинг кескин ўсиши ҳам кузатилмади.

Тўғри, бу билан иқтисодий жиноятчиликни келтириб чиқарувчи омиллар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди, дейиш ноўрин бўлади. Ўрта ва кичик тадбиркорлик, ўз ривожланиш даражасига кўра, ҳозирча ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусийлаштирилиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилганлиги натижасида бўш қолган аҳолининг бир қисминигина иш билан таъмин этиши мумкин. Қолган қисмининг баъзилари эса, табиийки ўз оиласини тебратиш мақсадида билиб-билмай жиноий тўдаларга, шу жумладан гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар, баъзи ҳолларда ҳатто, экстремист-қўпорувчи тўдаларга ҳам қўшилиб кетаётганликлари тажрибадан маълум. Демак, ишсизликни ҳам жиноятчиликка туртки бўладиган омиллардан бири сифатида санашимиз мумкин.

Биз юқорида кўриб ўтган омилларнинг келиб чиқишига эса, асосан бозорнинг асосий юргазувчиси ҳисобланган талаб ва таклифнинг номувофиқлиги сабаб бўлади. Ўтиш даври шароитида талаб ва таклифнинг мувофиқ келишига эришиш анча мушкул вазифадир.

## §2. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий ҳуқуқий омиллари

Ўзбекистон шароитида ҳозирги пайтдаги мулкка тажовуз билан боғлиқ иқтисодий жиноятларни таҳлил қилиб чиқилганда, қуйидаги ҳолатлар яққол кўзга ташланади:

1. Қонунчиликнинг жиноятларнинг янгича турларига нисбатан пассивлиги. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ривожланиш босқичлари бўйича жиноятчиликнинг илгарилари учрамайдиган ёки кам учрайдиган турлари пайдо бўла боради.

Тўғри, бизнинг мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган модели, яъни унга босқичма-босқич ўтиш йўли танланган. Шундай бўлса ҳам, бу ҳолат жиноятчиликка барҳам бера олади, деб айта олмаймиз. Чунки жиноят олами ҳар қандай шароитга мослаша олади ва қонунларнинг кучсиз жиҳатларидан ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга ҳаракат қилади. Бу нарса жаҳон амалиётидан маълум. Бизнинг бозор шароитига ўтиш моделимиз ўзига хос бўлганлиги билан, унда барибир бошқа ривожланган давлатлар тажрибаларининг кўпгина элементлари мавжуд. Уларни ҳисобга олинадиган бўлса, ривожланиш босқичларига кўра, жиноятчиликнинг пайдо бўлиши кутилаётган турларини олдиндан илмий асосланган усулларда тахминлаб, унга қарши қонунларни ишлаб чиқиш мумкин. Лекин амалда бундай жиноятлар илдиз отиб, жамиятга маълум даражада зиён етказиб улгурганидан кейингина унга қарши қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

2. Солиқ соҳасидаги қонунларнинг номукаммаллиги. Конституция ва қонунларда солиқларни тўлаб бориш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги белгилаб қўйилган бўлса ҳам, ҳали-ҳанузгача солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган шахслар, корхона ва фирмалар раҳбарлари кўпчиликни ташкил этаётир. Бу эса охир-оқибатда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллардан бирига айланиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан топилган даромадларни ноқонуний ўзлаштирганлик учун жавобгарлик тўғрисида» ги Қонунининг мавжуд эмаслиги. Бозор муносабатлари шаклланишининг юқори босқичига кўтарилаётган ҳозирги шароитда чет мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари, хусусий тадбиркорлар билан иқтисодий

алоқалар тобора юксалиб, ўзаро манфаатли тус олиб бормоқда. Лекин, таассуф билан шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ўзини тадбиркор деб билган айрим кимсалар уларга давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароит ва енгилликлардан жиноий мақсадларда фойдаланишга уриниши ҳоллари ҳам юз бермоқда. Бунинг оқибатида мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб келиниши мумкин бўлган товар ва хом ашёлар аслида иқтисодиётимизнинг юксалишига эмас, балки унинг банк, молия, кредит ва солиқ тизимлари ишининг чигаллашишига, охир-оқибатда эса миллий валютамизнинг қадрсизланишига олиб келади.

Бу ҳолатлар фақат бизнинг кузатишларимиз натижаси, холос. Аслида эса, давлатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида иқтисодий соҳадаги жиноий ҳаракатлардан ташқари, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар, шунингдек, юқорида кўриб ўтганимиздек, қимматбаҳо қоғозларни чет элга ўтказиб юборувчилар ҳам мавжудлиги эҳтимолдан узоқ эмас ва улар қўлида айланувчи маблағлар назоратдан четда. Бундай нопок йўллар билан топилган пуллар, табиийки, давлат хазинасига келиб тушмайди. Чет эллар тажрибасидан маълумки, бундай маблағлар асосан, номигагина тузилган, аслида ҳеч қандай фаолият юритмайдиган катта-кичик корхоналар орқали «ювилиб», қонунийлаштирилади.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, бизнинг фикримизча, бу соҳадаги жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг пайини қирқиш, назоратни янада кучайтириш мақсадида банк, молия, ички ишлар, прокуратура, миллий хавфсизлик, божхона ва солиқ идораларининг баъзибир ваколатларини кенгайтириш, шунингдек мажбурият ва масъулиятларини ошириш вақти аллақачон етган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан топилган даромадларни ноқонуний ўзлаштирганлик учун жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунини қабул қилишнинг зарурати пайдо бўлган, деб ҳисоблаймиз.

## §3. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий психологик омиллари

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг омилларини криминологияда ҳозирги кунгача ҳам гўё кўпчилик одамларга хос бўлган ҳасадгўйлик, ғаразгўйлик мақсадлари психологияси билан боғлаш анъанаси мавжуд. Тўғри, бундай жиноятлар худди шу психологик жиҳатларга ҳам боғлиқ. Лекин, мулкка тажовуз қилиш боғлиқ айрим жиноятлар ҳам борки, уларда ғаразгўйлик мақсадлари иштирок этмайди. Масалан, алдов ёки ўғирлик изларини қолдирмаган ҳолда ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкка зиён етказиш, автомобил ёки бошқа транспорт воситасини ноқонуний эгаллаб олиш, ўзганинг мулкига зиён етказиш ёки уни батамом йўқ қилиб юбориш каби ҳолатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Биз бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги кузатишларимиз асосида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг психологик омиллари қуйидагилардан иборат, деган хулосага келдик:

1. Кўпчиликда иқтисодий жиноятчиликнинг кўп турларига, қонун билан тақиқланган фаолиятларга нисбатан, унинг жамиятга эртами-кечми, зиён етказиши мумкинлигини англаб ё англамасликдан, лоқайдлик кайфияти юзага келган. Энг арзимас бўлиб кўринган мисолларни олиб қарайлик: акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотини ёки спиртли ичимликни ёки нархи осиб қўйилмаган саноат маҳсулотини харидор индамай сотиб олаверади, транспорт воситасида чипта берса - олади, бермаса -яна индамай кетаверади, таксига чиқадиган бўлса, километрига ҳисоблаб ҳам ўтирмасдан, ҳайдовчи айтган пулни тўлайди ва ҳоказо. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Агар шу ўринда харидор ёки йўловчи бу арзимас бўлиб кўринган ҳолатлар замирида аслида унинг кўз ўнгида ўғирлик содир этилаётганлигини, мамлакат иқтисодига, қолаверса, ўз

чўнтагига каттагина зиён етказилаётганлигини тушуниб етганида ўз ҳуқуқини талаб қилган бўлур эди. Бу нарса жиноятга жазо муқаррарлиги шароитида жазосизлик муҳитини, яъни жиноятни содир этувчида ўз манфаатини ўзгалар манфаати ва ҳатто қонундан устун қўйиши психологиясини вужудга келтиради.

2. Баъзи матбуот нашрларида, хусусан, Россия матбуотида зўр бериб баъзи мулк билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ваҳимали шов-шувларнинг кўтарилиши, аслида эса ҳисобга олинган шу турдаги жиноятлар миқдорининг ярмини ҳам ташкил этмаслиги. Бизнинг назаримизда бундай чиқишлар аҳоли фикрини жамият учун кўпроқ зарар етказадиган бошқа каттароқ жиноятлардан чалғитиш ёки баъзи жиноятлар назоратдан чиқиб кетган, деган фикрни туғдириб, бу билан ҳуқуқ-тартибот идораларини обрўсизлантириш, уларга нисбатан аҳолининг ишончини сусайтириш учун криминал доиралар томонидан атайлаб уюштирилган бўлиши ҳам мумкин.

3. Жабрланган аҳоли кўпчилик қисмининг ҳуқуқ-тартибот идораларига ёрдам сўраб кеч мурожаат этиши ёки умуман мурожаат этмаслиги. Бундай ҳолат ҳам жиноятга мойил шахсларни рағбатлантирувчи омиллардан биридир. Унинг сабаблари, бизнингча қуйидагича бўлиши мумкин:

а) жабрланувчи йўқотган моддий мулкнинг нисбатан катта миқдорда эмаслиги;

б) жабрловчи томонидан жабрланувчига ўтказилган тазйиқ, дўқ-пўписа, жисмоний йўқ қилиш билан қўрқитиш ва бошқа ҳолатлар;

в) жабрланувчи йўқотган моддий мулкнинг кўпроқ қисми шубҳали даромадлар эвазига келганлиги;

г) ҳуқуқ-тартибот идораларидаги қоғозбозлик, кўрсатма ва сўроқ бериш учун жабрланувчини қайта-қайта чақириш, уни соатлаб кутишга мажбур қилиш.

4. мулкка тажовуз билан боғлиқ жиноятларнинг ўғирлик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик каби турларининг фош этилиш даражаси пастлиги. Бу турдаги жиноятларни содир этувчилар кейинги

пайтларда замонавий асбоб-анжомлар ва техник воситалар билан қуролланганлиги, жиноят объектини олдиндан ўрганиб, жиноятни режали равишда амалга оширишлари, жиноят изларини жуда усталик билан яшириш техникасини эгаллаб олганликлари билан характерлидир. Бу турдаги жиноятларнинг кўп қисми аҳоли зич яшайдиган, кўпқаватли турар-жойлари мавжуд бўлган туман марказлари ва шаҳарларга тўғри келади. Чунки бундай жойларда бегона шахсларни илғаб олиш қийин.

## §4. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий ташкилий омиллари

Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий ташкилий омиллари деганда, биз шу турдаги жиноятчиликка қарши курашни бошқариш соҳасидаги камчиликларни тушунамиз:

1). Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг очилиш даражасининг жуда ҳам пастлиги.

2. Жиноят-қидирув хизматининг иқтисодий жиноятлар билан шуғулланувчи бўлинмаларида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар билан махсус шуғулланувчи (профессионал) гуруҳларнинг мавжуд эмаслиги.

3. Турли хил ҳуқуқ-тартибот хизматлари ўртасидаги мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш соҳасидаги ўзаро мувофиқликнинг етишмаслиги.

4. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларни олдиндан тахминлаш, таҳлил қилиш ва унга қарши чораларни қўллаш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

5. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан юзага келадиган янги жиноятларга қарши махсус кураш олиб бориш учун тубандаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашнинг йўлга қўйилмаганлиги:

а) компьютер технологиялари бўйича;

б) қимматбаҳо қоғозлар муомаласи бўйича;

в) кредитлар ва суғурта муомалалари бўйича;

г) янгича электрон тўлов воситалари (масалан, пластик карточкалар) бўйича;

6. Қонун чиқарувчи идораларнинг мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги суст ҳаракати. Бозор иқтисодиётининг тез ўзгариб боришини назарда тутиб ва чет эл тажрибасини ҳисобга олиб шу нарсани аниқ айтиш мумкинки, маълум бир поғонада маълум бир жиноятларнинг келиб чиқиш эҳтимоли кучаяди. Масалан, ҳозирги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган муаммолардан бири - бу жиноий йўл билан топилган даромадларни қонунийлаштиришга қарши курашдир. Жаҳондаги давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг гуркираб ривожланиши, ўзаро борди-келдилардаги енгилликлар бир томондан шу мамлакатларнинг юксалишига хизмат қилса, иккинчи томондан жиноий элементларнинг ҳам кириб келишига имкон туғдириб, чегара ва божхона назоратини қийинлаштиради. Ҳали МДҲ давлатларининг бирортасида ҳам жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш («ювиш»)га қарши қонун қабул қилинган эмас. Худди шу фикрни компьютер технологияларидан ноқонуний фойдаланиш орқали содир этиладиган жиноятлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Бундан ташқари, бозор тамойиллари такомиллаша борган сари, солиқ соҳасидаги қонунлар ҳам шунга қараб ўзгара бориши керак. Бу соҳада ҳозирданоқ компьютерлаштирилган дастур асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларини назорат этиш тизимларини жорий қилиш лозим.

## III боб юзасидан хулосалар

1. Иқтисодий жиноятчиликни **келтириб чиқарувчи омиллар** бизнинг Республикада ҳам мавжуд. Ўрта ва кичик тадбиркорлик, ўз ривожланиш даражасига кўра, ҳозирча ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусийлаштирилиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилганлиги натижасида бўш қолган

аҳолининг бир қисминигина иш билан таъмин этиши мумкин. Қолган қисмининг баъзилари эса, табиийки ўз оиласини тебратиш мақсадида билиб-билмай жиноий тўдаларга, шу жумладан гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар, баъзи ҳолларда ҳатто, экстремист-қўпорувчи тўдаларга ҳам қўшилиб кетаётганликлари тажрибадан маълум. Демак, ишсизликни ҳам жиноятчиликка туртки бўладиган омиллардан бири сифатида санашимиз мумкин.

Асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин

1. **Қонунчиликнинг жиноятларнинг янгича турларига нисбатан пассивлиги**. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ривожланиш босқичлари бўйича жиноятчиликнинг илгарилари учрамайдиган ёки кам учрайдиган турлари пайдо бўла боради.

Жиноят олами ҳар қандай шароитга мослаша олади ва қонунларнинг кучсиз жиҳатларини ўз манфаатлари учун хизмат қилдиришга ҳаракат қилади. Бу нарса жаҳон амалиётидан маълум. Бизнинг бозор шароитига ўтиш моделимиз ўзига хос бўлганлиги билан, унда барибир бошқа ривожланган давлатлар тажрибаларининг кўпгина элементлари мавжуд. Уларни ҳисобга олинадиган бўлса, ривожланиш босқичларига кўра, жиноятчиликнинг пайдо бўлиши кутилаётган турларини **олдиндан илмий асосланган усулларда тахминлаб**, унга қарши қонунларни ишлаб чиқиш мумкин. Лекин амалда бундай жиноятлар илдиз отиб, жамиятга маълум даражада зиён етказиб улгурганидан кейингина унга қарши қонунлар ишлаб чиқилмоқда.

2. **Солиқ соҳасидаги қонунларнинг номукаммаллиги**. Конституция ва қонунларда солиқларни тўлаб бориш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги белгилаб қўйилган бўлса ҳам, ҳали-ҳанузгача солиқ тўлашдан бўйин товлайдиган шахслар, корхона ва фирмалар раҳбарлари кўпчиликни ташкил этаётир. Бу

эса охир-оқибатда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллардан бирига айланиши мумкин.

3. **Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий йўл билан топилган даромадларни ноқонуний ўзлаштирганлик учун жавобгарлик тўғрисида» ги Қонунининг мавжуд эмаслиги.** Бозор муносабатлари шаклланишининг юқори босқичига кўтарилаётган ҳозирги шароитда чет мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари, хусусий тадбиркорлар билан иқтисодий алоқалар тобора юксалиб, ўзаро манфаатли тус олиб бормоқда. Лекин, таассуф билан шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ўзини тадбиркор деб билган айрим кимсалар у арга давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароит ва енгилликлардан жиноий мақсадларда фойдаланишга уриниши ҳоллари ҳам юз бермоқда. Бунинг оқибатида мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб келиниши мумкин бўлган товар ва хом ашёлар аслида иқтисодиётимизнинг юксалишига эмас, балки унинг банк, молия, кредит ва солиқ тизимлари ишининг чигаллашишига, охир-оқибатда эса миллий валютамизнинг қадрсизланишига олиб келади.

2. Биз бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги кузатишларимиз асосида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг **психологик омиллари** қуйидагилардан иборат, деган хулосага келдик:

1. Кўпчиликда иқтисодий жиноятчиликнинг кўп турларига, қонун билан тақиқланган фаолиятларга нисбатан, унинг жамиятга эртами-кечми, зиён етказиши мумкинлигини англаб ё англамаслиқдан, лоқайдлик кайфияти юзага келган. Бу нарса жиноятга жазо муқаррарлиги шароитида жазосизлик муҳитини, яъни жиноятни содир этувчида ўз манфаатини ўзгалар манфаати ва ҳатто қонундан устун қўйиши психологиясини вужудга келтиради.

2. Баъзи матбуот нашрларида, хусусан, Россия матбуотида зўр бериб баъзи мулк билан боғлиқ жиноятлар юзасидан ваҳимали шов-шувларнинг кўтарилиши, аслида эса ҳисобга олинган шу турдаги жиноятлар миқдорининг ярмини ҳам ташкил этмаслиги. Бизнинг назаримизда бундай чиқишлар

аҳоли фикрини жамият учун кўпроқ зарар етказадиган бошқа каттароқ жиноятлардан чалғитиш ёки баъзи жиноятлар назоратдан чиқиб кетган, деган фикрни туғдириб, бу билан ҳуқуқ-тартибот идораларини обрўсизлантириш, уларга нисбатан аҳолининг ишончини сусайтириш учун криминал доиралар томонидан атайлаб уюштирилган бўлиши ҳам мумкин.

3. Жабрланган аҳоли кўпчилик қисмининг ҳуқуқ-тартибот идораларига ёрдам сўраб кеч мурожаат этиши ёки умуман мурожаат этмаслиги. Бундай ҳолат ҳам жиноятга мойил шахсларни рағбатлантирувчи омиллардан биридир. Унинг сабаблари, бизнингча қуйидагича бўлиши мумкин:

а) жабрланувчи йўқотган моддий мулкнинг нисбатан катта миқдорда эмаслиги;

б) жабрловчи томонидан жабрланувчига ўтказилган тазйиқ, дўқ-пўписа, жисмоний йўқ қилиш билан қўрқитиш ва бошқа ҳолатлар;

в) жабрланувчи йўқотган моддий мулкнинг кўпроқ қисми шубҳали даромадлар эвазига келганлиги;

г) ҳуқуқ-тартибот идораларидаги қоғозбозлик, кўрсатма ва сўроқ бериш учун жабрланувчини қайта-қайта чақириш, уни соатлаб кутишга мажбур қилиш.

4. мулкка тажовуз билан боғлиқ жиноятларнинг ўғирлик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик каби турларининг фош этилиш даражаси пастлиги. Бу турдаги жиноятларни содир этувчилар кейинги пайтларда замонавий асбоб-анжомлар ва техник воситалар билан қуролланганлиги, жиноят объектини олдиндан ўрганиб, жиноятни режали равишда амалга оширишлари, жиноят изларини жуда усталик билан яшириш техникасини эгаллаб олганликлари билан характерлидир. Бу турдаги жиноятларнинг кўп қисми аҳоли зич яшайдиган, кўпқаватли турар-жойлари мавжуд бўлган туман марказлари ва шаҳарларга тўғри келади.

**3.** Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг асосий **ташкилий омиллари** деганда, биз шу турдаги жиноятчиликка қарши курашни бошқариш соҳасидаги ютуқлар билан бир қаторда,

баъзи йўл қўйилаётган камчиликларни тушунамиз:

1. Мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг очилиш даражасининг жуда ҳам пастлиги.

2. Жиноят-қидирув хизматининг иқтисодий жиноятлар билан шуғулланувчи бўлинмаларида мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар билан махсус шуғулланувчи (профессионал) гуруҳларнинг мавжуд эмаслиги.

3. Турли хил ҳуқуқ-тартибот хизматлари ўртасидаги мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш соҳасидаги ўзаро мувофиқликнинг етишмаслиги.

4. Мулкка тажовуз қилиш билан боглиқ жиноятларни олдиндан тахминлаш, таҳлил қилиш ва унга қарши чораларни қўллаш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги.

5. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан юзага келадиган янги жиноятларга қарши махсус кураш олиб бориш учун тубандаги соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашнинг йўлга қўйилмаганлиги:

а) компьютер технологиялари бўйича;

б) қимматбаҳо қогозлар муомаласи бўйича;

в) кредитлар ва суғурта муомалалари бўйича;

г) янгича электрон тўлов воситалари (масалан, пластик карточкалар) бўйича;

6. Қонун чиқарувчи идораларнинг мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги суст ҳаракати.

**4.** Қачонки, жамиятда **нақд пулнинг улуши** юқори даражада бўлар экан, иқтисодий жиноятчилик даражаси ҳам шунга яраша бўлиши ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан маълум. Шунинг учун хўжалик юритиш механизмларини янада такомиллаштириш, жумладан, **нақд пулсиз ҳисоб-китобларга ўтиш** орқали ҳам иқтисодий жиноятларнинг камайишига эришиш мумкин, деб ўйлаймиз.

## IV боб. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА БУ КУРАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ БАЪЗИ УСЛУБЛАРИ

### §1. Иқтисодий жиноятчиликнинг уюшган турларига қарши курашда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятининг вазифалари

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш учун, энг аввало ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, иқтисодий муомала маданиятини шакллантириш лозим бўлади. Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик жамиятни қуриш концепцияси хусусий мулкчиликнинг ривожлантирилиши билан бир қаторда, хўжалик, бошқарув ҳуқуқий механизмларнинг тобора такомиллаштириб борилишини ҳам кўзда тутади. Бу, албатта узоқ давом этадиган жараён бўлиб, эртами-кечми, барибир шундай даражага эришилади. Лекин ҳозирги ва бундан кейинги яқин йиллардаги шароитларда иқтисодий жиноятларга йўл қўймаслик чоралари борми? -деган савол туғилади.

Иқтисод устуворлик қиладиган жамият, бизнингча, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳам устувор бўлишини талаб қилади. Маълумки, иқтисодий жиноятчилик, унинг келиб чиқиши ва

қонуниятлари илмий жиҳатдан энг кам ўрганилган соҳалардан биридир. Ҳозирги давр тақозосига кўра уни илмий асосда чуқурроқ ўрганиш, ундан келиб чиқадиган хулосаларга, тахминларга таяниб янги қонунларни қабул қилишга тавсия бериш мумкин.

Бундан ташқари, маълум даврдаги ижтимоий-иқтисодий шароит тақазосига кўра жиноятчиликнинг у ёки бу кўринишининг кучайиши эҳтимолига асосланган ҳуқуқий механизмларни ишга солиш ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдаги муҳим омиллардан саналади.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари иш услубларини такомиллаштириш, уларнинг бу соҳадаги ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, улар таркибида иқтисодий жиноятчиликка қарши курашувчи ва маълумот-таҳлил ишларини олиб борувчи махсус профессионал гуруҳларни ташкил қилиш юқори самаралар бериши аниқ. Бундан ташқари, иқтисодий жиноятларнинг, умуман жиноят оламининг янги иқтисодий-ижтимоий шароитлардаги сифат ўзгаришларини назарда тутган ҳолда ҳуқуқ-тартибот идораларининг оператив ва тактик (айниқса, оператив-қидирув) фаолиятларини такомиллаштириб бориш ҳам, бизнингча яхши самаралар беради.

Шу сабабли қуйида биз иқтисодий жиноятчиликни аниқлаш, олдини олиш ва фош этишда аҳамияти катта бўлган ички ишлар идоралари томонидан олиб бориладиган оператив фаолият масалаларига бир оз тўхталишни лозим топдик.

Оператив-қидирув ҳаракатларининг ҳар қандай кўринишида (оператив-қидирув, оператив-текширув ва оператив-профилактик тадбирлар) барча ҳолатларда уюшган жиноий фаолият белгиларини излаш, унинг кўламларини, гуруҳ аъзолари сонини аниқлаб, алоқаларини ўрганиш керак бўлади. Уюшган жиноятчиликнинг келиб чиқиши, тузилиши, амал

қилиш механизмлари ва заҳираларини ўрганиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тактик дунёқарашларини кенгайтиришга, уюшган жиноятчиликнинг фаол ўчоқларини йўқ қилиш бўйича реал имкониятларни юзага чиқаришга кўмаклашади.

Жиноий фаолият, жиноятдан ташқари, жиноий қонунлар таъсир доирасига кирмайдиган, лекин эътибор қаратишни тақозо этадиган, пировардида жамият учун хавфли оқибатларга олиб келувчи одат, муомала, ҳаракат каби ҳолатларни ҳам ўз ичига олади. Гап шундаки, кўпгина бундай ҳолатлар (одат, муомала, таъсир, анъана, жиноят оламининг «ёзилмаган қонунлари») жиноий ташкилотларнинг амалда бўлиши ва ривожланиши учун ўзига хос кўринишни, яъни уларнинг ўз олами, ўз муҳитини вужудга келтиради. Бу «муҳит»нинг аниқ бир жиноят билан алоқасини ҳеч бир жиноят таркиби ўз ичига олмайди. «Муҳит» эса жиноий ҳаракат ижрочиларининг одатларига, тергов ва суд ҳаракатларига, жазони ўташга ўз таъсирини ўтказади.

Жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган оператив-қидирув фаолиятининг муваффақиятли олиб борилиши учун «рақиб»ни етарли даражада чуқур ўрганиш талаб этилади. Унинг назарий жиҳатлари уюшган иқтисодий жиноятчиликка доир маълум бўлган ҳамма нарсани таҳлил этиш орқали оператив ходимларда жиноий ташкилотларнинг тармоқлари ва «бўлинма»лари ўртасидаги муносабатлар тизими уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги оператив-қидирув фаолияти учун аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий институтлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имкониятларини яратади.

Оператив-қидирув тактикасини, яъни уни амалга ошириш бўйича белгиланадиган тадбирларни ишлаб чиқишнинг асосини, табиийки, турли хил манбалардан олинадиган ахборотлар, хабар ва маълумотлар ташкил қилади. Шундай экан, бундай ахборотларни олиш,

қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлиллаш услубларини, шунингдек унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, илмий-назарий билимлар билан бойитиш, техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, бу соҳада ҳам янги, замонавий технологияларни жадаллик билан қўллаш талаб этилади.

Бу соҳадаги яна бир муҳим жиҳат - иқтисодий жиноятчилик бўйича ахборотлар билан иш кўрадиган махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласидир. Чунки ҳозирги шароитда, ахборотларнинг турлари ҳам, миқдори ҳам, олиниш манбалари ҳам ҳаддан зиёд кўп ва хилма-хил эканлиги, шу билан бирга бугунги кунда жиноят оламининг ҳам энг янги ва энг замонавий техник воситалар билан қуролланганлик даражаси ўсиб бораётганлигини инобатга олмасдан туриб, бизнингча, иқтисодий жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш, амалда мумкин эмас.

## §2. Иқтисодий жиноятчиликнинг уюшган турларини аниқлашда ҳуқуқ-тартибот идораларининг имкониятлари ва унга криминологик ёндашув принциплари, иқтисодий жиноятчиликни илмий асосда тахминлаш

Юридик фанларнинг асосий тармоқларидан бўлган криминология фани ички ишлар идоралари фаолиятининг асосий предметлари бўлган жиноятчилик, унинг сабаблари, жиноятчи шахсининг барча (ҳуқуқий, ижтимоий, психологик) қирралари, барча якка тартибдаги ва гуруҳий жиноий одатларнинг мураккаб механизмини ўрганади. Криминологиянинг барча категориялари уюшган жиноятчилик юзага келтирадиган кўпсонли ҳолатлар тўғрисидаги чуқур билимларни акс эттириши сабабли, оператив-қидирув

фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда унинг тактикасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Криминология назариясида таърифлари аниқланган жиноятчиликнинг тузилиши, кўринишлари ва турлари (рецидив, вояга етмаганлар жиноятчилиги, гуруҳий, касбий ва уюшган жиноятчилик) ҳақидаги билимлар ички ишлар идоралари фаолиятининг субъектлари тузилишини ҳамда фаолиятнинг қайси тармоқлар ёки алоҳида йўналишлар бўйича олиб борилиши мақсадга мувофиқлигини белгилаб беради[81] .

Бу ҳали ички ишлар идоралари қидирув фаолиятини ташкиллаштиришда криминологик тавсифлардан фойдаланишнинг биргина жиҳати, холос. Бундай ташкиллаштирувнинг муҳим элементи - оператив-қидирув фаолият субъектлари амалда бўладиган барча босқичларда оператив ҳолатни баҳолай олиш ҳисобланади. Бундай баҳо, албатта уюшган жиноятчиликнинг криминологик таҳлили, ҳолати, тузилиши ва ривожланиши, шунингдек у билан сабабий боғлиқ бўлган маҳаллий, регионал, географик, демографик, иқтисодий ва ижтимоий-психологик омилларни ўз ичига олиши керак.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари оператив фаолиятининг асосий категорияларидан бири -бу тактика бўлиб, фақат угина қидирув тадбирларининг турлари, мазмуни ва изчиллиги, ўтказилиш жойи ва вақти, ўтказилиш жадаллиги каби кўрсаткичларни белгилаб олишга имкон беради.

Қидирув тактикаси оператив аппаратларнинг уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги кўп йиллик тажрибаларини ўзида мужассамлаштиради, яъни

---

[81] **Миренский Б.А.** Вопросы квалификации преступлений органами внутренних дел. Т., 1980. - 68с.; Правоохранительные органы Республики Узбекистан. - Т.: Адолат., 1998. - 239с.; **Якубов А. С.** Предпосылки правовой реформы в Республике Узбекистан. - Т.: Академия., 1994. - 53с.; **Зарипов З.С., Асямов С.В.** Борьбе с преступностью - новые формы работы (обзор положительного опыта работы УВД Бухарского облхокимията). - Т.: ВШ МВД., 1994. - 22с.; **Рустамбаев М.Х.** Закон и общественная безопасность. Т.: Узбекистан, 1990. - 75с.;

барча анъанавий элементларни сақлаган ҳолда улар олиб борадиган операцияларнинг муваффақияти, стратегия ва тактика соҳасида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар, шунингдек, жиноят оламининг барқарорлик, яшовчанлик, шароитга мослашувчанлик ва ўз қиёфасини ўзгартириш қобилиятлари ва шу каби бошқа комплекс факторларни назарда тутади.

Қидирув тактикаси ўз мазмунига кўра қуйидаги ҳолатларга эътибор беришни тақозо қилади:

- оператив-тактик ҳолатни, ўз кучлари, воситалари ва имкониятларини, мухолиф томон -жиноят муҳитининг куч ва сифатларини баҳолай олиш;

- оператив ходимларнинг ва биргаликда ҳаракат қилаётган бошқа хизматларнинг ҳаракат шаклини, ўзини тутиш доирасини танлаш;

- ҳаракат оқибатлари, унинг ўтказилиш доираси, вазиятга қараб режага ўзгартишлар киритиш (қўшимча ёрдам олиш ёки олмаслик);

Агар юқорида қайд этилган элементларнинг барчасини умумлаштириб оладиган бўлсак, қидирув тактикаси деганда, бизнинг фикримизча, оператив-тактик фаолиятнинг шундай категориясини, яъни ходимнинг жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва қидирув ишларини олиб бориш мақсадидаги ҳаракати шаклини, ўзини тутиш доирасини танлаш учун лозим бўладиган оператив-тактик ҳолатни, ўз кучлари, воситалари ва имкониятларини, мухолиф томоннинг куч ва сифатларини баҳолаш бўйича фикр юрита олиш қобилиятини тушуниш мумкин.

Оператив-тактик фаолият ёрдамида қуйидагилар таъминланиши лозим:

- аниқ шахс ва гуруҳларнинг жиноий фаоллиги, жиноят содир этилганлиги ва унга алоқадор бўлган шахслар тўғрисидаги дастлабки маълумотларни олиш ва тўғри ёки нотўғрилигини текшириш;

- жиноятдан хабардор бўлган шахсларни, айбни исбот этиш учун зарур бўлган предмет ва маълумотлар -жиноий йўл билан топилган мулк, пул маблағлари ва бошқа объектларни топиш ва сақланишини таъмин қилиш;

- жиноятчиларнинг шахсини, дастлабки суриштирув, тергов ва суд органларидан қочиб юрган шахсларнинг қаерга яширинганлигини аниқлаш;

- қонунларда кўзда тутилган тартибда оператив-тактик фаолиятни олиб бориш учун зарур бўлган бошқа хусусий вазифалар ечимларини амалга ошириш;

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тактикаси иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида тармоқланган ҳолда ҳаракат қилувчи жиноий гуруҳлар; бандитизмга қарши кураш; рецидивистларни оператив кузатиш; террористик ташкилотларда яширин иш олиб бориш, уларни аниқлаш ва текшириш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш ҳамда танқидий фикрлашга асосланади.

Бу тажрибаларнинг барчаси рақиб томонни чуқур разведка қилиш, ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг фаоллик даражаси, жиноий йўналиши («ранги»), контрагентура тадбирларини ўтказиш имкониятларини ҳисобга олади.

Иқтисодий жиноятчилик бўйича қидирув ва профилактик тадбирларни ҳамда уларни амалга ошириш тактикасини белгилашда тахминлаш (прогноз)нинг ўрни ва роли беқиёсдир. Воқеа-ҳодисалар ривожига кўра унинг оқибатини олдиндан кўра билиш ўзи инсонга хос хусусият. Лекин биз кўраётган ҳолатда унга комплекс ёндошиш, ҳолат, ҳолатлар мажмуи, факторлар жамланмасини баҳолаш, таҳлил қилиш, турли вариантдаги моделлар ичидан эҳтимолга энг яқин бўлганини танлаб олиш талаб этилади. Бундай шароитда қуйидаги функцияларни бажаришга тўғри келади:

- танлаб олинган объект (воқеа-ҳодиса)нинг ташқи таъсир остида ўз характерини ўзгартиришини аниқлаш;

- мақсади ва уни амалга ошириш воситалари маълум бўлган ҳолда маълум ҳаракат таъсирида танлаб олинган объект (воқеа-ҳодиса)нинг ҳолат ўзгаришини таҳлил қилиш;

- мақсадни амалга ошириш учун ҳолат характерини аниқлаш;

- асосий мақсадни амалга ошириш учун хусусий қарорга келиш.

Иқтисодий жиноятчиликни тахминлашда, бизнингча, аввало уни келтириб чиқариши мумкин бўлган шарт-шароит (алтайлик, биронта савдо корхонасини ёки бозорни очиш тўғрисидаги фармойиш, фармон, қарор ва ҳоказолар), шу соҳага тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ожизроқ томонлари, маълум шароитда жиноятчининг эҳтимол тутилажак ҳатти-ҳаракати ва жиноятни амалга ошириш воситалари, кузатилаётган объектга (воқеа-ҳодисага) ўхшаш чет давлатлардаги бошқа объектлардаги жиноятчилик каби маълумотлар ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилиш орқали жиноятчиликнинг содир этилиши мумкин бўлган турли хил вариантлари ўртага ташланади ва улардан энг мақбул топилгани, яъни содир этилиши эҳтимолга кўпроқ яқин бўлгани танлаб олинади. Бу нарса қонунчиликни такомиллаштиришда, жиноятларни фош этиш, уларнинг олдини олиш учун оператив-тактик ёки профилактика тадбирларини белгилаш чоғида, айниқса катта аҳамият касб этади.

Қидирув тактикасини белгилашда уюшган жиноий тузилмаларга айнан хос бўлган қаршилик кўрсатиш тактикаси даражасини ўрганиш ва ҳисобга олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай тузилмалар тактикаси даражаси уларнинг фаолият кўламларига кўра аниқланади ва асосан уч турга бўлинади[82]:

1. Якка тартибдаги. Бу тактика уюшган жиноий тузилмалар аъзоларининг жиноий тажрибасига асосланади ва унга, жумладан қуйидагилар киради: атрофни кузатиш, манзилларни ўзгартириш, жиноий йўл билан қўлга киритилган қурол-яроғ, пул ва қимматбаҳо буюмларни «ишончли» жойга беркитиш, ўз шахсига тегишли бўлган жиноят излари ва ашёвий далилларни йўқотиш.

2. Гуруҳли тартибдаги. У гуруҳ манфаатларини инобатта олишга асосланади. Бу тактикада иккита

---

[82] **Овчинский С.С.** Оперативно-розыскная информация. - М.: ИНФРА-М, 2000 г. С 276-277.

асосий мақсад кўзда тутилади:. биринчиси -гуруҳ аъзолари ўзларини фош этмайдиган тарзда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам жиноий мақсадга эришиш иккинчиси -жиноий гуруҳ ёки тузилманинг амалда бўлиш муддатларини мумкин қадар узайтириш, ҳатто янада ривожланиш ва чуқуррок илдиз отишини таъмин этиш.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун рақобатда бўлган бошқа жиноий гуруҳлар фаолияти юзасидан фаол разведка ишлари, шунингдек ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан контрразведка ишлари олиб борилади. Ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан контрразведка ишларида қуйидагилар назарда тутилади: унинг ходимларини жиноий фаолиятга жалб этиш, яширин аппаратга суқилиб кириш, ўз ичидаги агентурани аниқлаш, жиноятчилар изига тушган ва муваффақиятли иш олиб бораётган оператив ходим, терговчи ва прокурорларни обрўсизлантириш чораларини кўриш.

3. Корпоратив тартибдаги. Бу даражадаги тактика уюшган жиноятчиликнинг мураккаб тузилмаларига хос бўлиб, у жиноий уюшманинг ўз мавқеини мустаҳкамлашига қаратилган. Унинг асосий мақсадлари -ҳомийларни излаб топиш, уларни ҳал қилувчи давлат бошқаруви идораларига тиқиштириш, жиноий корпорациянинг давлат аппаратида таъсир ўтказиш имкониятини яратиш.

Бу даражадаги тактиканинг асосий услуби - мансабдор шахсларни ўз томонига оғдириб олишдан иборат. Лекин, улар ҳар хил сиёсий сафсатабозлик, тарихий келишмовчиликлар, миллатчилик характеридаги мафкура, маҳаллий ва марказий ҳокимият идораларининг йўл қўядиган айрим хатоларидан ҳам унумли фойдаланишлари кузатилган.

Оператив-қидирув фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун уюшган жиноий гуруҳлар ва айрим жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, жиноий ҳаракатларнинг қайта такрорланиши ва даврийлиги каби принципларга асосланган илмий тахминлашнинг аҳамияти юксак. Шунингдек, тахминлашда олдиндан кўра билиш хусусияти жуда муҳимдир. Бунда турли

хил ижтимоий ҳодисалар ва ҳолатларнинг диалектика нуқтаи-назаридан узвий боғлиқлиги, статик қайтарилиши ёки навбати билан такрорланиши каби қонуниятларга асосланган мантиқий белгилар ёрдамида ё конкрет воқеанинг бошланишини (қатъий тахмин) ё шундай воқеаларнинг бир нечта эътиборга молик вариантини (альтернатив тахмин) тахминлаш мумкин.

Олдиндан кўра билишнинг ҳам бир неча хил турлари мавжуд:

1.Воқеанинг бошланишини у ёки бу ҳолатнинг оддий такрорланиши асосида олдиндан кўра билиш. Бу усул кузатилаётган ҳолатлар ўртасидаги боғлиқликка асосланади. Масалан, кузатилаётган объектда ҳар куни куннинг маълум вақтида у ёки бу шахслар пайдо бўлади ва уларнинг алоқаларини кузатиш имконияти мавжуд. Шунга кўра, олдиндан кўра билиш қидирув тадбири ўтказилиши шароитида ҳам худди шу ҳолатнинг такрорланиши эҳтимолини назарда тутади.

2.Ўхшаш ҳолатлар (аналог) бўйича олдиндан кўра билиш. Маълумки, инсон ўз характерига кўра, маълум бир шароитда ўзини бир хил тутади. Бу усул жиноятчининг қайси вақтда ва қайси усулда ҳаракат қилишини тахминлашда қўл келади ва асосан, фирибгарлар, талончиларни қўлга олишда катта самара беради.

Бундан ташқари, бу усул илгари маълум бир ҳаракати учун жиноий жазо муддатларини ўтаб қайтган, лекин яна жиноят қилишга мойиллиги бўлган шахслар устидан профилактик кузатувларни йўлга қўйишда ҳам кенг қўлланилади.

3.Объектнинг ўзига хос жиҳатлари асосида олдиндан кўра билиш. Воқеанинг бошланишини у ёки бу ҳолатнинг оддий такрорланиши асосида олдиндан кўра билиш усули, айниқса кишилар ҳаракатини тахминлашда ҳар доим ҳам аниқ натижаларни беравермайди. Чунки, кишилар характеридаги шахсий ўзига хослик баъзи ҳолларда бир хил шароитларда ҳам ҳар хил ҳаракат қилиши мумкинлигини келтириб чиқаради.

Масалан, барча илгари оғир жиноят учун судланган шахслар ҳам яна жиноят содир этавермайди, ҳамма ишсизлар ҳам жиноят кўчасига киравермайди, ҳамма қаровсиз ўсмирлар ҳам ўғирлик қилавермайди ва ҳоказо.

Шунинг учун бу усулни қўллашда шахснинг мутлақ ўзига хос жиҳатлари (ижтимоий тажрибаси, билим даражаси, жисмоний жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар, касбий маҳорати ва бошқалар) ҳисобга олинади. Агар усул уюшган гуруҳга нисбатан қўлланиладиган бўлса, унда гуруҳга хос жиҳатлар (гуруҳ неча кишидан иборатлиги, ички ва гуруҳлараро алоқаларнинг мавжудлиги, тармоқланиши, гуруҳли жиноят тажрибаси, техник жиҳатдан ва қурол-яроғ билан таъминланганлиги ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Объект (шахс, гуруҳ)нинг ўзига хос жиҳатларини чуқур ўрганиш унинг бўлажак ҳаракатини тахминлашда аниқликка эришишни таъминловчи ҳолатлардан саналади. Бунда мумкин бўлган барча очиқ ва яширин маълумот манбаларидан фойдаланиш лозим. Шу йўл билан энг турғун ҳолатлар (одатлар, алоқалар, малакалар), ҳаракатларнинг, ҳаётий циклнинг такрорланиши (жиноий ҳаракат даврининг фаоллашув ёки сусайиш даври) аниқланиб, тахминлар тузилади ва тадбирлар белгиланади.

## §3. Иқтисодий жиноятчиликнинг уюшган турларига қарши курашда ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятининг ахборот таъминоти

Иқтисодий ва уюшган жиноятлар юзасидан олиб бориладиган оператив-тактик тадбирларнинг самарадорлиги жиноий фаолият тўғрисида олинган маълумотларнинг келиб чиқиш манбаи ва шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки уюшган жиноятчилик муҳити фактлар, воқеалар, ҳолатларни ўз ичига олувчи турли-туман алоқалар, муносабатлар ва қилмишлардан иборат.

Лекин, жиноятчиларнинг жиноий мақсадлари, қизиқишлари, ҳаракатлари тўғрисидаги олинадиган

маълумотлар қабул қилинган классификацияга (илмий, билимлар соҳалари бўйича, эмпирик, фаолият турлари бўйича ва ялпи) кўра ва жиноий ҳуқуқ, криминология, криминалистика, оператив-қидирув фаолияти назарияси фанлари нуқтаи назаридан кам ўрганилган соҳалардан ҳисобланади.

Биз ўз номзодлик диссертациямиз бўйича олиб борган тадқиқотларимизда компьютерларга жойланган ахборотлардан жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этишда фойдаланиш масалаларига кенг тўхталган эдик. Бугунга келиб бу масаланинг аҳамияти янада ошди. Чунки информацион технологиялар ҳозирда юқори даражада ривожланиб, барча тоифадаги кишилар, шу жумладан, жиноий ҳаракатларга мойил шахслар, уюшган жиноий гуруҳлар фойдаланиши мумкин бўлган соҳага айланиб бормоқда, шуларнинг баробарида ундан фақат жиноий мақсадларни амалга ошириш учунгина эмас, балки жиноятчилар томонидан ҳуқуқ-тартибот идораларини чалғитиш учун фойдаланиш имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Шунинг учун тўпланган ахборотларнинг ҳимояланишини[83], айни пайтда маълумотларнинг ёғилиб келувчи турли-туман оқимидан кераклисини, фойдалисини, илмий тил билан айтганда «қимматлисини» ажратиб олиш ҳам муҳимдир.

Албатта, ахборотнинг қиммати оператив-қидирув фаолиятининг ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқ. Россиялик тадқиқотчи А.Д.Урсулнинг ёзишича[84], «Энг умумий деб олинган ҳолатда ҳам, ўйлаш мумкинки, қимматлилик мақсадга эришиш даражаси билан ўлчанади. Амалга оширилган ишнинг қўйилган мақсадга яқинлиги - мана қимматлиликнинг энг умумий белгиси». Бу нарса оператив-қидирув

---

[83] **Саутин А.** Компьютерная ахборот будет защищена в лучших традициях контрразведки.// Финансовые известия. - 1995, № 28 (157).

[84] **Урсул А.Д.** Информация (методологические аспекты). - М.: Мысль, 1971. С 126.

тадбирларини белгилашда табиий ҳол бўлиб, мақсад билан иш олиб бориш бу тадбирларнинг ҳаракат динамикасини, бошқарув фаоллигини таъминловчи омиллардан биридир.

Оператив-қидирув фаолияти амалиётида асосий ва қўшимча мақсад тушунчалари қўлланилади ва гарчанд, асосий мақсад муҳим ҳисобланса ҳам, улар бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда қаралади ва қўшимча мақсад кўпинча асосий мақсадни амалга ошириш учун хизмат қилади[85].

Айтайлик, жиноятни очиш жараёнида маълум бир шахс тўғрисидаги маълумотлар асосий бўлган ҳолда, унинг томонидан муайян вақт оралиғида содир этилиши мумкин бўлган жиноят тўғрисидаги маълумотнинг, гарчи жиноятни очиш билан шуғулланаётган оператив ходим учун аҳамияти катта бўлса ҳам (бундай маълумот мавҳумликни бирқадар йўқотади) асосий маълумотга нисбатан қиммати камроқ, деб ҳисобланади.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўйича оператив тадбирларни амалга ошириш чоғида иқтисодий шароит тўғрисидаги ҳамда оператив-қидирувга оид ахборотлардан биргаликда фойдаланиш керак бўлади.

Иқтисодий шароит тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги маълумотлардан тузилган бўлиши мумкин:

- ҳудуднинг иқтисодий-хўжалик ривожланиши - саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва транспорт объектларининг жойлашуви, меҳнат жамоаларининг сони ва таркиби, алоқа воситаларининг ҳолати, жамғарма кассалари, банклар ва шунга ўхшаш моддий бойликлар билан боғлиқ янги қурилишларнинг мўлжалланаётганлиги, уй-жой қурилишлари, аҳоли турли қатламларининг иқтисодий аҳволи, корхоналарнинг ишчи кучларига бўлган эҳтиёжлари, спиртли ичимликларни сотиш ва унинг истеъмолидаги ўзгаришлар ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотлар;

---

[85] **Овчинский С.С.** Оперативно-розыскная информация. - М.: ИНФРА-М, 2000 г. С 47.

- ижтимоий-маданий ҳолат - ўқув юртларининг сони ва турлари, педагоглар сони, кўнгилочар масканлар, кутубхоналар, маданият уйлари, спорт иншоотлари, болалар спорт мактаблари ва спорт майдончалари, катталар ва ўсмирлар учун мўлжалланган ёзги ва қишки ҳордиқ масканларининг сони, сиғими ва жойлашиши, шунингдек, маданий-спорт базаларидан фойдаланувчи маҳаллий фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар;

- тиббий ҳолат -руҳиятида ўзгаришлар кузатилган беморлар ва уларнинг ҳудуд бўйича жойлашуви;ароқхўр ва гиёҳванд шахслар; махсус даволаш муассасаларининг сиғими ва ўтказувчанлиги; даволанишдан бўйин товлаган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

- махсуслаштирилган муассасалар -ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари, даволаш-меҳнат профилакторийлари, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун махсус мактабларнинг сони, тури, жойлашиши ва сиғими тўғрисидаги маълумотлар;

- жиноятларнинг олдини олишда аҳамияти бор бўлган бошқа турдаги ҳолатлар, яъни Г.М.Миньковский таъбири билан айтганда, «жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга ўз таъсирини ўтказувчи асосий жараён, ҳодиса ва ҳолатлар комплексини аниқлаш имкониятини яратиш»[86].

Оператив-қидирув ахборотлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- ҳаракатдаги (маҳаллий ва гастролер) жиноятчилар тўғрисидаги маълумотлар;

- жиноий сабабларнинг фаол ҳаракат ўчоқлари тўғрисидаги маълумотлар: шаҳарнинг маҳалла ва мавзелари, қишлоқлар ва посёлкаларда, ароқхўрлик, гиёҳвандлик ва фоҳишабозлик масканларида ноижтимоий фаолликнинг кучаётганлиги, жамиятга қарши кайфиятда бўлган гуруҳлар мақсадлари бир-бирларига мос келаётганлиги, шахснинг шаклланишига

---

[86] **Миньковский Г.М.** Проблемы информационного обеспечения криминологического планирования // В сб.: Вопросы борьбы с преступностью.Вып.26. - М., 1977. С 77.

салбий таъсир ўтказувчи бошқа турдаги микрогуруҳларнинг пайдо бўлаётганлиги ва шу кабилар;

- рецидивистлар ва илгари судланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар: уларнинг сони, ҳаракати, маълум ҳудудда жойлашуви, ёши, жинси, илгари қилган жиноятининг оғирлиги, иш билан бандлиги ва ахлоқи бўйича классификацияси;

- вояга етмаган ҳуқуқбузарлар гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар: гуруҳларнинг жойлашуви, гуруҳлар йўлбошчилари, қандай йўналишдалиги;

- якка тартибдаги профилактика ишлари ўтказилиши лозим бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (уларнинг ижтимоий, ахлоқий, маданий, психологик характеристикалари, алоқалари ва ноижтимоий, ҳуқуқбузарлик фактлари);

- якка тартибдаги профилактика ишларининг ўтказилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар: бу ишларга тортилган шахсларнинг умумий сони, ҳатти-ҳаракатларнинг хавфлилик даражасига баҳо бериш бўйича сифатларни танлашдаги аниқлик, якка тартибдаги профилактика ишларининг мазмуни ва самарадорлиги;

- жиноятчиликка қарши курашда қатнашувчи кучлар тўғрисидаги маълумотлар (яширин ходимларнинг характеристикаси ва жойлашиш тартиби, уларнинг хабардорлик даражалари ва оператив-тактик фаоллиги).

Маълумки, жиноят олами ўз фаолиятига алоқадор бўлган ҳамма нарсани ниқоблашга ҳаракат қилади: молиявий лўттибозликлар, «пулдор»ларга ва бошқа объектларга бўлган қизиқиш, алоқалар, келишмовчиликлар, ҳисоб-китоблар, қуролланиш даражаси, сотиб олинадиган нарсалар ва ҳоказоларнинг маъноси, одатда, бу фаолиятнинг оддий ижрочиларидан сир тутилади.

Шундай бўлса ҳам, бундай маълумотлар, маълум даражада қуйидаги доираларга маълум бўлиши тажрибаларда аниқланган:

- гуруҳлар йўлбошчилари, ташкилотчилари ва бошқа жиноий фаолиятдан хабардор кишиларнинг интим алоқалари доирасида;

- жиноий гуруҳдаги ҳар қандай шахснинг оилавий-маиший ва қариндошлик муносабатлари доирасида;

- дам олиш, шу жумладан, синалган ва олдиндан танланган кишилар даврасида дам олишнинг ҳар қандай тури доирасида;

- дача қурилиши, квартирани қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш, шахсий автотранспортга техник хизмат кўрсатиш, қимматбаҳо буюмлар, тақинчоқлар, камёб озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш доирасида.

Шундай қилиб, тактиканинг биринчи қоидаси, бу - юқоридаги доираларни унда ўрганилаётган шахс қайси ҳолатда (доимий, вақтинча ёки қисқа муддатли) бўлишидан қатъи назар, синчиклаб ўрганиб чиқишдан иборат бўлади. Чунки, бу учала ҳолатда ҳам ўзига хос афзал томонлар ҳам, камчиликлар ҳам мавжуд.

Айтайлик, доимий алоқалар муҳитнинг ёпиқлигини келтириб чиқаради, чунки бунда мулоқот қилувчиларнинг бир-бирларини синашлари, уларни билиб олишлари учун имконият кенгроқ бўлади, бундай муҳитга ёриб кириш қийинроқ бўлади. Лекин бундай муҳитдаги шахслар кўпроқ маълумотга, ҳатто иккинчи ва учинчи ҳолатга тегишли маълумотларга ҳам эга бўлишлари ва бундай шахслар оператив-қидирув объекти бўлиб хизмат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, бундай муҳитда олиб борилган ишлар кўпроқ самарага эга бўлиши тажрибаларда аниқланган.

Мулоқот ёки алоқа вақтинчалик, айтайлик дам олишга чиққанда ёки чет эл сафари чоғида ҳам бўлиши мумкин. У одатда, тўсатдан, режага асосан уюштирилади ва кўпинча кузатувдаги шахс тўғрисидаги маълумотларни янада яхшироқ аниқлаш, унинг кейинги алоқалари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ёки кейинчалик мулоқотлар олиб бориш учун замин ҳозирлашга хизмат қилади.

Қисқа муддатли мулоқот ҳам олдиндан тайёрланган бўлиши мумкин. Масалан, кузатувдаги шахсга у ёки

бу хил мутахассис керак эканлиги маълум бўлиб қолди, дейлик. У ёки унинг топшириғига кўра шундай мутахассис излаб юрган бошқа шахс билан қисқа муддат суҳбатлашиш мобайнида оператив қидирувни қизиқтирувчи кўплаб маълумотларни, яъни кузатувдаги шахснинг турмуш шароити, оилавий муҳити, яқин ўртада яна қандай мутахассисга эҳтиёжи борлигини ва ҳоказоларни аниқлаш мумкин.

Маълумот олишнинг яна бир тури ҳам борки, уни ахборот назариясида «ижтимоий акс-садо» деб юритилади. Бу - у ёки бу жиноий гуруҳ тўғрисидаги, уларнинг рақобатчилари билан ўзаро келишмовчиликлари ёки жанжал-тўполонлари, «ҳисоб-китоблари» тўғрисидаги миш-мишлардир. Бу тур кўпроқ катта-кичик шаҳарларда фаолият олиб борувчи жиноий тўдаларга тегишли бўлиб, бундай миш-мишлар ўзида ҳақиқатни ҳам, нотўғри маълумотларни ҳам акс эттириши мумкин. Кўпинча бундай миш-мишларни ҳуқуқ-тартибот идораларини чалғитиш учун ёки ўз обрўларини кўтариш учун жиноий тўдаларнинг ўзлари атайлабдан тарқатишлари ҳам мумкин. Шунга кўра, бундай маълумотларни, албатта архив материаллари, шунингдек, тўда характери ва ахлоқи тўғрисидаги мавжуд тергов ёки бошқа турдаги материаллар асосида ўрганиш лозим.

Миш-мишлар ҳақиқатта яқин бўлганда ҳам, ёлғон бўлганда ҳам қидирув тактикаси учун фойдадан холи эмас. Чунки, у ҳақиқатни ифода этадиган бўлса, оператив-қидирув ишларини енгиллаштиради, ёлғон, атайлаб уюштирилган бўлса, демак жиноий гуруҳнинг фаоллиги кучаяётганлигини билдиради ва оператив-қидирув фаолиятини кучайтириш, ҳушёрликни ошириш кераклигидан далолат беради.

Маълумотларни ахтариб топиш - оператив-қидирув фаолиятининг асосий бўғинларидан саналади. Бунда, жиноий фаолликнинг маҳаллий минтақаларини аниқлаб, қайси жойдан маълумот олиш қулайлигини тахмин қилиш муҳимдир.

Уюшган жиноятчилик тўғрисида кўпроқ маълумот олиш мумкин бўлган ва жиноятчилар ўз сафларини

тўлдиришлари учун захира ҳисобланадиган муҳитлар, бизнингча қуйидагилардан иборат:

- жамиятга қарши фаолият юритувчи ноқонуний бирлашма (уюшма)лар;
- автотранспорт корхоналари ёки автомобилларга хизмат кўрсатувчи корхоналар;
- илгари судланган, қамоқдан чиққан ёки шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар тўпланадиган жойлар.

Қуйидаги муҳитларда, бизнингча, жиноятчилар кўпроқ «ўзларини кўрсатишлари», фаолликларини оширишлари мумкин:

- валюта, қимматбаҳо буюмлар, қадимий ашёларнинг, шунингдек автомобил ва бошқа техник воситаларнинг «қора бозори»;
- яширин пуллик ўйинлар муассасалари;
- ресторан, кафе, казино ва бошқа кўнгилочар жойлар;
- қимматбаҳо ва камёб нарсалар сотиладиган дўконлар.

Жиноятчиларга хизмат кўрсатувчи муҳит тубандагилардан иборат:

- фоҳишалар;
- қонуний кўнгилочар муассасалар хизматчилари;
- ҳаммом, бассейн, спорт комплекслари, кемпинг, пансионат, санаторий, меҳмонхона, туристик, савдо ташкилотлари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалар ходимлари.

Бундай жойларга кириб туриш орқали жиноий гуруҳлар ёки кузатувдаги жиноятчи тўғрисида маълумотларни жамлаш имкониятини кўпайтириш мумкин. Бунда оператив ходим ўз атрофига кўпроқ одамларни жалб қилишга, суҳбатлар мавзуларини хилма-хил қилиб тузишга ҳаракат қилиши керак. Бундай шароитда маълумот тўплаш ахборотларнинг ишончлилигини янада оширади[87].

Бундай жойларда жиноятчиларнинг яшаш шароити, пул сарфи, совга-саломлари, ўзаро муносабатларининг

---

[87] Овчинский С.С. **Оперативно-розыскная информация. - М.: ИНФРА-М, 2000 г. С 281.**

нозик жиҳатлари, объектга бўлган қизиқиши (разведка), ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан қизиқиши (контрразведка), аниқ шахсларга нисбатан бўлган қизиқиши (уюшган жиноий гуруҳга жалб қилиш мақсади) ва шунга ўхшаш муҳим маълумотларни қўлга киритиш учун имкониятлар кўпроқ бўлади.

## §4. Ахборотларнинг ҳаққонийлигини текширишнинг баъзи жиҳатлари

Дастлабки олинган ахборотларни баҳолашда «Ҳаққонийлик даражаси» тушунчасидан фойдаланиш унинг сифат характерини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Чунки, воқеа ёки ҳодисага гувоҳ бўлган кишиларнинг воқеликни қабул қилиш имкониятлари турлича бўлиб, у кишининг психологик жиҳатлари, ҳаётий тажрибаси, касби, ҳуқуқий билим даражаси ва шу каби кўплаб факторлар билан боғлиқ бўлади.

Кишиларни бир-бирларини тушуниш ҳолатлари ҳис-ҳаяжон ва тафаккурнинг турли босқичларида юз бериши мумкин. Бир кишининг бошқа киши тўғрисида етказадиган ахборотини унинг шу киши тўғрисидаги тасаввурини, бошқача қилиб айтганда, у ўзи кузатган объектдан имконияти даражасида ажратиб олишни лозим топган субъект тўғрисидаги маълумот, деб қараш керак бўлади. Бундай ахборот объектнинг ажратиб олинган хусусиятлари миқдори, шунга ўхшаш хусусиятларнинг танланиши, сифат жиҳатидан ранг-баранглиги билан турлича шаклда бўлиши мумкин. Воқеликни қабул қилишдаги шароитнинг ноқулайлиги, ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиш, руҳий касаллик ҳолати, хотиранинг етарли эмаслиги ва шунга ўхшаш сабабларга кўра хатоликларга йўл қўйилиши ҳам мумкин.

Бундай жараёнда воқеликни қабул қилиш расмий равишда хулоса чиқариш учун ҳаққонийлик касб этмаслигини А.А.Эйсман шундай ифода этади: «Бу ерда ҳаққонийликнинг бошқа тушунчаси, яъни ҳаёт, тажриба, критериялар орқали синовдан ўтган

аргументлаштиришнинг ақл бовар қилувчи кўлами даражасидаги мазмунга эга бўлган ҳаққонийликни тушуниш ўринли бўлади»[88].

Одатда, образни ўзича ишонч билан қабул қилган шахснинг маълумотлари ҳисобга олинади. Лекин, бундай «ишонч билан» берилган ахборотларга ҳам танқидий муносабатда бўлмаслик уларнинг ҳаққонийлигига путур етказиши, оқибатда бундай ахборотнинг қиммати бўлмаслигига олиб келади. Информациянинг ҳаққонийлигини баҳолашда уни бераётган шахснинг ички руҳий ҳолати, ахборот бериш масофаси, даври, овоздаги ўзгаришлар ҳисобга олиниши муҳимдир[89]. Чунки бундай ҳолатларга кишидаги айрим касалликлар, жумладан, карлик, шабкўрлик (дальнозоркость, близорукость), дальтониклик (ранг ажрата билмаслик), сезгиларнинг ўта кучайиб ёки сусайиб кетиши (гиперстезия ёки гипостезия), шунингдек сезгиларнинг умуман йўқлиги (анестезия) катта таъсир кўрсатиши мумкин[90]. Кишининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш чоғида унинг сезиш қобилияти, психологик ва жисмоний ҳолатларини назардан қочирмаслик орқали кўпроқ аниқликка эришиш мумкин. Чунки ҳар хил турдаги қўзғатувчилар таъсирига берилиш (адаптация) кишида фикрлаш қобилиятини ва сезгиларини сусайтиради, воқеликни ҳаддан зиёд кўпиртириб юбориш (гиперболизация), шунингдек қўрқув ва ортиқча ваҳима муҳитини юзага келтиради[91].

Ахборотларни ЭҲМларга жойлаштириб, солиштириб таҳлил этиш орқали аниқроқ маълумот олиш мумкин. Унинг ёрдамида тузилган жадваллар асосида оператив ходимлар ва терговчилар дастлабки маълумотларни таҳлил этиш усули билан уларнинг

---

[88] *Қаранг:* **Эйсман А.А.** Соотношение истины и достоверности в уголовном процессе//Сов.государство и правс, 1966, №6. - С.96

[89] *Қаранг:* **Рудик П.А.** Психология. - М., 1958. - С.93

[90] *Қаранг:* **Банщиков В.М. и др.** Медицинская психология. - М.:Медицина, 1967.

[91] *Қаранг:* **Луков Г.Д., Платонов К.К.** Психология. - М.: Воениздат, 1967

ичидан қимматлироқ ва «ноёб» ахборотларни ажратиб олиш имкониятига эга бўладилар. Аломатларнинг қайтарилиши тезлиги жадвали керакли ва ишончли маълумотларни тезроқ йиғиш имкониятларининг кенглиги туфайли қидирувни қисқа муддатларда тугатишга шароит яратади, шу билан бир қаторда унинг асосида жиноят содир этилганлиги тўғрисида малакали хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Айтайлик, «Малласоч» аломатининг қайтарилиш тезлиги шу гуруҳдаги бошқа аломатларга нисбатан 3 га тенг деб олсак, унда қабул қилинган шкалага биноан, унинг информативлиги 0,97 га тенг бўлади. Бу ҳолда ҳисобда турган ҳар мингта гумон қилинувчи шахсдан атиги 30 таси қўшимча текшириш учун қолади. «Ўртача баландликда» аломати бўйича эса информативлик борйўғи 0,3 га тенг бўлиб, бу аломат бўйича қўшимча текшириш учун ҳар мингтадан 700 киши қолади. Жиноятчининг ташқи аломатлари бўйича тажрибасидан шу нарса маълумки, бу усулда текширилаётган шахслар доирасининг торайиши нуқтаи назаридан келиб тушаётган ахборотларнинг самарадорлиги ошади ва оператив ходимларнинг диққат-эътиборини юқори информативликка эга бўлган маълумотларга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Информация маркази оператори, йиғилган ахборотлар асосида информативлик жадвалига мурожаат этиб, ахборот-қидирув тизими имкониятларини олдиндан баҳолай олиши ва шу билан қўшимча маълумотларга бўлган эҳтиёжни аниқлаши мумкин[92].

Маълумотларни ЭҲМда қайта ишлашдаги ҳар қандай масала унинг «масалани алгоритмлаш» деб юритилувчи математик баёнини, яъни математик боғлиқликлар жамланмасининг маълум ва қатъий тартибдаги кетма-кетлигини ўрнатишни талаб қилади. Алгоритм, бажарилаётган ҳаракатнинг характери ва

---

[92] *Қаранг:* **Овчинский С.С.** Оперативно-розыскная ахборот/ Под редакцией А.С.Овчинского и В.С.Овчинского. - М.: ИНФРА-М, 2000. - С.168

ҳзчиллигини (вазифани бажариш шартини) ифодалаб, машина бажариши лозим бўлган дастурни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади (бунда шу масалани ечиш учун зарур бўлган командалар жамланмасини танлаш назарда тутилади).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи вазифалар, масалан тафаккур ва фикрлашни талаб этадиган вазифалар алгоритмлаш доирасига сиғмайди, яъни уларни ечиш юзасидан аниқ қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун бундай вазифаларни ечишда экспериментал тарзда танлаб олинган командалар мажмуи қўлланилади.

Экспериментал ахборот-қидирув тизимларидаги иш тажрибасидан шу нарса маълумки, қидирув учун зарур деб топилган аломатлар танлаб олингандан кейин уларни қиммати ва ишончлилигига кўра бир нечта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, танлаб олинган аломатлар баъзибир талабларга жавоб бериши керак бўлади. Биринчидан, уларнинг барчаси информацион қидирувда фойдаланилиши керак, иккинчидан, ҳисобда турувчилар ичидан бу аломатларнинг минимал жамланмаси ёки ҳеч бўлмаганда битта аломат белгиси мавжуд бўлган барча шахсларни танлаб олиш таъминланиши лозим.

Тўғри, аломатлар гуруҳидаги барча ҳолатлар учун уларнинг аниқлик даражаси бўйича тайёр тавсияларни бериш амалда мумкин эмас. Лекин улар, ахборот-қидирув тизимларидаги эмпирик материалларни кузатиш ва таҳлил этиш орқали дастлабки хулосаларни чиқариш учун асос бўлиб хизмат қила олади, деб ҳисоблаймиз.

Кўпроқ аниқликка эга бўлган аломатлар гуруҳига, бизнингча, асосан: жинси; алоҳида аниқ белгилари; ёши (ўсмирлар учун аниқликни таъминлаш мақсадида 20 ёш билан чегараланади); юз ва бош тузилишидаги яққол кўзга ташланувчи алоҳида белгилар; юз тузилиши (шарқона, кавказча, европача); акценти; тутилиб-тутилиб сўзлаши; бурун, пешона, қаншари тузилишининг яққол кўзга ташланувчи ўзига хос

деталлари; қулоғи, қошининг ўзига хос жиҳатлари ва бошқалар киритилиши керак.

Тахминий ёши, кўзининг. сочининг ранги каби аломатларни асосан барча кишилар бир хилда қабул қиладилар, аммо баъзи ҳолларда айрим истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Бу аломатларни қидирув вазифасига қараб, оралиқ гуруҳларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай қилиб, охирда фақат аниқлигига шубҳа қилинган аломатларгина қолади.

ЭҲМларнинг янги авлоди пайдо бўлиши натижасида информацион қидирув стратегиясига ҳам жиддий ўзгаришлар кириб келди. Агар дастлабки автоматлаштирилган функционал тартиб шароитида абонент ягона сўровни киритгач, унинг жавобини узоқ муддат кутган бўлса, ҳозирда ахборот-қидирув тизимларини лойиҳалашда унга кўпроқ (аломатларнинг турли комбинацияларида) сўровларни киритиш кўзда тутилади ва абонентнинг қисқа муддатда ўз саволларига жавоб олишига имконият яратилади.

Албатта, ЭҲМга киритилган ахборот-қидирув тизимлари оператив хизматларнинг ишларини анча енгиллаштиради, қидирувни тезлаштиради. Аммо, машина барибир фикрлаш қобилиятига эга бўлган тажрибали мутахассис ёрдамисиз аниқ ва керакли аълумотларни бера олмайди. Чунки инсон маълум бир тузилмалар доирасида фикр юритиб, мақсадга йўналтирилган қидирувда ундан четлашиб кетмайди. Машина эса фикрлаш қобилияти бўлмаганлиги учун ҳам қўйилган мақсаддан четлашиб кетиши мумкин. Бир қарорга келиш қобилияти инсоннинг хотирасидаги бажариладиган вазифага ҳам бевосита, ҳам билвосита алоқаси мавжуд бўлган кўплаб ахборот запасларидан олинади[93].

Философияга оид адабиётларда кибернетик тизимларнинг реал имкониятларини кўриб чиқишда ва машинани моделлаштиришда фикрлаш жараёнлари

---

[93] *Қаранг:* **Напалков А.В., Чичварина Н.А.** Можно ли моделировать работу мозга// М.: Знание, 1966

масалаларини самарали ҳал этиш учун фикрлашнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, онг билан боғлиқлиги, инсоннинг психик ҳолатларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланади[94]. Оператив вазиятни, жиноятчи психологиясини ҳис қилиш, нима яхши-ю, нима ёмон эканлигини ажрата билиш қобилияти тажрибали оператив ходимнинг машинадан устунлигини билдирувчи, машинанинг ишни енгиллаштирувчи қўшимча иш қуроли эканлигидан дарак беради. Ю.В.Орфеевнинг фикрича, баъзибир шундай муаммоларни ечишда, ҳатто энг кучли машиналар хизматидан фойдаланилган тақдирда ҳам, кўриб чиқилаётган вариантларга инсон томонидан дастлабки баҳони бермасдан туриб, бир қарорга келиш мушкул ёки бир қарорга келиш учун жуда кўп вақт талаб этилади[95]. Чунки, инсон мияси умуман бошқача ишлайди. Унда бир вақтнинг ўзида миллионлаб операцияларни бажаради, кўплаб параллел ва тик йўналишлар бўйича ахборотларни қайта ишлайди. Информацияларни қайта ишлаш тезлиги ЭҲМга нисбатан жуда ҳам паст бўлгани билан, инсон миясидаги бир вақтнинг ўзида қайта ишланадиган ахборотлар миқдори жиҳатидан унга жаҳондаги энг кучли ЭҲМлар ҳам тенг кела олмайди[96].

XXI асрни мутахассислар «Янги технологиялар асри» деб бежизга айтмаганлар. Чунки, бугунги кунда космосдан туриб бошқариладиган алоқа ва ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, компьютер технологиялари жуда ҳам юксак даражада ривожланиш босқичига кўтарилганлиги билан алоҳида аҳамиятта эгадир. Лекин ҳаёт ўз ўзанида давом этмоқда. Биз ривожланишнинг энг чўққисига кўтарилдик, дейиш асло мумкин эмас. Олтмишинчи йилларда космосга кўтарилиш оламшумул воқа, ҳатто

---

[94] *Қаранг:* **Антонян Ю.М.** О понятии профилактики преступлений// В сб.: Вопросы борьбы с преступностью. Вып.26. - М., 1977

[95] *Қаранг:* **Орфеев Ю.В.** Эвристические программирование и некоторые аспекты теории управлния//В кн.: Научное управление обществом. - М.:Мысль, 1967. С.273-289.

[96] *Қаранг:* **Амосов Н.М.** Моделирование мышления и психики. - Киев:Наукова думка, 1965.

қаҳрамонлик саналган бўлса, ҳозир бу оддий ҳодисага айланиб қолди. Биз бугун юқори технология деб санаётган технологияларимиз бундан ўн ёки йигирма йиллар кейин эскириб қолиши ҳам мумкин.

Биз компьютер, телекоммуникация ва алоқа билан боғлиқ технологиялар орқали информацияларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш ички ишлар идоралари фаолиятидаги оперативликни оширишни, юқори самаралар беришини яхши биламиз. Лекин, бугунга келиб, бундай технологиялар жиноят олами учун ҳам керакли маълумотларни олиш ва узатиш учун хизмат қилиш воситасига айланиб қолди. Ҳозирда шундай компьютер билимдонлари пайдо бўлдики, улар ҳар қандай кучли ҳимоя қилинадиган компьютер тизимларига ҳам ёриб кириб, ўзига ёки мўмайгина ҳақ эвазига ҳар қандай шахсга керакли маълумотларни олиб беришлари, ҳатто, тўғри малумотни нотўғрисига алмаштириб қўйишлари ҳам мумкин. Уларни одатда, «хакерлар» деб аташади.

## §5. Иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий бошқарув ва назоратнинг роли

Олдинги бобларда кўриб ўтганимиздек, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларнинг бўшлиги иқтисодий жиноятларнинг юзага келиши учун замин яратади. Демакки, иқтисодий муносабатлар билан иқтисодий жиноятчилик ўртасида узвий боғликлик мавжуд. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий муносабатлар замиридаги иқтисодий жиноятчилик детерминантлари - диспропорция (нотенглик) ва айрим четга чиқишлар нафақат иқтисодий жиноятчиликка замин ҳозирлайди, балки айни пайтда унга қарши кураш йўллари ва услубларини олдиндан белгилашни ҳам тақозо этади. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш йўллари бозор иқтисоди қонуниятларидан келиб чиқса, унинг услублари бошқарув ва назоратни тўғри ташкил қилиш орқали амалга оширилади.

Собиқ режали хўжалик юритиш ва мутлақ давлат буюртмасига асосланган маъмурий-буйруқбозлик

тизими даврида биринчи ўринга давлат мулки ҳимояси, давлат манфаатлари қўйиларди. Бозор иқтисоди шароитида жамиятнинг ривожи ундаги мулкчилик кўринишларининг хилма-хиллиги, тенглигига асосланган бўлиб, уларнинг ҳимояси ҳам тенглик асосида олиб борилади. Бунда мувозанатнинг бузилиши кейинчалик тузатиш мушкул бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртннчи сессиясида таъкидлаб ўтганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш, яъни уни ўз-ўзини тузилмалар шаклида бошқаришга тезроқ ўтказиш, давлатнинг бу соҳадаги бошқарувчилик ролини камайтириш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш бу соҳадаги кўплаган муаммоларни ечишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир[97]. Шу билан бир қаторда иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи механизмларидан бўлган пул-кредит ва банк тизимлари соҳасидаги ислоҳотларни кучайтириш, уни соғлом, иқтисодий вазиятларни тез илғаб олиб, инфляция даражасининг ортиқча ўсиб ёки пасайиб кетишига йўл қўймайдиган «эгилувчан» тизимға айлантириш муҳимдир. Фуқаролар ва мамлакатда иш юргизаётган чет эллик ишбилармонларнинг ортиқча маблағларини жамғарма банкларига жалб этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, нақд пулсиз, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимига тезроқ ўтиш ҳам иқтисодиётни соғломлаштиришга хизмат қилади.

Ижтимоий бошқарувда назоратнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бунда назорат олиб борувчи (субъект) томонидан назорат қилинувчи (объект)нинг берилган топшириқларни қандай бажараётганлигини ҳисобга олиш ва текшириш тушунилади. Назорат ўз моҳиятига кўра топшириқларни бажариш жараёнида субъект

---

[97] **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.

томонидан жиноий ҳаракат содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи бўлиб, у:

а) иш жараёнида қонунбузарлик рўй берганлиги ёки айбдор шахслар мавжудлиги аниқланган тақдирда;

б) қонунбузарликнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш мобайнида;

в) назорат идоралари томонидан аниқ профилактик тадбирлар ўтказилаётган пайтда ҳаракатда бўлади.

Амалдаги қонунларга асосан, назорат идоралари қонунбузарларга нисбатан ўз ваколатлари доирасида жазо чоралари кўришлари, юқори ташкилотларга уларни жазолаш таклифини киритишлари ёки тўпланган ҳужжатларни жиноий иш қўзгатиш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига тақдим этишлари мумкин.

Моддий ва молиявий воситалар, иқтисодиётдаги айрим соҳаларнинг иқтисодий фаолияти назорат объектлари бўлиши мумкин. Назоратнинг асосий мақсади эса иқтисодий соҳадаги жиноятчиликка йўл қўймаслик, содир этилган жиноятларни эса фош этишдан иборат.

Назоратни олиб борилиш тартибига кўра **ички** ва **ташқи** назоратга ажратиш мумкин. Уни амалга оширувчи субъектлар эса қуйидагилардир:

1. Давлатнинг ваколатли ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари, махсус инспекциялар (иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши устидан);

2. Банклар (пул-кредит ва молия-хўжалик фаолияти устидан);

3. Аудиторлик ташкилотлари (идораларга бўйсунмайдиган, мустақил назорат олиб борувчи ташкилотлар -юридик ташкилотларнинг хўжалик фаолияти устидан);

4. Ички назорат бўлинмалари (идора ва ташкилотларнинг бухгалтерлик, тафтиш бўлимлари - ўз корхонасининг молия-хўжалик фаолияти устидан);

Давлат идоралари томонидан олиб бориладиган назорат уларга берилган ваколатлар доирасида амалдаги қонунлар, қонун ҳужжатлари ва вақтинчалик низомларда рухсат этилган фаолият турлари билан шуғулланиш ва уларни бажариш жараёнида

белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилиниши устидан бўлади. Бу назорат бир нечта идоралар томонидан амалга оширилади. Булар - Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар идоралари, Прокуратура, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қўмитаси, Монополияларга қарши кураш қўмитаси ва шу кабилардир.

Миллий хавфсизлик хизмати таркибидаги тегишли тузилмалар давлат манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш ишлари билан, Прокуратура, Ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари иқтисодий тизимларда содир этиладиган ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, моддий бойликларни ноқонуний ўзлаштириш, порахўрлик, коррупция, рэкет, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, қалбаки пул ясаш ва шунга ўхшаш жиноий ҳаракатларга йўл қўймаслик, содир этилган жиноятларни фош этиш, Давлат божхона қўмитаси эса корхоналар томонидан валюта ва ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишдаги, стратегик аҳамиятга молик бўлган хомашё ва маҳсулотларни экспорт қилишдаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш ва олиб чиқилиши ёки олиб келиниши мамлакат қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тақиқланган маҳсулотлар, маданий ва тарихий қимматга эга бўлган буюмлар, санъат асарлари, гиёҳвандлик моддаларини давлат чегараларида ушлаб қолиш ва бундай ҳаракатларни содир этганларни фош этиш, Давлат солиқ қўмитаси эса мамлакат ичкарисида иқтисодий қонунларга зид фаолият турлари билан, шунингдек, тегишли рухсатнома (ёки лицензия)га эга бўлмасдан туриб айрим ишлаб чиқариш, тижорат соҳалари билан шуғулланиш, фаолият натижасида олинган фойда миқдорини солиқ идораларидан яшириш ёки атайлаб камайтириб кўрсатиш каби ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўриш ишлари билан шуғулланадилар. Давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификат-

лаштириш қўмитаси ишлаб чиқариладиган саноат, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати устидан назорат олиб боради, давлат стандартларининг бузилиши, кишилар саломатлигига, атроф-муҳитга зиён етказувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, сертификатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш каби ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан иш олиб боради, давлат ижроия ва жамоат ташкилотларига хўжалик субъектлари томонидан юқоридаги талаблар бажарилишининг ҳақиқий аҳволи тўғрисида мунтазам маълумот беради.

Яқин-яқинларгача банклар давлат назорат идоралари тизимига киритиларди. Эндиликда тижорат банкларининг пайдо бўлиши билан у алоҳида тузилмага айланди. Банклар корхоналарнинг касса тартибларига амал қилишини назорат қилади. Касса тартибига биноан, корхоналар ўзига тегишли пул маблағларини банк муассасаларида сақлашга мажбурдирлар. Бундан ташқари, улар бошқа корхона ва ташкилотлар билан олиб бориладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобни банк муассасаси орқали амалга оширишлари, ўз кассаларида корхона ва банк муассасаси билан келишилган лимитлари даражасидан ошмаган нақд пул сақлашлари, лимитдан ортиқ маблағни эса банкка топширишлари шарт. Корхона ёки ташкилот кассасида лимитдан ташқари фақат иш ҳақи, страхования, пенсия ва бошқа турдаги нафақаларни тўлаш учун мўлжалланган маблағларни уч иш кунидан ошмаган муддатда сақлашга рухсат этилади.

Корхоналарнинг касса тартибларига риоя қилишлари устидан банклар томонидан олиб бориладиган назорат ортиқча пул маблағларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш, амалда муомалада бўлган нақд пул миқдорини камайтириш ва унинг айланишини тартибга солиш, шу билан бирга нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади.

Банклар ўзлари ажратган кредитлар устидан ҳам назорат олиб борадилар. Кредит олиш ёки олинган кредитларни қайтариш муддатини узайтириб бериш

учун корхоналар банк муассасаси раҳбарига сўров билан мурожаат этадилар. Бунда олинажак кредит аниқ мақсадга йўналтирилиши кўзда тутилганлиги асослаб берилиши шарт. Банк раҳбарияти қарз сўровчининг қарзни қайтариш имкониятларини ўрганиб чиққандан сўнг кредит ажратиш, қарзни тўлаш муддатини узайтириш, кредитлашнинг алоҳида турларини қўллаш-қўлламаслик ёки кредитлашни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилади. Корхона қарзларни тўлашга яроқсиз, деб топилган тақдирда, банк томонидан унинг молиявий аҳволини яхшилашга йўналтирилган махсус чоралар кўрилиши кўзда тутилади. Бунда охирги чора сифатида корхона банкротлик ҳолатига тушган, деб топилиши мумкин. Корхонанинг банкротлик ҳолатига тушганлигини аниқлаш учун унинг йиллик ва чораклар бўйича асосий фаолият баланслари ўрганиб чиқилади, яъни корхона билан бошқа шериклар ўртасида амалга оширилган тўловлар, шунингдек, корхона даромадининг ишлатилиши, шахсий фондлар ҳаракати, капитал маблағларнинг жойлаштирилиши каби кўрсаткичларнинг қонунийлиги текширилади. Бу нарса корхонанинг ҳақиқатан ёки сунъий равишда банкротлик ҳолатига тушганлигини аниқлашга ёрдам беради.

Аудиторлик текширувлари (аудит), одатда идораларга бўйсунмайдиган мустақил тузилмалар томонидан амалга оширилади. Бундай текширувлар юқори ташкилот ёки корхона раҳбари ташаббуси билан шартнома асосида ўтказилиши мумкин. Бунда, асосан корхона ёки ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари, тўлов ҳужжатлари ва бошқа молиявий мажбуриятларнинг юритилиши амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслиги аниқланади, керак бўлган ҳолларда уларни тўғри олиб бориш юзасидан аудиторлик хизмати ҳам кўрсатилиши мумкин. Аудиторлик фаолиятидан кўзланган мақсад, иқтисодий субъектлар томонидан бухгалтерлик (молия) ҳужжатларини юрғазишда

ноаниқликларга йўл қўймаслик, уларга банк, молия, солиқ мажбуриятларидаги белгиланган тартиб-қоидалар юзасидан йўл-йўриқлар беришдан иборат. Аудиторлик текшируви бирон бир корхона хўжалик фаолиятида жиноий аломатлар аниқланган тақдирда жиноий иш қўзғатиш мақсадида суд, хўжалик ёки арбитраж суди, прокуратура ёки тергов идораларининг талаби бўйича ҳам амалга оширилади.

Ички назорат корхона ва ташкилотларнинг ўз бухгалтерлик хизматлари томонидан юрғазилади. Унинг асосини бухгалтерлик ҳисоби ташкил этади.

Ҳар бир корхона ўзига тегишли бўлган мулк ва хўжалик фаолияти бўйича тегишли ўлчамлар доирасида доимий ҳисоб-китоб юритишга мажбур. Бухгалтерлик ҳисобининг энг асосий вазифаларидан бири - бу корхона мулкининг миқдори ва ҳаракати, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг амалдаги меъёрлар ва сметаларга мувофиқ ишлатилиши устидан олиб бориладиган назоратдир.

Йилнинг ҳар бир чорагида ва йил охирида корхонанинг барча молиявий, моддий ва хўжалик фаолияти акс эттирилган ҳисобот тузилади. Бу ҳисоботлар банк, солиқ инспекцияси ва шунга ўхшаш тегишли давлат назорат идораларига тақдим этилади.

Ички назорат, агар корхона ёки ташкилотнинг Уставида тафтиш комиссиялари кўзда тутилган бўлса, улар томонидан ҳам амалга оширилади. Бу ҳолда тафтиш комиссиялари ўз фаолиятини корхона ёки ташкилот Устави тьалаблари даражасида амалга оширадилар ва унинг органи ҳисобланадилар. Тафтиш комиссиялари бухгалтерлик ҳисобининг юритилиши, ички ва ташқи ресурслардан фойдаланишнинг аҳволи, пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сарфланиши ва сақланиши, бўлинмаларда бухгалтерлик ҳужжатларининг тўғри юргазилиши каби ҳолатларни назорат этиб, керак бўлганда, корхонага етказилган

моддий зарарни ундириш чораларини кўрадилар.

Тафтиш комиссияси аъзолари текширилаётган бўлинма раҳбаридан керакли тушунтириш, ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этишда ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳаллалар жамоатчилиги ва бошқа жамоат ташкилотларидан баъзибир маълумотларни олиб туриш ҳам ижобий натижалар беради.

## §6. Иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот ва қонун чиқарувчи идоралар ходимларининг вазифалари

Республикамизда бозор муносабатларини ўрнатиш ва уни юридик жиҳатдан таъмин этувчи ҳолатлар Конституция ва қонунлар асосида олиб борилмоқда. Республикада мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ энг аввало иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга омил бўладиган қонунларнинг қабул қилинишига эришилди. Булар нималарда кўринади?

**Биринчидан**, мустақиллик сари қадам қўйган Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида мулкка эгалик ва унинг турли кўринишлари, энг аввало мулкка хусусий эгалик қилиш ҳуқуқи ва шартларини белгилаб қўйди (36, 53-55 моддалар).

Кейинчалик Конституция асосида бир неча янги қонунлар ишлаб чиқилиб қабул қилинди. Уларга асосан, мулкка эгалик ҳуқуқи фуқаролик қонунчилигининг марказий институти ҳисобланади: Фуқаролик Кодексининг 164 моддаси мулк эгасига ўз мулкка эгалигидан қонун доирасида ва мутлақ ўз билганича фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг моҳияти жамиятдаги товар-пул муносабатларининг амал килиши билан белгиланади. Давлат мулки якка ҳукмронлик қилган жамиятда бундай муносабатлар ривожланиши мумкин эмас. Шундай килиб, шахсий

ривожланиши мумкин эмас. Шундай қилиб, шахсий мулк ўз конституциявий мақомига эга бўлди[98].

**Иккинчидан**, жамият тараққиётида мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. Ҳуқуқ, бу соҳадаги сиёсатнинг асосий тамойилларини белгилаб, муносабатларни йўлга қўйибгина қолмасдан, ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришнинг ташкилий усулларини ҳам яратади. 1991 йил 14 июнда мамлакатда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон ҳудудида чет эл инвестицияларини жойлаштириш тартибини, унинг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ташкилий асосларини, шунингдек давлат томонидан чет эл капиталига кафолотларни ҳам белгилаб берди. Бу қонуннинг қабул қилиниши чет эл молия, моддий ва интеллектуал ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини яратишга ва мамлакат иқтисодини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

**Учинчидан,** бозор иқтисоди шароитида тадбиркорлик ишлаб чиқариш ҳамда савдо-иқтисодий соҳалардаги фаолиятнинг муҳим ташкилий-ҳуқуқий кўриниши ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий таъминоти сифатида «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун юзага келди. Бу Қонун Ўзбекистон Республикасида тадбиркорларнинг иқтисодий ҳамда юридик жиҳатдан мустақиллигини гарантиялаб берди[99].

---

[98] *Қаранг:* **Таджиханов У.Т.** Истиқлолимизнинг ҳуқуқий негизи. - Т.: ИИВ Академияси., 1994. - 24б.; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси амалда. Т., 1996. Ўқув қўлланма. - 109б. ; **Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А.** Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т.: Шарқ., 2001. - 750б. Конституционное право Республики Узбекистан: Сб. нормат. актов. В 2-х т. / Сост. **А.Х. Саидов.** Т., 1995. - т.1-384, т.2-383с.

[99] *Қаранг:* **Кабулов Р.** Мулк ҳуқуқи // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. № 10.; Имущество как предмет хищения // Экономика и статистика. 1997. - № 2. - с.38.; **Абдумаджидов Г.** Сборник законодательных актов об административных штрафах. Т.: 1971. - 214с.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122 ва 124 моддаларига асосан, бизнинг мамлакатимиз ўз молия, пул-кредит ва банк тизимларига эга. Маълумки, миллий валюта, молия ҳамда пул-кредит тизимларини юргизиш давлат иқтисодини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Иқтисодий ислоҳотларда, бозор муносабатларига ўтишда банк тизимларини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутади, бунда ҳам давлат энг аввало унинг ҳуқуқий асосларини яратади[100].

Шундай қилиб, республикада бозор иқтисодининг такомиллашуви, унинг янада ривожланиши учун юридик кафолотлар берувчи ҳуқуқий база яратилди ва амалга киритилди. Бу база иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳамда чет эл капитали ҳимоясини таъмин этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва банкларни ислоҳ қилишга хизмат қилаётир.

Шунга алоҳида эътиборни қаратиш лозимки, юқорида келтирилган Қонунлар мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ қабул қилинган бўлса-да, ҳанузгача амал килиниб келаётир. Бу нарса мазкур қонунларнинг нақадар ҳаётийлигини, ислоҳотларнинг аниқ ва қатъий дастури асосида дунёга келганлигини ҳамда пухта ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат мевалари эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу сиёсатнинг асосида давлат жамиятдаги бош ислоҳотчи бўлмоғи даркор, у ислоҳотларнинг асосий йўналишларни белгилаши, ўзгаришларни босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатини юргизиши керак, деган принцип ётади.

---

[100] *Қаранг:* **Кабулов Р., Соттиев И.А.** Жиноятга йўл қўймайлик (уюшган гуруҳлар томонидан банк кредитларини талон-тарож қилишнинг олдини олиш тўғрисида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. № 5. - 71б.; **Зарипов З.С., Кержнер М.Ю.** Профилактика правонарушений. - Т.: Ўзбекистон., 1993 - 198с.; **Ёқубов А.С., Жалилов М.Ж., Рустамбоев М.Х.** Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунинг моҳияти (концепцияси). Т., 1994. - 31с.

Ўтиш даврида иктисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда давлатнинг роли беқиёсдир. Қонунчилик жуда ҳам мураккаб иш бўлиб, жамият ривожи ва иқтисодий шароитлар тақозоси билан амалдаги қонунларга доимо ўзгартишлар киритиб бориш талаб этилади.

Албатта, жамиятдаги айрим иқтисодий ўзгаришларга қараб ҳуқуқий базага хам тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати туғила боради. Чунки, ўтиш даврининг ҳар бир босқичи у ёки бу қонун ҳужжатининг жадалкор равишда қабул қилинишини, ўз вазифасини ўтаб бўлганларининг эса бекор қилинишини талаб қилади. Масалан, бозор муносабатлари шаклланишининг юқори босқичига кўтарилаётган ҳозирги шароитда чет мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари, хусусий тадбиркорлар билан иқтисодий алоқалар тобора юксалиб, ўзаро манфаатли тус олиб бормоқда. Лекин, олдин ҳам ҳам қайд қилганимиздек, ўзини тадбиркор деб билган айрим кимсалар уларга давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароит ва енгилликлардан жиноий мақсадларда фойдаланишга уриниши ҳоллари ҳам юз бермоқда. Бунинг оқибатида мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан олиб келиниши мумкин бўлган товар ва хом ашёлар аслида иқтисодиётимизнинг юксалишига эмас, балки унинг банк, молия, кредит ва солиқ тизимлари ишининг чигаллашишига, охир-оқибатда эса миллий валютамизнинг қадрсизланишига олиб келади.

Давлатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида содир этилаётган иқтисодий соҳадаги жиноий ҳаракатлардан ташқари, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ҳам мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас ва улар қўлида айланувчи маблағлар назоратдан четда эканлиги ҳам аён. Бундай нопок йўллар билан топилган пуллар, табиийки, давлат хазинасига келиб тушмайди. Чет эллар тажрибасидан маълумки, бундай маблағлар асосан, номигагина тузилган, аслида ҳеч қандай фаолият юритмайдиган катта-кичик корхоналар

орқали «ювилиб", қонунийлаштирилади. Бундай ҳолатларга қарши курашиш учун ҳуқуқий механизмларни, хусусан қонунчиликни жадаллик билан ишга солиш, такомиллаштириш керак бўлади.

Шундай қилиб, мамлакатимиз танлаган «Давлат - бош ислоҳотчи" принципи жамиятдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминламоқда. Бу эса маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор принципларига асосланган жамиятга ўтишда давлатнинг мувофиқлаштирувчилик роли тўғрисидаги ҳақиқатни тасдиқлаб турибди. Албатта, бозор меъёрларини мустаҳкамлаш, ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш орқали давлатнинг иқтисодга аралашуви аста-секин пасая бораверади.

Юқоридагилардан хулоса шуки, бозор муносабатларига ўтиш ва уни самарали ривожлантиришда иқтисоднинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, яъни тегишли қонун ва қонун ҳужжатларининг тўгри қабул қилиниши ўтиш давридаги мувафаққиятлар гаровидир. Бундан ташқари, бу қонунларнинг амалда бажарилишини назорат қилиш ҳам ниҳоятда муҳим. Бунда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари каби, ички ишлар идораларининг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бор[101].

Прокуратура, Ички ишлар ва солиқ идоралари амалда жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш олиб борадилар. Юқоридаги бобларда кўриб ўтганимиздек, иқтисодий соҳадаги жиноятлар умуман олганда бошқаларига ўхшаса ҳам, улардан ўзига хос мураккабликлари билан ажралиб туради.

---

[101] *Қаранг:* **Ильхамов А.Н.** Борьба органов внутренних дел с неосторожными преступлениями. - Т.: ТВШ МВД СССР., 1990. - 51с.; **Нарбутаев Э.Х.** Борьба с преступностью. Закон и практика. - Т.: Мехнат., 1991. - 247с.; **Кадыров М.М.** Уголовное право. Особенная часть / Под ред. **У. Таджиханова.** - Т.: Адолат., 1997. - 507с.; **Джалилов М.Д., Рустамбаев М.Х., Якубов А.С.** Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях. Т., 1994. - 21с.; **Зарипов З.С.** Правовое обеспечение эффективности профилактики правонарушений. Т., 1988.; Правовой механизм профилактики правонарушений. Т., 1990.

Шунинг учун бундай жиноятчиликка қарши курашда ушбу идоралар ходимларидан амалдаги қонунчиликни чуқур билиш, иқтисодий муносабатларнинг негизларини ўрганиш, юксак касбий маҳорат ва ҳушёрлик талаб этилади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида ишлаб чиқилган қонунлари, жумладан, 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Қимматбаҳо қоғозлар бозори тўғрисида»ги, 1991 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк тизимлари ҳақида»ги, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги, 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ва кўплаб бошқа қонунлар, кейинчалик уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ички ишлар ва бошқа Вазирликларнинг, давлат ваколатига эга бўлган хизматларнинг Буйруқ ва кўрсатмалари, маҳаллий Ҳокимият фармойишлари, Вақтинчалик Низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга таянадилар.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда энг аввало Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор муносабатларига йўналтирилган асосини турли хил кўринишлардаги мулклар ташкил этиши ва барча турдаги мулкларнинг бизнинг мамлакатимизда тенглиги (53 модда) тамойилидан келиб чиққан ҳолда, адолат меъёрларининг бузилишига йўл қўймасликлари, давлат мулкининг ҳам, шахсий ёки кооператив мулкнинг ҳам даҳлсизлигини таъминлашлари керак.

Иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан олиб бориладиган фаолият жараёнида ички ишлар идоралари ходимлари ишбилармонларнинг

ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг ўз мулкидан атроф-муҳитга, кишилар, юридик шахслар ва давлатга зиён етказмайдиган тарзда ўз билганича фойдаланиши (54 модда) ҳуқуқи белгилаб берилган.

Республика Ички ишлар Вазирлиги, МХХ, Прокуратура, солиқ ва божхона идоралари таркибида иқтисодий жиноятчиликка қарши бошқармалар ташкил этилган.

Бошқа турдаги жиноятлар каби иқтисодий жиноятларга қарши курашда ҳам ҳуқуқ-тартибот, Миллий хавфсизлик, Божхона ва солиқ хизматларининг кучларини бирлаштирмасдан туриб яхши натижаларга эришиш қийин. Бу ишда кенг жамоатчилик вакилларининг, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизимлари, хусусан маҳаллалар фаолларининг кўмакларига таяниш яхши самаралар бериши аниқ.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда вақтли матбуот, радио ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Газета ва журналларда чиқадиган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мақолалари жонли тилда, ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ва фактларга бой бўлиши, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатувларда эса жиноят содир этиб жазо ўтаётган ёки ўтаб қайтган шахслар билан суҳбатлар уюштирилиши, иқтисодиёт соҳасидаги қонунчиликка шарҳларнинг бериб борилиши шундай жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади. Жиноят учун жазо муқаррарлиги тамойили профилактик тадбирларнинг асосини ташкил қилмоғи керак.

### IV боб юзасидан хулосалар

1. Иқтисод устуворлик қиладиган жамият, бизнингча, **иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳам устувор** бўлишини талаб қилади. Маълумки, **иқтисодий жиноятчилик, унинг келиб чиқиши ва қонуниятлари илмий жиҳатдан энг кам ўрганилган** соҳалардан биридир. Ҳозирги давр

тақозосига кўра уни илмий асосда чуқурроқ ўрганиш, ундан келиб чиқадиган хулосаларга, тахминларга таяниб янги қонунларни қабул қилишга тавсия бериш мумкин.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқ-тартибот идоралари иш услубларини такомиллаштириш, уларнинг бу соҳадаги ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш, улар таркибида иқтисодий жиноятчиликка қарши курашувчи ва маълумот-таҳлил ишларини олиб борувчи махсус профессионал гуруҳларни ташкил қилиш юқори самаралар бериши аниқ. Бундан ташқари, иқтисодий жиноятларнинг, умуман жиноят оламининг янги иқтисодий-ижтимоий шароитлардаги сифат ўзгаришларини назарда тутган ҳолда **ҳуқуқ-тартибот идораларининг оператив ва тактик (айниқса, оператив-қидирув) фаолиятларини такомиллаштириб бориш** ҳам, бизнингча яхши натижалар беради.

**2. Оператив-қидирув тактикаси** оператив аппаратларнинг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашдаги кўп йиллик тажрибаларини ўзида мужассамлаштиради, яъни барча анъанавий элементларни сақлаган ҳолда улар олиб борадиган операцияларнинг муваффақияти, стратегия ва тактика соҳасида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар, шунингдек, жиноят оламининг барқарорлик, яшовчанлик, шароитга мослашувчанлик ва ўз қиёфасини ўзгартириш қобилиятлари каби комплекс факторларни назарда тутади.

Оператив-қидирув тактикаси ўз мазмунига кўра қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратишни тақозо қилади:

- оператив-тактик ҳолатни, ўз кучлари, воситалари ва имкониятларини, мухолиф томон -жиноят муҳитининг куч ва сифатларини баҳолай олиш;
- оператив ходимнинг ёки унинг топшириғига кўра кўмаклашувчи шахсларнинг ҳаракат шаклини, ўзини тутиш доирасини танлаш;
- ҳаракат оқибатлари, унинг ўтказилиш доираси, вазиятга қараб режага ўзгартишлар киритиш (қўшимча ёрдам олиш ёки олмаслик);

Агар юқорида қайд этилган элементларнинг барчасини умумлаштириб оладиган бўлсак, бизнингча ***оператив-қидирув тактикаси*** *деганда, оператив-тактик фаолиятнинг шундай категорияси, яъни оператив ходимнинг жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва қидирув ишларини олиб бориш мақсадида ҳаракат шаклини, ўзини тутиш доирасини танлаш учун лозим бўладиган оператив-тактик ҳолатни, ўз кучлари, воситалари ва имкониятларини, мухолиф томоннинг куч ва сифатларини баҳолаш бўйича фикр юрита олиш қобилияти тушунилади.*

3. Жиноятчиларнинг **жиноий мақсадлари, қизиқишлари, ҳаракатлари тўғрисидаги олинадиган маълумотлар** қабул қилинган классификацияга (илмий, билимлар соҳалари бўйича, эмпирик, фаолият турлари бўйича ва ялпи) кўра ва жиноят ҳуқуқи, криминология, криминалистика, оператив-қидирув фаолияти назарияси фанлари нуқтаи назаридан **кам ўрганилган соҳалардан** ҳисобланади.

Мен **ўз номзодлик диссертациямда компьютерларга жойланган ахборотлардан жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этишда фойдаланиш** масалаларига кенг тўхталган эдим. Бугунга келиб бу масаланинг аҳамияти янада ошди. Чунки информацион технологиялар ҳозирда юқори даражада ривожланиб, барча тоифадаги кишилар, шу жумладан, жиноий ҳаракатларга мойил шахслар, уюшган жиноий гуруҳлар фойдаланиши мумкин бўлган соҳага айланиб бормоқда, шуларнинг баробарида ундан фақат жиноий мақсадларни амалга ошириш учунгина эмас, балки жиноятчилар томонидан **ҳуқуқ-тартибот идораларини чалгитиш учун фойдаланиш имкониятлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда.** Шунинг учун ахборотларнинг ёғилиб келувчи турли-туман оқимидан кераклисини, фойдалисини, илмий тил билан айтганда «қимматлисини» ажратиб олиш ҳам муҳимдир.

Албатта, ахборотнинг қиммати оператив-қидирув фаолиятининг ўз **олдига қўйган мақсадига** боғлиқ.

Россиялик тадқиқотчи А.Д.Урсулнинг ёзишича[102], «Энг умумий деб олинган ҳолатда ҳам, ўйлаш мумкинки, қимматлилик мақсадга эришиш даражаси билан ўлчанади. Амалга оширилган ишнинг қўйилган мақсадга яқинлиги -мана қимматлиликнинг энг умумий белгиси». Бу нарса оператив-қидирув тадбирларини белгилашда табиий ҳол бўлиб, **мақсад билан иш олиб бориш бу тадбирларнинг ҳаракат динамикасини, бошқарув фаоллигини таъминловчи омиллардан** биридир.

**4.** Оператив-қидирув фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун уюшган жиноий гуруҳлар ва айрим жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, жиноий ҳаракатларнинг қайта такрорланиши ва даврийлиги каби принципларга асосланган **илмий тахминлашнинг** аҳамияти юксак. Шунингдек, **тахминлашда олдиндан кўра билиш хусусияти** жуда муҳимдир. Бунда турли хил ижтимоий ҳодисалар ва ҳолатларнинг диалектика нуқтаи-назаридан узвий боғлиқлиги, статик қайтарилиши ёки навбати билан такрорланиши каби қонуниятларга асосланган мантиқий белгилар ёрдамида ё **конкрет воқеанинг бошланишини (қатъий тахмин)** ё шундай **воқеаларнинг бир нечта эътиборга молик вариантини (альтернатив тахмин)** тахминлаш мумкин.

**5.** Оператив-қидирув тактикасини, яъни **уни амалга ошириш бўйича белгиланадиган тадбирларни ишлаб чиқишнинг асосини, табиийки, турли хил манбалардан олинадиган ахборотлар, хабар ва маълумотлар ташкил қилади.** Шундай экан, бундай ахборотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва таҳлиллаш услубларини, шунингдек унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, илмий-назарий билимлар билан бойитиш, техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, бу соҳада ҳам янги, замонавий технологияларни жадаллик билан қўллаш талаб этилади.

---

[102] **Урсул А.Д.** Информация (методологические аспекты). - М.: Мысль, 1971. С 126.

Бу соҳадаги яна бир муҳим жиҳат, бизнинг фикримизча -**иқтисодий жиноятчилик бўйича ахборотлар билан иш кўрадиган махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласидир.** Чунки ҳозирги шароитда, ахборотларнинг турлари ҳам, миқдори ҳам, олиниш манбалари ҳам ҳаддан зиёд кўп ва хилма-хил эканлиги, шу билан бирга бугунги кунда жиноят оламининг ҳам энг янги ва энг замонавий техник воситалар билан қуролланганлик даражаси ўсиб бораётганлигини инобатга олмасдан туриб, бизнингча, иқтисодий жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш, амалда мумкин эмас.

**6. Жиноий муҳит тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш** -бу чуқур ўйланиб амалга ошириладиган тактик операциядир. Бундай муҳитдан **олинадиган маълумотлар** қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- жиноий гуруҳнинг тузилиши;
- жиноий гуруҳ таркиби, қуролланиш даражаси;
- ички ва ташқи алоқалари;
- жиноий фаолият кўламлари;
- бошқа жиноий гуруҳлар ёки тузилмалар билан муносабатлари;
- жиноий гуруҳ томонидан илгари амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисидаги ҳар қандай, ҳатто аҳамиятсиздек туюлган маълумотлар ҳам;
- жиноий гуруҳ, унинг тармоқлари ёки айрим жиноятчилар томонидан яқин ўртада амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳар қандай ҳаракат (шу жумладан, бошқа шаҳарга, чет элга ёки дам олишга гуруҳий ёки алоҳида отланиш, мўлжалланаётган учрашувлар) тўғрисидаги ҳар қандай маълумот;
- гуруҳ таркибидаги шахсларнинг қариндошлик, яқинлик ва интим алоқалари ҳақидаги маълумотлар;
- гуруҳ ёки тузилма ичидаги ўзаро келишмовчиликлар, низо-жанжаллар, йўлбошчилардан норози кайфиятдаги шахслар;
- жиноий гуруҳ аъзолари кўп кириб турадиган кўнгилочар жойлар;

- гуруҳ йўлбошчилари ва аъзоларининг маиший (ичкилик, гиёҳванд моддалар, аёллар ва ўйин-кулги ҳамда зиёфатларга) қизиқишлари.

Бундай маълумотларни қўлга киритиш учун гуруҳларнинг **ўзига хос бўлган жиҳатларини синчиклаб ўрганиш ва таҳлил қилиш** керак бўлади, жумладан:

- гуруҳ таркибидаги рецидивистлар, илгари қамалиб чиққан шахсларнинг яшаш тарзлари, алоқалари;
- гуруҳ ёки унинг аъзолари томонидан сотиб олинган хомашё, асбоб-ускуна, анжом ёки шубҳали туюлган молиявий операция;
- гуруҳнинг мансабдор шахслар билан боғлиқлиги;
- гуруҳда ўрнатилган тартиблар, одатлар (шу жумладан, жиноят содир этиш жараёнида гуруҳдаги шахслар сони ва таркибининг ўзгариб туриши ёки доимийлиги).

Бундай маълумотларни **ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали гуруҳнинг режалари ва ҳаракат қонуниятлари тўғрисида олдиндан тахминий хулоса чиқариш, шунга яраша оператив-қидирув тадбирларини режалаштириб қўйиш** мумкин бўлади.

7. Аломатлар гуруҳидаги барча ҳолатлар учун уларнинг аниқлик даражаси бўйича тайёр тавсияларни бериш амалда мумкин эмас. Лекин улар, ахборот-қидирув тизимларидаги эмпирик материалларни кузатиш ва таҳлил этиш орқали дастлабки хулосаларни чиқариш учун асос бўлиб хизмат қила олади, деб ҳисоблаймиз.

